ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

(Ўқув қўлланмаси**)**

Тошкент - 2006

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти: Ўқув қўлланмаси /Масъул муҳаррир сиёсий фанлар доктори, профессор Ш.Ғ.Ғойибназаров. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. 207-б.

Муаллифлар жамоаси:

сиёсий фанлар доктори, профессор **Ш. Ғ. Ғойибназаров,** тарих фанлари номзоди**,** доцент **Э. Қ. Арифджанов,** фалсафа фанлари номзоди, доцент **Р. У. Эрназаров,** тарих фанлари номзоди, доцент **В. Б. Хақлиев,** катта ўқитувчи **С. Н. Бердикулов,** ўқитувчи **О. Э. Махкамов.**

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

(Ўқув қўлланмаси)

Тақризчилар: тарих фанлари доктори **Б. В. Хасанов**;
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети сиёсатшунослик ва тарих кафедраси мудири, тарих фанлар доктори, профессор **Р. Ф. Фармонов**

Тошкент - 2006

К И Р И Ш

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида эски тузум асоратларидан, миллий табиатимизга ёт ва бегона мафкуравий қарашлардан воз кечиб, янги ҳаёт, янги жамият қуриш, унинг конституциявий асослари ва демократик принципларини қарор топдириш борасида изчиллик билан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар Президент таъбирига кўра: «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун» деган принципга мос равишда амалга оширилаяпти. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, «ҳали олдимизга қўйган юксак тараққиётга эришиш йўлидаги муаммолар, қийинчилик ва етишмовчиликлар, жойларда йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар учраб турибди»[1]. Дунёнинг бошқа мамлакатларида бўлгани сингари бизда ҳам инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш, эркинлаштириш, модернизация қилиш муаммолари долзарб масала сифатида ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Узоқ йиллар демократия, ҳурфикрлик, плюрализмни инкор этиб келган маъмурий буйруқбозлик тизими ва коммунистик мафкура шароитида яшаган Ўзбекистон аҳолиси учун янги жамиятни яратиш мураккаб ва масъулиятли вазифа бўлиши билан бирга, бу йўлда қийинчиликларнинг учраши ҳам табиийдир. Чунки, бозор муносабатларига асосланган демократик жамият яратилиши шахс онги ва дунёқарашини ўзгартиришни ҳам тақозо қилади. Янги шароитда эса инсон нафақат ўзининг эркинлигини, балки ўзининг, оиласининг, жамоанинг ва жамиятнинг олдидаги бурчи ва масъулияти ҳис эта билиши керак.

Умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган жамиятни барпо қилиш ва шу муносабат билан фуқаролар дунёқарашини янги шароитга мослаш муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишнинг ягона, ҳар томонлама илмий асосланган концепцияси ишлаб чиқилишини долзарб вазифа қилиб қўйди. Ана шу мантиқдан ке-

[1] *Каримов И. А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият //Халқ сўзи. 2005. 8 дек.

либ чиқиб, 1998 йилда «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани олий ўқув юртларининг ўқув режасига киритилди.

«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани ўз олдига қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни қўйган:

– Ўзбекистон заминида эркин жамият, адолатли ва халқпарвар давлатчиликни барпо қилиш бўйича буюк алломаларимизнинг ғояларини ўрганиш ҳамда уларни демократик жамият қуриш амалиётида қўллаш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш;

– умумбашарий демократик қадриятларни ўрганиш ва уларни Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда амалиётда қўллаш йўналишларини аниқлаш;

– жамиятдаги демократлаштириш жараёнларини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали камчилик ва ютуқларни аниқлаш ҳамда ислоҳотларни самарали амалга ошириш бўйича тавсияларни таклиф қилиш;

– Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини тезлаштиришга кўмаклашув;

– умумбашарий ва миллий демократик қадриятларни тарғибот қилиш орқали уларни аҳолининг онгига сингдириш чораларини ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Мазкур ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида бир неча йиллар давомида ўқилиб келинаётган маърузалар асосида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплекси томонидан маъқулланган (2004 йил) ўқув дастурига мос тарзда тайёрланди. Қўлланмада халқаро ташкилотларнинг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов асарларида ўз аксини топган илмий хулосалар, кўрсатмалар, ғоялардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Муаллифлар мазкур қўлланма бўйича фикр-мулоҳазаларни кутиб қоладилар ва кейинги нашрларда улардан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг яратилиши – объектив зарурат

Жаҳон ҳамжамияти XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида катта сиёсий ўзгаришларни бошидан кечирди. Собиқ Иттифоқнинг емирилиши, зўрма-зўраки ушлаб турилган социалистик лагернинг тарқаб кетиши, бирқанча мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши геосиёсий ҳолатларни юзага келтирди. Мустақил ҳамдўстлик давлатлари ўз тараққиёт йўлини белгилаб олиш учун ҳаракат қила бошлади.

Жумладан, Ўзбекистон халқи ҳам мустақилликка эришиб, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятида ўз тарихи ва салоҳиятига яраша муносиб ўрнини топиш, халқининг олий мақсадларидан келиб чиқиб, унинг эркинлиги, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш имкониятини қўлга киритди. Республика мустақилликни эълон қилган куниёқ, яъни 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида»ги конституциявий қонунида ҳокимиятнинг бўлиниши, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, барча фуқароларнинг миллатидан, элатидан, ижтимоий келиб чикишидан, қайси динга мансублигидан қатъи назар тенглиги каби Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида қайд қилинган ва бошқа умумбашарий принципларга асосланган демократик жамият барпо қилиш вазифасини белгилаб олди[1].

Янги демократик жамиятни шакллантириш Ўзбекистон учун ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа эди. Чунки узоқ йиллар давомида жамиятда коммунистик партиянинг якка ҳукмронлиги, ягона давлат мулкига асосланган иқтисодий тизим, ҳар қандай ҳурфикрликни инкор этадиган коммунистик мафкурага бўйсундирилган дунёқараш собиқ Иттифоқ аҳолисининг руҳиятида салбий кўринишларнинг шаклланишига олиб келганди.

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари. – Т., 2000. – 11–14- б.

Президент И.Каримов бу ҳақида шундай таъкидлаган эди: «Собиқ республикалардаги ислоҳотларнинг мураккаблиги шундаки, одамларда бир неча авлод давомида тарбияланган меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартириш қийин… Инсоннинг жамиятдаги ўз ўрни ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиши, у ўзини кичкина одам, унинг учун ҳамма муаммони давлат ҳал қилади деб ҳисоблаши – ўтмишдан қолган меросдир… Энг ачинарлиси шундаки, ўз фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини, самарали ва натижадор меҳнати билан муносиб турмуш шароитини таъминлаши мумкинлигини тушуниб етиши амримаҳол бўлиб қолди»[1].

Булар, албатта, янги жамиятни қуришда муайян қийинчиликлар туғдиради. Демак, демократик жамиятни яратилиш шахснинг онгини ўзгартириш, янгилаш билан боғлиқ. Бошқачароқ айтганда, шахс нафақат ўзининг эркинлигини, балки оиласи, меҳнат қилаётган жамоаси ва жамият олдида масъулиятни ҳис эта билиши керак. Эркин ва фаровон ҳаётга эришиш биринчи навбатда, шахсан унинг ўзига боғлиқлигини билиши лозим. Билиш учун эса фан чуқур ўзлаштирилиши зарур. Бу «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фани ўқитилишининг биринчи объектив заруратидир.

Айни кунда олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар эртага демократик жамият қуришда бевосита иштирок этадилар. Шунинг учун улар демократик жамият қуриш омилларининг моҳияти ва мазмуни, йўналишлари, принципларини ўзлаштириб, аҳамиятини тўла тушуниб, ўзларида жамиятнинг келажагини башорат (прогноз) қилиш уқувини шакллантиришлари керак. Бу фаннинг ўқув режасига киритилишининг иккинчи объектив зарурати ҳисобланади.

Демократик жамият қурилишида иштирок этиш нафақат давлат структураларида фаолият кўрсатадиган сиёсатчилар ва маъмурият ходимларининг эмас, балки барча фуқароларнинг бурчидир. Шунинг учун барча фуқаролар жаҳон тажрибасидан хабардор бўлишлари, жамиятда кечаётган жараёнларни мустақил таҳлил қилишлари, бу борада ўз фикр-мулоҳазаларига эга бўлишлари керак. Ушбу вазифаларни биринчи навбатда «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва

[1] Қаранг: *Каримов И. А.*. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т 1. – Т., 1996. – 324-б.

амалиёти» фанини чуқур ўзлаштириш орқали ҳал қилиш мумкин. Бу эса фанни ўқитилишининг учинчи объектив заруратидир.

«Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фанини чуљур њзлаштириш орљали ќал љилиш мумкин. Бу фан њљитилишининг учинчи объектив заруратидир.

Демак, «Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фанининг њљитилиши мустаљил Њзбекистонда маъмурий-буйруљбозлик тузумидан љолган салбий ољибатларни тугатиб, демократик жамиятни барпо љилиш билан узвий боѓлиљ бњлган объектив заруратдир.

Фаннинг предмети, маљсади ва вазифалари

Ушбу мавзунинг моќиятини очишдан олдин «жамият», «демократик жамият», «фуљаролик жамияти» каби атамаларга таъриф бериш маљсадга мувофиљ.

Фалсафа фанида «жамият» атамаси кенг ва тор маъноларда љњлланилади. «Жамият» атамаси кенг маънода муайян макон ва замонда юзага келган кишиларнинг ќамкорликдаги фаолияти шаклларининг мажмуи, тор маънода маълум тарихий даврдаги ижтимоий тизим тури, муайян ижтимоий муносабатларнинг шаклини англатади.

Юридик адабиётдаги талљинга књра, жамият – кишилар њртасидаги њзаро алојадорлик маќсули, улар ќаётининг муайян ташкилий шакли, њз ички љарамаљаршиликларига эга вужуд бњлиб, унинг моќияти инсонлар, улар уюшмалари ќамда бирликларининг турли-туман (иљтисодий, ахлојий, диний ва бошља) алоља ва муносабатларида намоён бњлади. Бошљачарољ айтганда, жамият – бу инсонларнинг умумий манфаатлар ќамда эќтиёжлар бирлиги асосида, уларни љондириш маљсадида бирикуви ва ана шу инсонлар њртасидаги ижтимоий муносабатлар, алојадорлик, ќамкорлик ифодасидир.

Энди «демократик жамият» ва «фуљаролик жамияти» атамаларига берилган таърифларига эътиборимизни љаратсак, уларнинг књпчилик белгилари борлигини эътироф этишга тњѓри келади. Фикримизнинг исботи учун Президент И. А.

Каримовнинг асарларида бу ќаљидаги иккита таърифни келтирамиз. Биринчиси, «Маълумки, *демократик жамиятнинг* халљаро миљёсда эътироф этилган принципларі бор. Инсоннинг њз хохиши-иродасини эркин билдириш ќамда уни амалга ошириши, озчиликнинг књпчиликка бњйсуниши, барча фуљароларнинг тенг ќуљуљлилиги, давлат ва жамият бошљарувида љонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ќисоб бериши, тайинлаш йњли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошљалар шулар жумласига киради»[1].

Иккинчиси, «Биз учун *фуљаролик жамияти* – ижтимоий макон. Бу маконда љонун устувор бњлиб, у инсоннинг њз-њзини камол топтиришига монелик љилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ќуљуљ ва эркинликларини тњла равишда рњёбга чиљаришига књмаклашади. Айни ваљтда бошља одамларнинг ќуљуљ ва эркинликлари камситилишига йњл љњймайди. Яъни эркинлик ва љонунга бњйсуниш бир ваљтнинг њзида амал љилади, бир-бирини тњлдиради ва бир-бирини таљозо этади»[2]. Агар келтирилган таърифларнинг мазмунига эътибор љилинса, уларнинг моќиятида демократик принципларга амал љилиш ќаљидаги фикр ётади. Демак, «демократик жамият» ва «фуљаролик жамияти» тушунчаларининг моќияти деярли бир хил, дейиш мумкин.

«Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фанининг предмети ва категорияларини янада тњлиљрољ билиш учун юљоридагиларга љњшимча фуљаролик демократик жамиятининг ички тузилмаларини аниљлаб олиш лозимдир. Улар љуйидагилардан иборат:

1. Иљтисодий соќадаги манфаатларни љаноатлантирувчи тузилмалар:

– хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлар;

– ширкат хњжаликлари ва уларнинг уюшмалари;

– ижара асосида ишловчи жамоалар;

– ќиссадорлик жамиятлари;

---

[1] *Каримов И. А.* Ватан саждагоќ каби муљаддасдир. Т 3. – Т., 1996. – 8-б.
[2] *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барљарор тараљљиёт йњлида. Т 6. – Т., 1998. – 151-б.

– молиявий жамҳарма ќамда уюшмалар;

– ишлаб чиљариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари;

– тадбиркорлар уюшмалари ва ќоказо.

2. Ижтимоий соќадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар:

– оила ќамда унинг манфаатларини акс эттирувчи махсус ташкилотлар;

– таълим-тарбия муассасалари;

– жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;

– фуљароларнинг њзини-њзи бошљариш органлари;

– мустаљил оммавий ахборот воситалари;

– диний ташкилотлар;

– миллий-маданий марказлар;

– ихтиёрий књнгилли жамиятлар;

– жамоатчилик фикрини аниљлаш ва њрганиш институтлари;

– турли ижтимоий ихтилофларни адолатли ќал этувчи тузилмалар ва ќоказо.

3. Сиёсий соќадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар ва тузилмалар:

– ќуљуљий давлатнинг мавжудлиги;

– сиёсий партиялар;

– ижтимоий-сиёсий ќаракатлар;

– сиёсий муҳолифатнинг мавжудлиги;

– инсон ќуљуљларини ќимояловчи институтлар ва ќоказо[1].

Албатта, жамият тузилмаларининг турлари жуда хилма-хил, уларнинг барчасини санаб њтиб бњлмайди. Жамият ривожи ва эќтиёжларнинг кенгайишига љараб яна турли тузилмалар пайдо бњлиши, њз вазифаларини бажариб бњлганлари эса њз-њзидан тугаб кетиши табиий ќол.

Фаннинг предметини аниљлашдан олдин яна бир жиќатга, яъни демократиянинг асосий белгиларини эсга олиш лозим. Барча давлатларда демократиянинг књринишлари миллий љадриятларни инобатга олган ќолда шаклланади. Лекин уларнинг турличалигига љарамасдан, умумэътироф этилган принципларга эга. Уларнинг энг умумийларини санаб њтамиз:

[1] Одилљориев Х.Т. Конституция ва фуљаролик жамияти. – Т., 2002.

– умумэътироф этилган инсон ќуљуљларини тан олиш ва амалга ошириш;

– демократик ќуљуљий ва дунёвий давлат принципларини амалга ошириш;

– књппартиявийлик ва сиёсий плюрализмни љарор топтириш;

– ќоқимиятнинг таксимланиши;

– давлат ва фуљароларнинг њзаро мажбуриятларга эга эканликларининг тан олиниши ва љонуний мустаќкамланиши;

– келишув, компромис ва консенсус сиёсий-ќуљуљий тизимининг мавжудлиги;

– фуљароларнинг сиёсий жараёндаги фаол иштироклари ва давлат ќоқимиятининг олий идоралари ќамда маќаллий њзини њзи бошљариш идоралари шаклланишида сайловчиларнинг ќал љилувчи аќамиятга эга эканлиги ва бошљалар.

Демократиянинг санаб њтилган књринишларини њзида акс эттирган жамият демократик жамият дейилиши мумкин. Шунингдек, юљоридаги принциплар «Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фанининг њрганиши лозим бњлган муаммолари кенг камровли эканлигини англатади. Яна таъкидлаш лозимки, љайд љилинган жиќатлар умумий воњеликни фаљат бир љисминигина њзида акс эттирган.

Юљоридагилардан келиб чиљиб, «Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фани халљаро ќуљуљ нормалари, ривожланган демократик мамлакатларнинг тажрибалари асосида Њзбекистон жамиятини демократлаштиришнинг љонуниятлари, унинг услуб ва воситаларини њрганади, дейиш мумкин. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, «Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фани давлат ва ќуљуљ назарияси, сиёсатшунослик, фалсафа, социология, иљтисодиёт каби бошља гуманитар фанлар мажмуаси билан узвий боѓлиљ.

Фаннинг маљсади – Њзбекистонда инсон ќуљуљлари, эркинликлари ва љонуний манфаатларини ифода этадиган, кафолатлайдиган, мунтазам тараљљиёт асосида унинг фаровонлигини таъминлайдиган ќуљуљий демократик жамият барпо этиш ва бу жараённи тезлаштиришга књмаклашишдир.

«Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фанининг вазифалари љуйидагилардан иборат:

– Њзбекистон заминида адолатли, аќолининг эзгу орзу-умидларини акс эттирувчи жамиятни барпо љилиш бњйича буюк маърифатпарвар алломаларнинг меросини њрганиш;

– жаќон ќамжамиятининг демократик жараёнларни ривожлантириш тажрибасини њрганиш орљали Њзбекистон аќолисининг менталитетига мос келадиган жиќатларини аниљлаш ва уларни љњллаш бњйича тавсиялар ишлаб чиљиш;

– республикадаги демократик жараёнларни миллий нуљтаи назардан таќлил љилиб, унинг асосий тенденцияларини аниљлаш ва истиљболларини башорат љилиш;

– љонунчиликнинг жамиятни эркинлаштиришга љаратилган ќолатини њрганиш орљали уни ривожлантиришнинг асосий йњналишларини аниљлашга ќисса љњшиш;

– умумбашарий ва миллий демократик принципларни кенг тарђиб љилиш орљали аќоли, айниљса, ёшлар онгида демократик љадриятларни шакллантириш, фуљароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишнинг услуб ва воситаларини ишлаб чиљиш;

– жамият тузилмаларининг ижтимоий, сиёсий, иљтисодий, ќуљуљий ва маънавий ќаётни эркинлаштиришдаги њрнини, уларни такомиллаштириш, модернизациялашнинг асосий йњналишлари ва чора-тадбирларини белгилаш;

– Њзбекистоннинг жаќон ќамжамиятига интеграциялашувини тезлаштирувчи омилларни њрганиш ва таќлил љилиш, ривожланган мамлакатларнинг бозор муносабатларини такомиллаштириш, юксак техника ва технология, илм-фан ютуљларини самарали љњллаш тажрибасидан республика иљтисодиётида фойдаланиш имкониятларини књрсатиб бериш;

– халљаро ва минтаљавий барљарорликни таъминловчи омилларни таќлил љилиш, терроризм, диний экстремизмга љарши курашда Њзбекистоннинг халљаро ќамжамият билан ќамкорлик љилиш принципларини ишлаб чиљиш ва ќамкорликнинг самарасини ошириш меъёрларини белгилаш;

– олий њљув юртларида таълим олаётган, келажакда республиканинг ижтимоий, сиёсий, иљтисодий ќаётида њз салоќиятини ишга соладиган ёшларга Президент И. А. Каримовнинг асарларидаги назарий хулосалар ва амалий књрсатмаларни тушунтириб бериш, уларнинг жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш билан боўлиљ халљаро ќужжатлар, Њзбекистон љонунлари, меъёрий ќужжатлари, мустаљиллик йилларида нашрдан чиљљан, янги ижтимоий-иљтисодий муносабатларга њтиш масалаларининг ечимлари баён этилган адабиётларни чуљур њрганиш ва келажак тњўрисида аниљ тасаввурга эга бњлишларини таъминлаш ва ќакозо.

Хулоса љилиб айтиш мумкинки, «Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фани жаќон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланиб республиканинг њзига хос хусусиятларини инобатга олиб, одил, демократик давлат ва фуљаролик жамияти барпо этишнинг назарий масалаларини яхлит тарзда тадљиљ этади. Уларнинг натижаларини умумлаштиради ва тарўибот љилиш орљали талабалар, шунингдек кенг жамоатчиликнинг онгида демократик жамият ќаљидаги тушунчани шакллантириш ќамда нормаллаштириш билан шуўулланади.

Фаннинг назарий ва методологик асослари, манбалари

«Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фанининг њзига хос назарий методологик асослари ва методикаси бор. У фаннинг назарий асосларини гуманитар фанларнинг адолатли ва ќуљуљий давлат, демократик жамият љуриш, инсон ќуљуљлари ќамда эркинликларини таъминлаш бњйича илмий ютуљлар, Њзбекистон љонунларида акс этган ќуљуљий љарашлар, Њзбекистон Президенти И. А. Каримов асарларида баён љилинган назарий ўоялар, хулосалари ва књрсатмалари ташкил килади.

«Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фани бир љанча умумий ва хусусий принциплар ва методларга эга. Улар тњўрисида тњхталамиз.

Мунтазамийлик принципи. Ижтимоий, сиёсий ва иљтисодий ќаёт доимо ривожланиб њзгариб бориши жараёнида, уни яратишга бњлган талаблар ќам њзгариб

боради. Шунинг учун демократик жараёнларни доимо таќлил љилиб, уларнинг замонавий тараљљиёт даражасига мослигини назорат остига олиб туриш маљсадга мувофиљдир.

Объективлик принципи. Бу принцип демократик жараёнларни холислик билан бирон бир сиёсий ва мафкуравий љарашларга берилмасдан, барча њзгаришларни инобатга олиб ва ќар томонлама, уларни њзаро боѓликликда њрганишни таљозо љилади. Бу принципнинг бузилиши нотњѓри хулосаларга олиб келиши мумкин. Масалан, коммунистларнинг «социализми»нинг кишилик жамияти келажагини белгилаши ќаљидаги аљидаси жамиятдаги мутаносибликни бузилишига, демократиянинг инкор этилишига, инсон ќуљуљларининг поймол љилиниши каби нохуш ќодисалар ва ољибатда социалистик тузумнинг њзининг барбод бњлишига олиб келганлиги ќаммага маълум.

Аниљ социологик метод. Жамият кечаётган жараёнларни (жумладан, демократик) турли анкета сњровлари, мулољотлар, тажрибалар њтказиб, таќлил љилиб, шу асосда мамлакатда њтказилаётган ислоќотларнинг энг маљбул йњлларини аниљлаш ва уларнинг натижаларини башорат љилиш.

Љиёслаш методи. Демократиянинг барча учун ягона модели йњљ, бњлиши ќам мумкин эмас. Шунинг учун ушбу принцип орљали турли мамлакатлардаги демократик принциплар солиштирилади ва умумий жиќатлар аниљланади ќамда аниљ жамиятнинг (хусусан Њзбекистоннинг) менталитетига љиёслаб, унга маљбул бњлганлари танлаб олиниши зарур.

Функционал метод. Ушбу метод демократлаштириш билан боѓлиљ турли жараёнларнинг жамиятдаги аниљ вокелик билан њзаро боѓликлигини њрганади. Масалан, ижтимоий-иљтисодий тараљљиёт мезони билан жамиятни демократлаштириш даражаси, иљтисодиёт билан сиёсий плюрализм, маданият, анъаналар билан аќоли сиёсий фаоллигининг боѓлиљлиги ва ќоказо.

Тарихий ёндашув. Њзбекистон аќолиси озодлик, адолат, эркинлик, халљпарварлик каби демократик љарашлар бњйича бой меросга эга. Уларни њрганиш ва демократлаштириш меъёрларига мослаш орљали ќаётга татбиљ љилиш, жамиятни эркинлаштиришни самарали амалга оширишга ёрдам беради.

Санаб њтилганлардан ташљари яна бирљанча хусусий методлар ва ёндашувлар борки, уларни љњллаш демократлаштиришнинг илмийлик даражасини књтаришга хизмат љилади.

Љуйидагилар «Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фанининг манбаларидир:

1. Халљаро ташкилотлар: БМТ, ЕХЌТ, ХМТ, ЮНЕСКО ва бошља ташкилотларнинг жамиятни демократлаштириш ва инсон ќуљуљларини таъминлаш тњћрисидаги ќужжатлари, яъни:

– БМТ Низоми;

– инсон ќуљуљлари умумжаќон декларацияси (1948 й);

– фуљаролик ва сиёсий ќуљуљлар тњћрисидаги Пакт (1966 й);

– иљтисодий, ижтимоий ва маданий ќуљуљлар тњћрисидаги Пакт (1966 й);

– уюшиш эркинлиги ва ташкил этиш ќуљуљларини ќимоя этиш тњћрисидаги 87-конвенция (1948 й).

2. Њзбекистон Республикасининг љонунлари:

– Њзбекистон Республикасининг Конституцияси;

– «касаба уюшмалари, уларнинг ќуљуљлари ва фаолиятларининг кафолатлари тњћрисида» (1992 й);

– «Монополиянинг фаолиятини чеклаш тњћрисида» (1992 й);

– «Фуљароларнинг њзини њзи бошљариш органлари тњћрисида» (1999 й., янги таќрири);

– «Њзбекистон Республикаси ташљи сиёсий фаолиятининг асосий принципларитњћрисида» (1996 й);

– «Сиёсий партиялар тњћрисида» (1996 й);

– «Фермер хњжалиги тњћрисида» (1998 й);

– «Чет эл инвестициялари тњћрисида» (1998 й);

– «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар тњћрисида» (1999 й);

– «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тњћисида» (1999 й);

– «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тњћрисида» (1998 й);

– «Ахборот олиш љафолатлари ва эркинликлари тњћрисида» (2001 й) ва бошљалар.

3. Президент И. А. Каримовнинг асарлари:

– «Њзбекистоннинг њз истиљлол ва тараљљиёт йњли» (Т. 1);

– «Њзбекистон – бозор муносабатларига њтишнинг њзига хос йњли» (Т. 1);

– «Њзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иљтисодий истиљболининг асосий принциплари» (Т 3);

– «Њзбекистон иљтисодий ислоќотларни чуљурлаштириш йњлида» (Т 3);

– «Њзбекистон XXI аср бњсаћасида: хавфсизликка таќдид, барљарорлик шартлари ва тараљљиёт кафолатлари» (Т 6);

– «Баркамол авлод – Њзбекистон тараљљиётининг пойдевори» (Т 6);

– «Њзбекистон XXI асрга интилмоњда» (Т. 7);

– «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ќаёт – пировард маљсадимиздир» (Т. 8);

– «Адолат љонун устуворлигида» (Т 10);

– «Бизнинг бош маљсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоќ этишдир» (Т.13).

4. Хорижий мамлакатлар ва Њзбекистонда сиёсатшунослик, ќуљуљшунослик, фалсафа ќамда бошља гуманитар соќалар олимларининг илмий монографиялари, тадљиљотлари, шунингдек бошља адабиётларда мужассамланган илмий умумлашмалар, хулосалар ва таклифлар.

Шундай љилиб, «Њзбекистонда демократик жамият љуриш назарияси ва амалиёти» фанининг њљув режаларига киритилиши Њзбекистонда жамиятни демократлаштиришнинг долзарб вазифалари бажарилишига љњшилган ќисса бњлиб, у тингловчиларни жамиятни модернизациялашнинг фаол љатнашчилари љилиб шакллантиришга љаратилган.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТЊЏРИСИДАГИ ДАСТЛАБКИ ЉАРАШЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Њзбекистон заминида халљчил, адолатли жамият барпо этиш ќаљидаги ђояларнинг пайдо бњлиши ва ривожланиши

Инсоният онгли ќаёт кечира бошлабдики, у доимо эркинлик, адолат, тинчлик, фаровон ќаётга эришиш каби эзгу орзу-умидлар билан яшайди. Њз-њзидан аёнки, ушбу категориялар кишиликнинг келажагини белгилайди, фаровон ќаётга пойдевор бњлиб хизмат љилади. Бунга исбот сифатида энг љадимги манбалардан бири «Авесто»га мурожаат љиламиз. Унда, жумладан «инсон ќаљиљат ва адолатга интилсин, одамзод бахтли-саодатли яшашга ќаљли, инсонни ќаётдан, хаљ-ќуљуљидан маќрум љилишга ќеч кимнинг ќаљљи йњљ»[1], - дейилган.

«Авесто»да давлат, жамият бошљарувида ќаљиљатга асосланишга чаљирилиб шундай дейди: «Эй, эзгу ниятга књнгил љњйган, дил бођлаган зотлар, ђазабни ичга ютинг, жаќлнинг баќридан њтинг, њзни тундлик, жоќиллик љаршисида янада људратлироль ва салобатлироль айланг. Ашаќ – ќаљиљатнинг ер юзида ёйилмођи, пойдор ва устувор бњлмођи учун пок мардлар сафига љњшилинг»[2].

Ќаљиљатан ќам «Авесто» фалсафасини эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал, ќаљиљатга интилиш ва шулар асосида Ватанни англаш, давлат яхлитлиги ќамда бирлигини таъминлаш, бошљарувда умулхалль манфаатларидан келиб чиљиш ђоялари ташкил килади.

«Авесто» њзидан кейин пайдо бњлган давлатни бошљариш, халльпарварлик, адолат, эркинлик ќаљидаги ђояларга жуда катта таъсир књрсатди. Жумладан, ундаги ђоялар иудаизм, буддавийлик, насронийлик, ислом ва бошља дунёљарашларда њз аксини топди, кишилик жамиятининг ривожланишида катта таъсир књрсатди.

Жамиятни адолатли, тартибли бошқариш ҳақида қадимги Ҳиндистон ва Хитойда ҳам бирқанча ғояларни илгари сурилиб, уларни ҳаётга татбиқ қилишга ҳаракат қилинган. Хусусан, хитойлик буюк аллома Конфуцийнинг фикрича, адолатли тузумни яратиш учун ҳаммага, биринчи навбатда, бошқарувчиларга тааллуқли қонун ва қоидаларга амал қилиниши лозим. Бу қонун-қоидалар

[1]Бобоев Ќ. ва бошљ. «Авесто»да адолатли жамият ђоялари // Фуљаролик жамияти. – 2004. №1. – 48-бет.
[2]Авесто. – Т., 2001. – 26-бет.

ҳукмдорнинг ўзбошимчалиги ва оддий фуқароларнинг лаганбардорлигини чеклаб, ҳар иккала тоифанинг ҳам қадр-қимматини сақлаб қолишга ёрдам беради. Бу қонун-қоидаларга амал қилинмаса, бошқарув тизими умуман яроқсиз бўлиб қолади ва охир оқибат барбод бўлади[1].

Халқ манфаатини ифода этган, тўғрироғи (демократик бошқарув) халқ ҳокимияти биринчи марта қадимги Афинада (милоддан аввалги V аср) ташкил топганлиги тарихдан маълум. У ерда балоғатга етган 5–6 минг фуқаролар майдонга йиғилиб, давлат бошқаруви, судлов ва бошқа муаммоларни ҳал қилганлар. Кўпчилик бўлишига қарамасдан, баъзида оломон эҳтиросга берилиб, нотўғри қарор қабул қилиши мумкин бўлган[2]. Бундан ташқари, ижтимоий тузум ҳам ҳисобга олинган. У ерда қулдорлик тузуми ҳукмрон бўлиб, аёллар ва қуллар озод фуқаролар саналмаган.

Ҳозирги даврда давлатларда Афинадаги демократияни амалга ошириш ёки қўллашнинг умуман иложи йўқ. Шунинг учун бугун вакиллик демократияси қўлланилади. Бунда халқ томонидан сайланган вакиллар унинг иродасини ифода этади деб ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон заминида (мелодий V аср) пайдо бўлган маздакчилар ҳаракати адолат ва тенглик, шунингдек жамиятни бошқаришга доир ғояларга ўзига хос ёндошув билан чиқдилар. Бу ҳаракатнинг бош ғояси жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни тугатишга қаратилган, яъни тўртта «з» ҳарфи билан бошланувчи унсурларда – «зар» – (олтин, бойлик), «замин» – (ер), «зўр» – (ҳокимият) ва «зан» – (хотин) тенг тақсимланиши кераклиги ўз аксини топган. Жамиятда табақаланиш кучайганлиги туфайли маздакизм ғоялари майда ва ўртаҳол деҳқонлар ҳамда шаҳарликлар томонидан қўллаб-қувватланди. Бирқанча ғалаёнларга сабабчи бўлди[3]. Бу дунёқараш утопизмга яқин бўлишига қарамасдан, ўз даври нуқтаи назарида прогрессив аҳамиятга эга бўлди ва кейинчалик адолатли жамият барпо қилиш ғояларини такомиллаштиришда муайян таъсир кўрсатди.

---

[1] Қаранг: *Ирхин Ю. В. и другие.* Политология.– М., 2000. – стр 40.
[2] Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2000. –164–166-бетлар.
[3] Қаранг: Советская историческая энциклопедия. – М., 1964. – С.906.

Ўрта асрларда Марказий Осиёли маърифатпарварлар, сиёсатчилар ўз асарларида халқпарвар давлат, одил ва адолатли ҳукмдор тўғрисидаги гуманизм билан боғлиқ эътиборга сазовор бирқанча ғояларни тарғиб қилганлар, шунингдек, уларни амалий ҳаётда қўллашга ҳаракат қилганлар. Бу соҳага муносиб ҳисса қўшганлар Абу Наср Форобий, Низомулмулк, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Алишер Навоий, Воиз Кошифий, Жалолиддин Давоний, Аҳмад Дониш ва бошқа бир қанча алломалар эди.

Ушбу даврларда давлатни ва жамиятни бошқаришда одил, фаросатли, халқпарвар ҳукмдор бўлиши лозимлиги ғояси кўпроқ тарғиб қилинган. Абу Наср Форобий ҳукмдор 12 та фазилатга эга бўлиши керак деб ҳисоблаган. Улар қуйидагилардан иборат эди:

– соғлом бўлиши;

– нозик фаросатли, суҳбатдошини тез тушуниб оладиган;

– кучли хотирага эга бўлиш;

– ўткир зеҳнли ва зукко бўлиш;

– нотиқлик санъатига эга бўлиши;

– билим олишга, маърифатга ҳавасли бўлиш;

– таом ейишда, аёлларга яқинлик қилишда очофат бўлмаслик, ўзини тия билиш;

– ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши;

– ўз қадрини билувчи, номус-ориятли, олий ҳиммат, олий ишларга интилиши;

– бу дунё молларига қизиқмаслик;

– табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган;

– ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва ҳадиксирашга йўл қўймаслиги зарур[1].

[1] Қаранг: *Абу Наср Форобий*. Фозил одамлар шаҳри. – Т., 1993. – 159–160-бет.

Давлат раҳбари учун Форобий таъкидлаган фазилатларнинг барчаси муҳим. Биз «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанига тўғридан-тўғри алоқадор бўлган ўн биринчи фазилатга эътибор қаратишимиз лозим. У асл матнда қуйидагича ёритилган: «У (раҳбар), табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликларни, ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур»[1].

Давлат бошлиғига, умуман раҳбарга жуда кўп талаблар қўйилаяпти. Буни Форобий яхши тушунган. Алоҳида олинган шахсда талаб қилинадиган барча фазилатларнинг тўлиқ мужассам бўлиши мумкин эмас. Шу боис, Форобий ана шу ҳислатларга эга бўлган икки ёки ундан ҳам кўп кишиларни шаҳар ҳоқимлигига (ҳукмдор раҳбар назарда тутилаяпти – *Э. А.*) қўйишни таклиф этади. Ёки вазирлар тайинланишида ҳам юқоридаги фазилатлар ҳисобга олиниши керак деб ҳисобланган[1]. Бу ҳозирги дунёқарашга кўра, давлатни жамоа бўлиб бошқариш ёки демократиянинг бир элементидир.

Давлатни адолат асосида бошқариш муаммоларини ҳал қилишда соҳибқирон, буюк давлат арбоби Амир Темур катта жонбозлик кўрсатди. Унинг «Тузуклар»и ўзбек давлатчилигини такомиллаштиришга улкан ҳисса қўшган тарихий ва ҳуқуқий ҳужжат бўлди, бошқачароқ айтганда, ўзига хос конституция ролини ўйнади. А. Темур «Тузуклари»да шундай ёзади: «Ҳар ишни кенгашган ҳолда қилдим. Ҳар вақт кенгашчилар йиғилиб, мажлис очилар экан, яхши-ёмондан, фойда-зиёндан, олдимиздаги ишларни қилиш-қилмасликдан сўз очилиб, улардан фикр сўрар эдим… Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса, қилич билан бажо келтиришни англадим”.

---

[1]Ўша жойда. –160-бет.
[2] Қаранг: Темур Тузуклари. – Т., 1991. 15 бет.

Келтирилган фикрдан аёнки, Амир Темур давлат бошқарувини кенгашлар, маслаҳатлар орқали амалга оширган. “Қилич билан бажо келтириш” иборасини асл маънода тушуниш нотўғри бўлади. Бу ерда у кўпроқ рамзий маънода қўлланилган, яъни давлат ишларида қонунга асосан мажбурлаш ҳам зарурат деб ҳисобланган. Бошқачароқ айтганда, эркинлик, инсонпарварлик ёки демократия бош-бошдоқлик, ким нимани ҳоҳласа, шуни қилади деган гап эмас, балки бу принциплар муайян тартиб, қонунга бўйсунади деганидир.

А. Темур биринчи ўринга ҳукмдорнинг халқпарвар бўлиш масаласини қўйган. У ўз фаолияти ҳақида шундай ёзади: «раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторига, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму-одатлари, мижозидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашраф-уруғлари ва бузруглари билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари ишлаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим»[1]. Шу амаллари билан А. Темур ўз давлатида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорликни таъминлашга, умумий ривожланишга эришди, давлатнинг куч-қудратини мустаҳкамлади

Шу борада А. Темурнинг замондоши, Шарқ мутафаккирларидан бири Ибн Ҳолдуннинг давлат бошқаруви ҳақидаги ғоялари эътиборга лойиқ. У жамият сиёсий ташкилоти (давлат)нинг моҳиятини ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат қуроллари ва унинг маҳсулини ҳимоя қилишда кўради. Ўз фуқароларининг мулкига зарар етказадиган (юқори даражадаги солик, мулкни тортиб олиш, савдода монополия ўрнатиш) давлат сиёсатини қаттиқ танқид қилади[2]. Ибн Ҳолдуннинг юқоридаги ғоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Давлатчилик, сиёсат, адолат, халқпарварлик ғояларини ривожлантиришда XV аср охири ва XVI асрнинг бошларида яшаган Жалолиддин Давоний ҳокимиятнинг тақсимланиши (бу албатта, рамзий маънода, чунки сўз подшоҳ атрофидаги амалдорларнинг фаолияти тўғрисида кетаяпти, – *Э.А.*) ҳақида ўз даврига нисбатан

[1] Қаранг: Темур Тузуклари. – Т., 1991. – 55-бет.
[2] Қаранг: Советская историческая энциклопедия. Т. 5. – М., 1964. – С.726.

илғор ғояларни баён қилади. У подшога яқин кишиларни беш тоифага бўлади, яъни:

1) олим ва уламолар – ҳукмдорга ўз маслаҳатлари билан давлатни бошқаришга кўмаклашадилар;

2) калом ва фиқҳ илми билан шуғулланувчилар (идеолог ва ҳуқуқшуносларга қиёсласа бўлади, – *Э.А.*) – маслаҳат ва турли тарғиботлар билан аҳолини йўлга соладилар;

3) аҳолининг адолат қоидаларига риоя қилишини назорат қилувчилар;

4) аскарлар – давлат хавфсизлигини таъминлаб турадилар;

5) молия ходимлари, савдогарлар, солиқ йиғувчилар, ҳунармандлар ва бошқалар.

Давоний бу билан чегараланмай, давом этган ҳолда, бир тоифага мансуб кишилар бошқа тоифадагиларга тазйиқ ўтказмасликлари лозим деб ҳисоблайди.

Жалолиддин Давоний ўзидан олдин ўтган алломаларнинг ҳукмдорларга хос фазилатларни аниқлашга доир анъаналарни давом эттириб, яна бир қанча янги ғояларни илгари суради. У ҳукмдорларга хос бўлган қуйидаги 10 та фазилатни санаб кўрсатади:

– одамларда ўзига нисбатан нафрат уйғотмаслик;

– давлат ишларининг ўз вақтида ва адолатли ижро этилиши учун жон куйдириш;

– ҳирс ва шаҳватга берилмаслик;

– ҳукм чиқарилганда шошма-шошарлик ва ғазабга эмас, шафқат ва мурувватга асосоланиш;

– халқнинг эҳтиёжини қондиришга интилиш;

– ўз халқининг ҳохиш-истагини қондирувчи ишлардан қочмаслик;

– авф этишни билиш, зероки бу одилликни билдиради;

– қарор қабул қилишдан олдин ўз атрофидагилар билан кенгашиб олиш;

– ҳар кимга муносиб, қобилиятига яраша лавозим бериши;

– адолатли фармонлар чиқариши, бирон кишининг қонунни бузишига йўл қўймаслик[1].

Давоний подшоҳнинг адолатли бўлиши кераклигига алоҳида эътибор беради, чунки: «Агар давлатни бошқариш одил подшоҳ қўлида бўлса, ҳамма адолатли бўлишга ва яхши фазилатларни эгаллашга интилади, акс ҳолда, халқ тамагирлик, очкўзлик, ғаразгўйлик ва бошқа ножўя ишларга берилади», – дейди у[2].

Давлатчиликни ривожлантириш, адолат, халқпарварлик ҳақида А. Навоийнинг замондоши Воиз Кошифий ҳам жуда қимматли фикрлар билдиради. Унинг фикрича, давлатнинг барқарорлигига учта нарса зарар етказади:

1) подшо махфий равишда келган чақимчиларнинг гапига ишониб, ўз кишиларга жазо бераверса;

2) кишилар тарбиясиз, ахлоқан бузуқ бўлса;

3) подшо маъмурияти одамларга зулм ўтказаверса.

Мана шу учта нарсага йўл қўйилса, мамлакат албатта таназзулга учрайди[3].

Шундай қилиб, Ўрта асрлар маърифатпарварлари, алломаю олимлари адолатпарварлик, эркинлик, халқпарварлик каби қимматли ғояларни илгари сурганлар. Уларнинг адолатли подшо, унинг маърифатпарвар вазирлари ва маслаҳатчилари бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоялардан юқорироқ ғояларни кўтара олмаганлиги айб эмас, зеро ўша доираларда ижтимоий тараққиётнинг ўзи ҳали том маънодаги демократик ғояларни нафақат қўллаш, балки тарғиб қилиш даражасига етиб бормаган эди. Шунга қарамасдан, Турон заминида яшаган ва ижод қилган маърифатпарвар алломалар ўзбек давлатчилигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшганлар. Айнан шу даврларда юқоридаги ғоялар билан “қуролланган” Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва Темурийлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятининг ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлигига тарих гувоҳлик беради.

---

[1] Қаранг: Жалолиддин Давоний. Аҳлоқи Жалолий //Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма. – 162-в.
[2] Ўша жой.
[3] Қаранг: *Маҳмудов Р.* Дегонимни улусга марғуб эт… – Т., 1992. – 21-б.

Жадидларнинг миллий давлатчилик ва адолатли жамият қуришга оид маърифатпарварлик ғоялари

Ўзбек давлатчилигида XVII асрдан бошлаб аста-секин салбий тенденциялар кучайиб борди. Мовароуннаҳрнинг нафақат А. Темур ва Темурийлар, балки Шайбонийлар давридаги шон-шуҳратидан асар ҳам қолмади. Сиёсатда барқарорлик, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда турғунлик, диний ва маънавий ҳаётда мутаассиблик кучайиши ва ҳукмронлиги ҳудуддаги вазиятни мураккаблаштирди. Натижада ягона давлат, ягона миллат ғоялари инқирозга учради, сепаратизм учун асос яратилди. Оқибатда ягона давлат парокандаликка учради ва XVIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда учта мустақил давлат – Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари вужудга келди.

Афсуски шу билан давлатларни бошқаришдаги салбий кўринишлар барҳам топмади. Хонликларда ички низолар: сулоланинг ичида ўзаро тахт учун кураш, марказий ҳокимият билан маҳаллий беклар ўртасидаги келишмовчиликлар, амалдорларнинг ўз мансабларини суиистеъмоллари, мутаассиб руҳонийларнинг сиёсий ҳаётга, маънавият ва маърифатга асоссиз тазйиқини кучайиши, аҳолининг моддий аҳволига нафақат бефарқлик билан қараш, балки уни ўзбошимча солиқлар билан эзиш, талон-тарожларнинг авж олиши натижасида вазият тобора оғирлашиб борди.

Бундан ташқари янги пайдо бўлган давлатлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар ташқаридан бўлаётган ҳужумга биргаликда тайёргарлик кўришга имкон бермади. Уларга нисбатан фаросатсиз ҳукмдорларнинг манманлиги туфайли ташқи алоқалар узилиб қолди. Ҳудуддаги давлатларнинг Европадаги ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт натижаларидан баҳраманд бўлиш имконияти йўқолди.

Ўлкада бирликнинг йўқлиги, маълум маънодаги қолоқлик XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, унинг Чор Россияси томонидан босиб олиниши билан якунланди. Қўқон хонлиги тугатилди. Бухоро ва Хива ярим мустамлакага айланди. Шундай қилиб, илгари оғир шароитда яшаётган аҳолининг аҳволи янада мураккаблашди.

Аммо миллатпарвар зиёлилар ва тараққиётпарварлар мамлакатда тартиб ўрнатиш, ҳукмдорларнинг ўзбошимчалигини чеклаш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза қилишга доир ўз қарашларини тарғиб қилдилар, ҳукмдорларни инсофга, диёнатга чақирдилар. Бу борада, айниқса, бухоролик шоир Аҳмад Дониш фаоллик кўрсатди. У «Наводирул-вақое» асарида одил сиёсатнинг 10 шартини белгилаб берди. Жумладан у турли табақа намояндаларидан иборат олий мажлис тузиб, барча қонун ва низомлар шу мажлисда муҳокама қилинишини, сўнг улар амир томонидан тасдиқланиши лозимлигини, шунингдек амирликда давлатнинг барча соҳалари бўйича назорат маъмурияти ташкил этилишини таклиф қилди[1]. Ўз замонасининг талабларидан анча илгарилаб кетганлиги учун Аҳмад Донишнинг ғояларини амалий ҳаётда қўлланиши амримаҳол эди. Шунга қарамай, Аҳмад Донишнинг адолат ва халқпарварлик ҳақидаги ғоялари XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида пайдо бўлган жадидчилик ҳаракатининг мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилди дейиш мумкин.

Ўрта Осиёда жадидчилик ҳаракатининг шаклланишига татар маърифатпарвари Исмоилбей Ғаспирали (Гаспиринский)нинг 1881 йилда чоп этилган «Россия мусулмонлари» китобида баён қилинган ғоялар катта таъсир кўрсатди. Уларнинг қисқача моҳияти қуйидаги фикрларда акс эттирилган эди:

– Россия маъмуриятининг мусулмонларни атайин тараққиёт, илм-маърифатдан узоқда тутаётганлигини, мусулмонларнинг тили, дини, турмуш тарзини бузаётганлигини тан олиш;

– мусулмонларнинг ҳаётини рус тили эмас, балки англаш осон, тушунарли бўлган она тилида ўзлаштириладиган илм-фангина ўзгартириши мумкинлигини, мусулмонлар таълим тизимининг замон талабидан орқада қолганлигини таъкидлаш;

– мусулмонларга Россияни, ундаги ҳаётни ва унинг қонунларини ўрганишлари, тор дунёқарашларини янгилашлари, ҳаётни жонлантирувчи билимга эга бўлишлари учун имкон яратиш лозимлигини уқтириш;

[1] Қаранг: *Эргашева М.* 10 та одил сиёсат юритишнинг шарти // Ҳуқуқ–Право–Law. 2004. – №4. –53–54-бетлар.

– Россия таркибида яшамоқчи бўлган туркий халқларнинг амалдаги тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш учун уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маънавий-ахлоқий қадриятларини сақлаб қолиш кераклигини, акс ҳолда, улар ўзлигини йўқотиши мумкинлигини таъкидлаш;

– тараққиётга, маданиятга эришиш, мамлакатда адолат ўрнатиш учун жаҳондаги тартибни бузишга (социалистик инқилобга – *Э. А.*) ҳожат йўқлигини, акс ҳолда, катта қийинчиликларга дуч келинишини англаш ва бошқалар[1].

Исмоилбей Гаспиралининг ғоялари Ўрта Осиёлик зиёлилар, тараққийпарвар руҳонийлар ва тижоратчиларнинг ҳудудни ривожлантиришга доир қарашларига ҳамоҳанг бўлиши табиий ҳол эди. Лекин фақат шу олим Ўрта Осиёда жадидчилик ҳаракатининг шаклланишига туртки берди дейиш ўринли эмас. Чунки бу ҳаракат ўз ижтимоий негизига эга эди. Жадидчиликнинг ижтимоий базасини ёш миллий зиёлилар, тараққийпарвар руҳонийлар, савдогарлар, диний мадраса муаллимлари ва талабалари, майда бойлар, илғор ноширлар, журналистлар ҳамда бошқа табақа вакиллари ташкил қилади. Уларнинг бир қанчаси Россиянинг ривожланган минтақаларида ва Европанинг тараққий этган шаҳарларида сафарларда бўлган чоғларида саноат ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари юксак одимлар билан илгарилаб бораётганлигининг шоҳиди бўлдилар, бу ютуқларнинг пойдеворини илғор таълим тизими ташкил қилганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Европадаги тараққиёт миллатпарвар жадидлар онгида бир қанча ўринли эътирознинг туғилишига сабаб бўлди. Жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган Мовароуннаҳр бой хомашё заҳиралари, қулай табиий иқлим шароити, арзон ишчи кучи ва бошқа барча салоҳиятга эга бўлишига қарамасдан, нима учун умумий тараққиётда ривожланган Европа мамлакатларидан орқада қолиб кетганлиги, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, илғор ғояларга эҳтиёжнинг деярли йўқлиги кабилар жадидларни ташвишга солди ва жавоб излашга мажбур қилди.

Жадидчилик ҳаракати мураккаб жараёнларни босиб ўтди, ўз фаолиятида эамон талабидан келиб чиқиб аниқ мақсадларни амалга оширишни режалаштирди.

Жадидларнинг асосий ғоялари қуйидагилардан иборат:

---

[1] Қаранг: Косимов Б. Исмоилбей Гаспирали //Ўзбегим. – Т., 1992. –141–165-бетлар.

1. Жадидлар ҳудуддаги қолоқликнинг бош сабабини мутаассиб руҳонийларнинг (тўғрироғи жаҳолатпараст) таъсирида бўлган таълим тизимидаги дунёвий фанларга муносабатнинг салбийлиги билан изоҳлайдилар. Таълим тизими самарасининг пастлиги, шунингдек ўқитиш методикасининг яроқсизлиги вазиятидан келиб чиқиб жадидлар таълим тизимини ислоҳ қилишни энг муҳим вазифа деб ҳисобладилар, яъни ўша даврда амалда самарасиз бўлган «ҳарфдан – товушга» қоидасини қулайроқ «товушдан – ҳарфга» ўтиш усули билан алмаштириш ҳамда ўқув режаларида дунёвий билимларнинг етакчи ўрин эгаллашига эришишни мақсад қилиб қўйдилар.

Аммо жадидлар таълим тизимида ислом таълимотини ўрганишдан воз кечиш керак деб ҳисобламайдилар. Аксинча, ёшларнинг тарбияси ислом таълимотига асосланишини, бунда унинг турли шарҳларини эмас, балки Қуръони карим, ҳадисларнинг аслини, шунингдек фиқҳни асл манбалардан ўрганиш, улардаги қоидаларни кўр-кўрона қабул қилмаслик лозимлигини таъкидлайдилар.

Бу даврда фақат Туркистоннинг асосий шаҳарларида юзга яқин янги услубдаги мактаблар фаолият кўрсатганлиги тўғрисида манбаларда келтирилган[1].

Жадидлар таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича нафақат илғор ғояларни тарғиб қилдилар, балки амалда ҳам янги усулдаги мактабларни очиш, уларда сабоқ бериш билан шуғулландилар.

2. Жадидлар фаолиятининг дастлабки давридаги иккинчи муҳим йўналиш маърифатпарварлик билан боғлиқ. Улар аҳолининг сиёсий онгини юксалтириш, уни ақидапарастлик ва жаҳолат асоратидан қутқариш учун тараққий этган давлатлардаги ижтимоий ҳаёт ютуқларидан доимо хабардор қилиш лозим деб ҳисоблайдилар. Жадидлар шу мақсадда ўзларининг мустақил «Ойина» журналини ва «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Бухорои шариф», «Турон» каби бир қанча газеталарини ташкил қилдилар, китоблар тарқатдилар, тарғибот ва ташвиқот билан шуғулландилар.

3. Жадидлар ислом таълимотининг ижтимоий ҳаётдаги ролини, шунингдек у аҳоли маънавиятини шакллантиришда асосий восита эканлигини яхши тушунган-

[1] Қаранг: История народов Узбекистана. Т. 2. – Т., 1968. –С.329.

лар. Шу билан бирга, ислом таълимотини ислоҳ қилиш, яъни уни ақидапарстликдан халос қилиб, инсоннинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқларини ҳимоя ва тараққиёт, фаровонлик, адолатга хизмат қилдириш ташаббуси билан чиқдилар. Ислом таълимоти ҳеч қачон дунёвий илмларнинг ривожига тўсқинлик қилмаганлигини, балки илм излашга даъват қилишини исботлаб беришга ҳаракат қилдилар. Бухоролик жадидларнинг етакчиларидан бири Абдурауф Фитрат айниқса жонбозлик кўрсатди. У ислом динининг тараққиётига хизмат қилишини қуйидагича ёзади: «Аллоҳ таоло Қуръонда биз инсонни мақтаб, юксак баҳо бериб, халқ этиб яратдик…, барча ер ва осмондаги нарсаларга сизларни ҳукм этувчи деб буюрдик…, – дейди. Демак, мулоҳаза этинг, агар ер ва осмондаги нарсаларнинг бир қисми инсоннинг буйруғига бўйсунмас экан, фарангийлар бу елканли кемалар ва ҳаводаги бу учиш воситаларини қандай яратмоқдалар»[1].

Ушбу фикрдан хулоса қиладиган бўлсак, ислом таълимоти илм излашга, табиатан сирларни ўрганишга монелик қилмаган, аксинча, ҳадисларда айтилишича, «бешикдан-тобутгача илм ўрган»ишга чақирган.

4. Жадидлар минтақадаги қолоқликни тугатиш учун эволюцион йўл билан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, мавжуд тузумни ислоҳ қилиш лозимлигини изчиллик билан тарғиб қилдилар ва бунинг учун амалий чораларни ҳам кўрдилар. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига қараганда Туркистон ўлкасининг ҳуқуқий мақоми ўзгача эканлигини назарда тутиб, бу ерлардаги сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда ўзига хос ёндашувни таклиф қилдилар. Туркистонда маҳаллий аҳолининг миллий манфаатлари, урф-одатлари, анъаналари ва диний эътиқодларини ҳисобга олиб, Россиянинг тасарруфидаги бошқариладиган мухториятни ташкил қилиш ҳақидаги таклифлар берилган бўлса, Бухоро ва Хивада мутлақ ҳокимиятни муайян тартибга солиш, унинг ваколатларини озгина бўлсада чеклаш мақсадида Кенгаш (парламент) тузиш, давлат тизими ва жамиятда тараққиётга йўналтирилган ислоҳотларни амалга ошириш режалаштирилди.

Шу билан бирга, таълим тизимидаги оддийгина ўзгаришлар ҳам мутаасиб руҳонийлар таъсирида бўлган ҳокимият вакилларининг қаршилигига учраётганли-

[1] Қаранг: *А.Фитрат* Ҳинд сайёҳи қиссаси //Шарқ юлдузи. – 1991. –№8. –36-б.

гини назарда тутиб сиёсий ислоҳотлар ҳам осонгина кечмаслигини тушундилар. Жадидлар ана шу мантиқдан келиб чиқиб сиёсий ташкилотларга бирлашиш лозимлигини таъкидлайдилар. Бу фикрлар жадидларнинг ўша пайтдаги вакиллари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат томонидан илгари сурилган. Жумладан, Мунавварқори шундай дейди: «Миллатларнинг маънавий ва иқтисодий тараққиётига икки таянч керак, биринчиси мактаб, иккинчиси жамиятдир»[1] (сиёсий ташкилот назарда тутиляпти – *Э.А.*). Жадидлар ташаббуси билан расмий равишда тузилган миллий-сиёсий ташкилот "Шўрои Исломия" мисолида намоён бўлди.

5. Жадидлар иқтисодиётни ривожлантириш учун Европанинг ривожланган мамлакатлари ва АҚШдан ўрнак олишга, яъни патриархал ишлаб чиқаришдан сармоядорликка асосланган (капиталистик) услубга ўтишга даъват қилдилар. Улар фақат шу йўл билан қолоқликни тугатиш мумкинлигини англадилар. XX асрнинг бошларидаги Туркистоннинг иқтисодиётининг ҳолати ва қолоқлигининг сабабларини А. Авлоний қуйидагича таърифлайди: «Туркистон бойларининг ишлари тўхтаб, синувларининг биринчи сабаби ишларни ахлоқсиз, билимсиз, мусриф, ялқов кишиларга топширувлари ила баробар, ўзларининг замонга мувофиқ тартиб ва низомлардан хабарсизлик эмушидир… Америкаликлар бир дона буғдой экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар, Европаликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар. Аммо биз Осиёликлар, хусусан Туркистонликлар думба сотиб, чандир чайнаймиз, қаймоқ бериб, сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз, … ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдир»[2]. Абдулла Авлоний бироз эҳтиросга берилган бўлса-да, ўз даврининг иқтисодий аҳволини тўғри баҳолаган, деб ўйлаймиз. Жадидлар ўз даврининг мантиғига кўра иқтисодиётни эркин ривожлантириш, хусусий мулкни сақлаб қолишга интилганлигини назарда тутиб, улар шартли равишда бозор муносабатларини жорий қилиш таклифи билан чиқдилар дейиш мумкин.

---

[1] Қаранг: *Сирожиддин Аҳмад*. Мунавварқори // Шарқ юлдузи. –1992. –№3. –105-бет.
[2] *Авлоний А.* Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. – Т., 1992. –26–34-бетлар.

Шундай қилиб, жадидларнинг аҳоли сиёсий онгини шакллантириш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётни таджирий усуллар билан ислоҳ қилиш орқали эркинлаштириш ҳақидаги ғоялари нафақат ўз даврида ижобий аҳамиятга эга эди, балки мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида ҳам муҳимдир.

«Советча» давлат ва жамият қуришнинг демократия принципларига зидлиги

1917 йилда Россияда юз берган Февраль инқилоби Туркистондаги барча сиёсий кучлар, жумладан маҳаллий миллат вакилларидан ташкил топган сиёсий ташкилотларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатди. Улар «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Алаш Ўрда», Федералистлар партияси ва бошқа сиёсий ташкилотларга бирлашиб, Туркистон мустақиллиги учун кураш олиб бордилар. Жадидлар илгари сурган мафкуралар уларнинг ғоявий қуроли эди.

Афсуски, уларда сиёсий тажрибанинг етарли эмаслиги, қарашларнинг турлитуманлиги, келишмовчиликлар, баъзи раҳбарларнинг ўз шахсий манфаатларини устун қўйишлари, манманлик ва эҳтиросга берилишлари, ўйланган ва шакллантирилган ягона мафкуранинг йўқлиги парокандаликни келтириб чиқарди ва охир-оқибат Туркистонда большевиклар раҳбарлигида Советлар тузумининг қарор топишига олиб келди, у 1991 йил 31 августгача Ўзбекистонда ҳам ҳукмронлик қилди.

Шундай қилиб, кишилик жамияти доимо адолат, эркинлик ва демократияга интилиб келган. Бу мақсад йўлида жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирди, талофатлар берилди, чекинишлар бўлди. Лекин тарихий тараққиётни тўхтатиб бўлмади ва бундай бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА «ЎТИШ ДАВРИ» НИНГ ЗАРУРЛИГИ, УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

XX асрнинг охирларида Ўзбекистонда мустақилликка интилиш жараёнлари

XX аср 80-йиллари иккинчи ярми ва 90-йилларининг бошларига келиб СССР деб аталган собиқ Иттифоқда бошланган умумий инқирозий вазият асоратлари Ўзбекистонда намоён бўла бошлади. Масалан, 1987 йилда Ўзбекистонда киши

бошига тўғри келадиган миллий даромад 1985 йилга нисбатан 94,5% ташкил қилди, ижтимоий меҳнат унумдорлиги 1986–1990 йилларда бирон марта ҳам 1985 йил даражасига етмади. Шу даврда саноат ва қишлоқ хўжалиги бир қанча соҳаларнинг нафақат киши бошига, балки мутлақ миқдори ҳам камайиб кетди. Қишлоқ хўжалигида пахта, картошка, сабзавотларнинг ҳосилдорлиги йилдан-йилга пасайиб борди. Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ўртача иш ҳақи тўлаш ва бошқа ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Россиядан деярли икки баробар орқада қола бошлади[1].

Ижтимоий-маданий соҳаларга эътибор тобора камайиб борди. Ачинарлиси – маориф, фан, соғлиқни сақлаш соҳалари оқсай бошлади. Агар 1985 йилда умумий ижтимоий-маданий тадбирларга йўналтирилган маблағнинг 46,3% маориф ва фанга сарфланган бўлса, 1991 йилга келиб бу кўрсаткич 25,2% гача камайиб кетди. Соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия соҳасида ҳам бу кўрсатгич 18,0% дан 12,7% гача пасайди[2] .

Иқтисодиётдаги инқироз, аҳоли турмуш даражасининг сурункасига пасайиб бориши сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг турли жабҳаларига салбий таъсир кўрсата бошлади. Ўзбекистон раҳбарияти республикадаги таназзулга юз тутган вазиятни фақат Марказдан жалб қилинган кадрлар ёрдамидагина “тузатиш” мумкин деб ҳисобладилар. Ўша йилларда Республика раҳбариятининг ташаббуси билан таклиф қилинган ва миллий турмуш тарзи, маҳаллий урф-одатлар, анъаналардан умуман бехабар 400 нафардан ортиқ партия, совет, хўжалик ходимлари турли раҳбарлик лавозимларига тайинландилар. Ўзбекистон Компартиясининг XVI пленумидан (1984 й.) кейин ўтган фақат 1,5 йил давомида область партия қўмиталарининг 65 нафар секретаридан 40 нафари алмаштирилди, шундан 9 нафар биринчи шахслар, 260 нафар шаҳар ва район котиблари алмаштирилди[2].

Бу алмаштиришлар бошқа совет ва хўжалик органларини ҳам четлаб ўтмади. Бунинг оқибатида раҳбар ходимларнинг аксарият қисмида келажакка нисбатан ишончсизлик, умидсизлик, масъулиятсизлик ҳиссиёти пайдо бўлган бўлса, бошқа

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома. –Т., 1993. – 13–14, 27–29, 33–42-бетлар.
[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома. –Т., 1993. –33–42-бетлар.
[1]Қаранг: *Абдунабиев А.Г.*Обновление: Уроки прошлого. –Т., 1988. – С. 10-11.

бир қисмида вазиятдан имкон борича шахсий манфаатларини қондириш учун фойдаланиб қолиш ҳисси пайдо бўлди, бу эса мансабни суистеъмол қилишга олиб келди. Бундай шароит ўз навбатида бошқариш тизимини издан чиқарди.

Жамиятдаги тангликка Марказнинг ташаббуси билан амалга оширилиб «ўзбек иши» – «пахта иши» деб аталган, аслида эса 1937 йилдаги қатағондан қолишмайдиган "қатағон" ҳам сабаб бўлди, қонунни кўр-кўрона поймол қилиб, минглаб гуноҳсиз фуқароларни жиноий жавобгарликка тортилишига олиб келди.

Қаттағоннинг қанчалик авж олганлигини «пахта иши» бўйича жавобгарликка тортилган уч мингдан ортиқроқ одамнинг суд ҳукми билан кейинчалик бутунлай оқланганлиги ҳам исботлайди[2] .

Юқоридаги қайд этилган самарасиз иқтисодий фаолият, аҳоли турмуш даражасининг сурункасига пасайиб бориши, миллий манфаатлар билан Марказ манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар, хуллас сиёсий уқувсизлик ва бошқа ҳал қилиниши лозим бўлган қатор жиддий муаммолар ўз ечимини топмаётганлиги республика зиёлилари, виждонли раҳбарлари онгида собиқ ҳокимиятнинг вазиятни ўзгартиришга лаёқатсизлиги, социализм деб аталган мавжуд тузумнинг сиёсат, иқтисод, ижтимоий соҳалардаги фаолияти самарасиз эканлиги ҳақида аниқ тушунчани шакллантирди.

Республикадаги инқирозий вазият бир қатор норасмий сиёсий ҳаракатларнинг шаклланишида, Фарғона вилояти, Бўка ва Паркент туманларидаги фожиали воқеаларнинг содир бўлишида ўз аксини кўрсатди.

Булар республиканинг Ислом Каримов бошчилигидаги янги раҳбарияти олдига ўта мураккаб, масъулиятли муаммонинг ечимини топиш, яъни, мавжуд тузумдан воз кечиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиётда давр талабларига жавоб берадиган тузумга ўтиш масаласини кўндаланг қилиб қуйди. Ушбу муаммони ўша даврда ҳал қилиш мураккаб вазифа бўлиб, муайян сиёсий қатъият, пухта тайёргарлик ва эҳтиёткорликни талаб қилар эди.

Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти вужудга келган вазиятни ҳартомонлама таҳлил қилиб, оқилона хулосага келди, яъни Марказда бўлаётган тортишувларга

[2] Қаранг:Ўзбекистн Республикаси Олий судининг ахборотномаси. 1992, № 2, 55 б.

аралашмасдан республикада барқарорликни сақлаб қолиб, мустақил ички ва ташқи сиёсатни олиб бориш учун бор имкониятлардан фойдаланиш йўлидан борди.

Ўзбекистон рахбарияти ўз халқини муҳофаза қилиш борасида қатъи ҳаракат қилиб, бирқанча чора-тадбирларни амалга оширди. Масалан, 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат мақоми берилиши тўғисида қонун қабул қилинди. Масаланинг моҳияти шундаки, у нафақат миллий манфаатларни ва маънавиятни тиклашга қаратилган тадбир бўлиб қолмай, ўша пайтда маҳаллий аҳоли, биринчи навбатда, кўпчиликни ташкил қилган ўзбекларнинг мустақилликка интилаётган сиёсий қарашларини ифодалайдиган бир белги эди десак хато бўлмайди.

1989 йил 25 ноябрдаги Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси республикани ўзини ўзи бошқариш ва маблағ билан таъминлаш принципига ўтиши лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилди, чунки Марказ республикага нисбатан ўз мажбуриятларини бажармай қўйган эди.

1990 йил 24 мартда Ўзбекистон ССР Олий Совет сессияси собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб республикада Президентлик лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мустақилликка эришиш борасида жонбозлик кўрсатаётган И. А. Каримов ушбу лавозимга бир овоздан сайланди.

1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси «Мустақиллик декларация»сини қабул қилди. Унда Ўзбекистон ССРнинг республика ички ва ташқи сиёсатини белгилашда танҳо ҳоким бўлиши қайд қилинди.

1991 йил 22 июлда Олий Кенгаш Президиуми «Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсинувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига декларация тўғрисида қабул қилди.

Санаб ўтилган қарорлар мустақилликка эришиш учун қилинган ҳаракатлар силсиласида саноқли бўлишига қарамай, мустақиллик сари интилиш тасодиф ҳодиса эмаслигини, қатъиятлик билан илгарилаб борилаётганлигининг исботи дейиш мумкин.

Жамиятда коммунистик партия ҳукмронлик қилиб, бутун репрессив аппаратни ўз қўлида ушлаб турган кезларида Республикада очиқдан-очиқ

ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги тадбирларни амалга ошириш мардлик, шижоат ва қатъиятлик талаб қилар эди.

1991 йилнинг 19–21 августида Москвада содир бўлган воқеалар собиқ Иттифоқ таркибига кирган республикаларнинг мустақиллик учун олиб бораётган ҳаракатини тезлаштирди. И. А. Каримов ўша кунларда Ўзбекистон раҳбариятининг Москвадаги вақеаларга муносабати ҳақида шундай дейди: «17–19 август кунлари мен Ўзбекистон делегацияси билан бирга Ҳиндистонда эдим. 19 августда у ердан қайтиб келгач, шу куниёқ мен раҳбарият аъзоларини, ҳукумат ва парламент аъзоларини тўплаб, махсус йиғилиш ўтказдик. Йиғилишда мен ўз фикримни айтдим… Менинг баёнотим шундай бўлди: Ўзбекистонга бунинг даҳли йўқ, Ўзбекистон ўз йўлини, ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлини танлаб олди, Ўзбекистон эркин бўлади, деб узил-кесил айтганмиз. Бу қарорни барча вилоятларда, барча туманларда бутун Ўзбекистон халқи қўллаб-қувватлади»[1].

1991 йил 21 августда Президент И. А. Каримовнинг ГКЧП қарорлари Ўзбекистон учун ноқонуний эканлиги ҳақидаги фармони эълон қилинди ва бу билан Марказий ҳокимиятнинг республиканинг ички ишларига аралашувига чек қўйилди;

1991 йил 25 августда ҳар қандай давлат ўзини ўзи муҳофаза қилиш қобилиятига эга бўлиши зарурлигини назарда тутилиб, Президент И. А. Каримов фармонига биноан Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди, Ички ишлар қўшинлари эса тўғридан-тўғри Президентга бўйсундирилди;

1991 йил 28 августда Ўзбекистон Компартиясининг пленуми КПСС Марказий Комитети билан алоқаларни тўхтатганлиги, унинг барча ташкилотларидан чиққанлиги ҳақидаги қарорини эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ушбу тадбирларни ўтказиш билан давлат мустақиллигини расмий равишда эълон қилинишига тўла замин тайёрлади. Ниҳоят, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилди. Шу

[1] *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. –Т., 1996. –295-б.

муносабат билан «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Олий Кенгашнинг эълон қилинган баёнотида жумладан шундай дейилган: «Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва ССР Иттифоқининг сиёсий ҳамда ҳаётдаги ўзгаришларни эътиборга олиб:

– халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб;

– Ўзбекистон халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъи садоқатини баён этиб;

– миллат, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб;

– мустақиллик Декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади»[1].

Республика ҳуқуқий мақомининг ўзгариши, унинг мустақил давлатга айланиш ҳаракатдаги Конституциянинг қўлланишини муаммога айлантириб қўйди. Шунинг учун 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунга конституциявий қонун мақоми берилди ва у янги конституция яратилгунча қадар ҳаракатда бўлди. Ушбу қонунда Ўзбекистоннинг давлат рамзлари: герби, байроғи, мадҳияси яратилиши лозимлиги қайд қилинди[2]. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ҳақидаги ушбу ҳужжатлар ўзбек халқининг асрий орзуси рўёбга чиққанлигининг ҳуқуқий ифодаси бўлди.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 3-сон. –Т., 1992. –121-б.
[2] Ўша ерда. –118-б

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши республика халқига нима берди, деган саволнинг туғилиши табиий. Чунки шу кунгача онгига боқимандалик кайфияти ўрнашиб қолган авом кишилар ўзларининг шахсий манфаатлари давлат томонидан қондирилишини кутиб яшадилар. Моддий бойликлар ўз-ўзидан яратилмаслигини, улар сидқидилдан қилинган ҳалол меҳнатнинг маҳсули эканлигини унутиб қўйган эдилар. Шундай бўлишига қарамай, мустақиллик эълон қилинишининг ўзи ҳам Ўзбекистон халқи учун жуда узоқ вақт қутилган олий неъмат дейишига тўла асос бор. Чунки мустақиллик туфайли:

– дунё харитасида янги «Ўзбекистон» давлати бўлди ва ўзбек халқининг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқди;

– ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқидан келиб чиқиб, республиканинг ички ва ташқи сиёсатини мустақил равишда амалга ошириши учун имконият яратилди;

– Ўзбекистон халқи республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби бўлди;

– Ўзбекистон ўз ҳудудидаги барча ер усти ва ости бойликларига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлди;

– миллий, маънавий ва тарихий қадриятларни қайта тиклаш ва эркин ривожлантириш учун шароит туғилди;

– жаҳон илғор тажрибасидан келиб чиқиб инсон манфаатлари ва ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлайдиган ҳуқуқий демократик давлат қуришга кенг имкониятлар очилди. Хуллас, мустақиллик Ўзбекистон халқининг ижтимоий, маънавий, иқтисодий манфаатларининг устуворлигини тан олган ҳолда, унинг фаровонлигини таъминловчи омилларни қўллаш учун шароит яратди. Ўзбекистон мустақиллиги том маънода ўзбек халқининг асрий эзгу ниятларини акс эттиради.

Бир сиёсий тизимдан иккинчисига ўтишда «ўтиш даври»нинг зарурлиги

Тарихий тажрибадан маълумки, аҳоли фаровонлигининг барқарор юксалишини, ижтимоий адолатни таъминлай олмайдиган, шахснинг қонуний манфаатларини ифода этмайдиган, унинг эркинликлари ва ҳуқуқларини кафолатлай олмайдиган ҳар қандай сиёсий тузум ўз ўрнини бошқа, самаралироқ “фаолият кўрсатадиган” тузумга бўшатиб беради. СССРнинг тарқалиб кетиши, шунингдек коммунистик ғоянинг инқирози ана шу объектив заруриятдан келиб чиқади. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳам юқоридаги мантиқ билан изоҳланади.

«Ўтиш даври» иборасини фақат собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикалар ҳамда Шарқий Европадаги социалистик типдаги тоталитар давлатларнинг демократик режимга ўтиши билан боғлаб изоҳлаш илмий нуқтаи назардан жуда ҳам тўғри эди. Бу ибора умуман бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтишга тааллуқлидир, яъни қулдорликдан ер эгалигига, мустабид ҳукмронликдан демократик режимга, индустриалдан постиндустриализмга, маъмурий буйруқбозликдан бозор муносабатлари ва эркин рақобатга асосланган тузумга ва ҳоказо.

Маъмурий буйруқбозликдан (социалистик) демократик тузум тубдан фарқ қилади. Ўтишнинг бошқа кўринишда янги тузумнинг ижтимоий, сиёсий тизимлари эски жамиятнинг негизида аста-секин шаклланиб боради. Шунинг учун ўтиш жараёни енгилроқ кечади дейиш мумкин. Ва аксинча, социалистик мамлакатларда демократик тузумга ўтиш қийинроқ кечади. Сабаби маъмурий буйруқбозликка асосланган тузумнинг негизида бозор муносабатлари ва умумэътироф этилган демократик қадриятлар: кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, ҳурфикрлилик ва бошқа шу кабиларнинг шаклланишига йўл қўйилмайди. Шунинг учун бундай мамлакатларда «ўтиш» мураккаброқ кечади. Чунки собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикалар, хусусан Ўзбекистон танлаган йўл, яъни демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш янги, тоза саҳифадан бошланиши керак.

Ҳозирги кунда «ўтиш даври» иборасига илмий адабиётда аниқ таъриф мавжуд бўлмай, турли-тумандир. Масалан, россиялик сиёсатшунос В. Головачёв собиқ Иттифоқдан мустақилликка ўтган республикаларнинг «ўтиш даври»ни асосан икки кўрсатгичга асосланиб изоҳлайди. Биринчиси – 1991 йилдаги

иқтисодий кўрсатгичларнинг тикланиши ва барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш, иккинчиси – бозор муносабатлари тизимининг барқарор фаолият кўрсатаётганлиги[1].

Машҳур сиёсатшунос З. Бзежинский ўтиш даврининг мезонларга иқтисоднинг тикланиши билан бирга, демократик институтларнинг яратилиши, сайлов тизимининг қарор топиши, сиёсий маданиятнинг юксалиши ва шу каби бир қанча кўрсаткичларни асос қилиб олади[2]. Барча сиёсатшунос муаллифларнинг таърифлари умумлашлаштирилса, қуйидаги хулосага келиш мумкин. «Ўтиш даври» – Ўзбекистон каби авваллари СССР таркибида бўлган давлатлар учун мустақиллик эълон қилинган кундан бошланиб, бозор муносабатларига аосланган демократик институтлар, инсон ҳуқуқларини кафолатловчи тузулмаларнинг яратилиши ва уларнинг қонун асосида фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратилишига сарфланган вақт дейиш мумкин.

Бизнинча, ўтиш даврида қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим эди:

– собиқ Иттифоқдан мерос қолган маъмурий буйруқбозликка асосланган тузилмалар фаолиятига барҳам бериш;

– мулкка нисбатан давлат монополияси тугатилиб, унинг асосида турли мулк шакллари – бозор инфраструктурасини яратиш, улар ўртасида эркин цивилизациялашган рақобатни амалга ошириш;

– ижтимоий-сиёсий соҳаларда эркин танловни таъминловчи, инсон ҳуқуқларини кафолатловчи институтлар ва тузулмалар ташкил қилиш;

– янги барпо қилинаётган давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий базаси, шунингдек қонун устуворлиги принципини амалга оширувчи механизмни яратиш;

– энг асосийси аҳолининг, айниқса, ёшларнинг онгида демократик қадриятларни шакллантириш, сиёсий маданиятни юксалтиришнинг чораларини кўриш ва бошқа тадбирлар.

«Ўтиш даври»га таъриф бераётганда, бир нарсани ёдда тутиш керак. Демократиянинг барча жиҳатларини муайян чекланган даврда яратиб бўлмайди. Чунки у

---

[1] Қаранг: *Головачёв В.* Остаёмся в зоне риска //Труд. – 2005. – 1 июня.
[2] Қаранг: *Умарова Н.* Никоб остида нима бор? // Халқ сўзи. – 2005. – 7 июль.

доимо такомиллашиб борувчи жараёндир. АҚШ ва ривожланган Европа мамлакатларида бу жараён юз йиллар мобайнида давом этиб келаяпти. Лекин у идеал даражага етиб борди, деб ҳеч ким айта олмайди.

Шунинг учун «ўтиш даври» деганда, гап демократияни “қиёмига етказиш” эмас, балки уни амалга оширадиган механизмлар мажмуини яратиш ҳақида кетаяпти. Ана шу мантиқдан келиб чиқиб, «ўтиш даври»нинг давомийлиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Биз юқорида тилга олган З. Бзежинскийнинг фикрича, «ўтиш»нинг биринчи босқичи коммунистик тартибнинг емирилишидан бошланади, унда янги ҳокимият тузилмаларини барпо қилиш, иқтисодни тиклашга асосий эътибор берилади. Бунга 1 йилдан - 5 йилгача вақт сарфланади.

Иккинчи босқичда демократик тузум амал қилишининг институционал жиҳатлари таъминланади. Конституция қабул қилинади, демократик институтлар шаклланади. Туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказилади, банк тизими шаклланади, хусусийлаштириш ўтказилади, мулкдорларнинг ҳуқуқлари таъминланади. Бу жараён тахминан 10 йил давом этади.

Учинчи босқичда демократик институтлар барқарор фаолият кўрсата бошлайди, сиёсий маданият юксалади. Иқтисодиёт барқарор ўса бошлайди. Бу жараёни 5 – 15 йил давом этади[1].

Сиёсатшунос В. Головачёвнинг фикрича, «ўтиш» даври давлатнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ислоҳотлар бошланган даврдаги (1991 йил – *Э.А.*) кўрсатгичга етиши билан якунланади ва бозор механизмлари самарали ишлай бошлайди. Унингча, ўтиш даврининг чўзилиб кетиши баъзи давлатларни хавфли ҳолатга тушириб қўйиши мумкин (масалан,Украина, Грузия ва Қирғизистон). Баъзи маълумотларга қараганда, «ўтиш даври» Венгрияда 11 йил, Польшада 8 йил, Словакия ва Чехияда 2, Россияда 15 йил давом этган[2].

---

[1] Қаранг: *Умарова Н.* Ниқоб остида нима бор?// Халқ сўзи. – 2005 йил. – 7 июнь.
[2] Қаранг: *Головачёв В.* Остаёмся в зоне риска. // Труд. – 2005. – 1 июня.
[3]*Каримов И.А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., 2005. –14-б.

Агар ушбу мантиққа таянадиган бўлсак, Ўзбекистон 2001 йил (яъни мустақилликка эришилгандан 10 йил кейин) якуни бўйича 1991 йилдаги иқтисодий кўрсатгичлар даражасини босиб ўтди. Қайсидир маънода бозор инфраструктурасини шакллантиришга эришилди, унинг асосий талаблари ҳаётга татбиқ этилди десак бўлади. Ана шунга асосланиб Ўзбекистон ўтиш даврини якунлаб, бозор муносабатлари асосида ҳақиқий ривожланаяпти дейиш мумкинми? Бизнингча, йўқ. Чунки эришилган барча ютуқларга қарамай, ҳозирча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда ечимларини қутаётган муаммолар борки, уларни ҳал қилиш учун бир мунча вақт керак. Президент Ислом Каримов 2005 йил 28 январдаги Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги нутқида: «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан бориш», –деб таъкидлади[3].

Шундай қилиб, бир ижтимоий тузумнинг иккинчиси билан цивилизацион алмашуви учун албата «ўтиш даври»нинг кечиши объектив заруратдир. У давлатнинг янги сиёсий ва ижтимоий структураларини тузиш, демократик институтларни барпо қилиш, жамиятни «ўпирилишлар» дан сақлаб қолиш, аҳолининг онгида демократик қадриятларни шакллантириш ҳамда сиёсий маданиятини юксалтириш учун керакдир.

Ўзбекистонда «ўтиш даври»га ёндашишнинг ўзига хос жиҳатлари

Жаҳон тажрибасида «ўтиш даври»га турлича ёндашувлар мавжуд. Буни Президент Ислом Каримов шундай шарҳлайди: “Бозор муносабатларига ўтишнинг консерватив андозаларидан тортиб радикал андозаларигача, тадрижий (эволюцион) ривожланишдан тортиб, то «фалаж» (шок) билан даволаш» тарзидаги

жадаллаштириш андозасигача бўлган жаҳон тажрибаси. Бу андозаларни амалга оширишнинг турли кўламлари ва муддатларини ўрганишга имкон беради»[1] .

Ҳар бир андозани ўзига хос ижобий ёки салбий томонлари бор. Масалан, инқилобий ўтиш жамиятнинг турли қатламлари орасида адоват, қарама-қаршиликни кучайтириб, сон-саноқсиз қурбонларга олиб келиши, иқтисодни умуман изидан чиқариши мумкин. «Фалаж билан даволаш»нинг давлат томонидан мувофиқлаштирилмасдан, назоратсиз амалга оширилиши ўтиш даврини қисқартириши мумкин. Лекин жамиятда табақаланишни кучайтириб, кам таъминланган аҳолини оғир аҳволга солиб қўйиб, барқарорликка путур етказиши мумкин.

Масалан, Югославияда «шок терапиясига» асосланган иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилиши асосий иқтисодий кўрсатгичларни кескин равишда пасайтирибгина қолмай, федерациянинг парчаланишига, миллатлараро этник гуруҳлар ўртасида можароларнинг келиб чиқишга сабаб бўлди. Чехославакияда ҳам бу ҳолат сармоя сарфлашнинг тўхтаб қолишига, мамлакатнинг бўлиниб кетишига олиб келди. Руминия ва Болгарияда ҳам шунга ўхшаш жараёнлар (давлат бўлиниб кетмаган бўлса ҳам) юз берди[1].

Тадрижий (эволюцион) йўл турли-туман ўпиришларни четлаб ўтишга ёрдам берса-да, жараённинг чўзилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ўтишга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни инобатга олиш лозим.

“Жаҳон тажрибаси, – таъкидлайди Президент И. Каримов, – маълум андозалардан кўр-кўрона нусха кўчиришга уринилаётган жойларда ислоҳотлар, одатда муваффақиятсизликка учраётганидан далолат бермоқда. Бунинг сабаби шундаки, дунёда бир-бирига ўхшайдиган иккита одам бўлмагандек, иккита бир-бирига ўхшайдиган давлат ҳам бўлмайди. Агар нусха олинса, мамлакатнинг ўзига хос шарт-шароитлари, мавжуд имкониятлари, яқин ва олис ҳамкорлик билан кўп

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т., 1996. –276-б.
[1] Ўша ерда. –316-б.

йиллар давомида таркиб топган иқтисодий ҳамда маънавий алоқалари эътибордан четда қолади»[1].

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган даврда мамлакатдаги қуйидаги оғир ҳолатларни санаб ўтиш мумкин эди:

– иқтисодиёт оғир инқирозий вазиятда бўлиб ишлаб чиқариш кўрсатгичлари сурункасига пасайиб бормоқда, собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган саноат гигантлари ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган;

– аҳолининг турмуш даражаси паст бўлиб, собиқ Иттифоқдаги республикалар орасида охирги ўринларни эгаллаб турган;

– республикадаги демографик вазият анча мураккаб бўлиб, аҳоли сонининг тез ўсиб бориши, унинг ярмидан кўпроғи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилиши, шунингдек 60 фоизидан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил қилганлиги;

– республика аҳолисининг миллий-маданий жиҳатдан турлича қадриятларини бир-бирига мувофиқлаштириш чораларни кўришни тақозо қиларди;

– шунингдек собиқ Иттифоқ даврида шаклланган ижтимоий онг Президент И. Каримов таъкидлаганидек, «бир томондан, бу ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъи тарафдорликка интилишида намоён бўлмоқда. Иккинчи томондан эса, яккаҳоқимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка эгаликдан ва хўжайинлик туйғусидан бегоналаштирилганлиги, тайёрга айёрлик руҳияти юзага келтирилганлигида кўринмоқда»[2];

– республиканинг чет эл давлатлари билан алоқалари деярли мавжуд бўлмаган ва уни ташкил қилиш бўйича тажриба ҳам йўқ эди;

– тарқалиб кетган республикалар ўз валюта захираларига эга бўлмаган. Улар Россиянинг Марказий банкида қолиб кетган эди. Бу ҳам муайян қийинчиликларга сабаб бўлди. Ўзбекистонда шу каби яна ўзига хос бошқа салбий ҳолатларни санаб ўтиш мумкин.

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т., 1996. – 316-б.
[2] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. –43-б.

Маъмурий-буйруқбозликдан демократик тизимга ўтиш юқорида санаб ўтилган республикага хос ҳолатларни инобатга оладиган яхлит концепцияни ишлаб чиқишни тақозо этарди. Ўтиш даврининг дастлабки концепцияси Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида ўз аксини топди. Жамиятимизда кечаётган жараёнлар, бошқа мамлакатлар тажрибаси илмий таҳлилининг хулосалари ҳисобга олиниб, бу концепция «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида янада чуқурлаштирилди.

Бу концепциянинг мазмун-моҳиятини қуйидаги ғоялар ва амалий чора-тадбирлар ташкил қилади:

– Ўзбекистонда мустақилликкача ягона мулкчилик, ягона мафкурага асосланганлик муҳолифатчи кучларнинг етарлича шаклланишига йўл қўймаган, аҳолининг руҳиятидаги ҳокимиятга ишонч, боқимандалик, сиёсий лоқайдлик каби бир қанча қусурлар ўтиш давридаги ислоҳотларни “назорат остида” амалга оширишни тақозо қиларди. Ушбу мантиқдан келиб чиқиб, Президент И. Каримовнинг концепцияси бўйича ижтимоий ўзгаришларнинг бош инструменти давлат, шунингдек, бошқа сиёсий муассасалар: партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмалари бўлиши керак. Бу Ўзбекистоннинг ўтиш даврига ўзига хос ёндашувининг *биринчи кўринишдир*;

– Ўзбекистондаги ўтиш даврининг ўзига хос *иккинчи кўриниши* ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар аҳоли турмуш даражасини юксалтириш чора-тадбирлари билан биргаликда олиб борилди. Масалан, мустақиллик даврида инфляциянинг салбий таъсирини камайтириш учун бюджет соҳасидаги хизматчиларнинг иш ҳақи, нафақахўрларнинг пенсиялари компенсация қилиниб, минимал ойлик маош давлат томонидан қатъи белгилаб борилмоқда.

Аҳолининг ярмидан кўпроғининг қишлоқларда яшаши, улар даромадининг салмоқли қисмини томорқада етиштирилган маҳсулот ташкил қилишини инобатга олиниб, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ 2,5 миллион оилага биринчи марта ер участкалари берилди. Олинган ерларнинг умумий майдони 550 минг гектардан ошиб кетди[1].

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. –70-б.
[2] Ўша ерда. – 304-б.

Ўтиш даврининг ўзига хос мазмунини Президент илгари сурган икки ғоя ташкил қилади, яъни янги тузум барпо қилишга қаратилган ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, шунчаки бозор муносабатларини эмас, балки ижтимоий йўналтирилган бозорни жорий қилиш.

Президент Ислом Каримов таърифлаб ўтганидек: «Барча ислоҳотлар: иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотлардан кўзланган мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Шу сабабли жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтишида бизга ислоҳот чоғида одамлар моддий аҳволи кескин ёмонлашадиган, ахлоқий қадриятлар, маънавий таянчлар барбод бўладиган, ўтиш даврининг барча қийинчиликлари аҳоли елкасига тушадиган андоза мақбул эмас»[2].

Ўзбекистоннинг ўтиш даврига ўзига хос ёндашишининг *учинчи кўриниши* уни қонун асосида тартиб билан амалга оширишда намоён бўлди. Бунинг учун янги давлат қурилиши, фаолиятининг асослари ва жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг устувор принципларини белгилаб берадиган, ривожланган мамлакатлар тажрибасига, халқаро стандартларга мос келадиган Конституция керак эди. Бундай Конституция собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчилар қаторида яратилди. Конституция асосида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ҳуқуқий асосининг яратилиши ўтиш жараёнидаги суистемолчиликлар, давлат мулкини талон-тарож қилиш каби салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, ижтимоий адолатга путур етказмаслик ва жамиятдаги барқарорликни таъминлаб туришга имконият берди.

Ўтиш даврининг республикага хос *тўртинчи кўриниши* Президент И. Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма» деган иборасида ўз аксини топди. Бу эса пала-партиш қарорларни қабул қилиш, асосланмаган чораларни қўллашнинг олдини олишга, иқтисодий, сиёсий, маънавий ислоҳотларнинг суръати, кўлами, даражасини бир-бирига мос тарзда амалга ошириш имкониятини берди. Бундан ташқари, республика раҳбарияти мустақилликка эришган баъзи

давлатлар каби совет давридаги тарихий тажрибани кўр-корона инкор этиш йўлидан бормади.

Шундай қилиб, собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши ва Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини эълон қилиши объектив зарурат бўлиб, катта тарихий аҳамиятга эга.

Демократик принциплар тоталитар тузум шароитида қарор топиши мумкин бўлмаганлиги туфайли уларни жорий қилиш муайян «ўтиш даври»ни тақозо этади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишда Ўзбекистоннинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олиш уни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим омилдир.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

Демократик жамият қуришнинг жаҳон тажрибаси

Демократик жамият қуриш хорижлик ва Ўзбекистонлик олимларнинг эътиборини тобора ўзига кўп жалб этаётган сиёсий жараёндир. Бу сўнгги ўн йилликда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида авторитар тузумларнинг ағдарилгани ва уларда демократик институтларни ўрнатиш жараёнлари содир бўлаётгани билан изоҳланади. Америкалик таниқли олим С. Хантингтон бу жараёнга мамлакатларнинг катта гуруҳини қамраб олган демократлаштиришнинг учинчи тўлқини деб таъриф беради. У бу жараённи жаҳон демократик инқилобий деб таърифлайди, XX асрнинг 90-йиллари бошига келиб демократияга «ҳар қандай авторитар тузумнинг ягона қонуний ва яшовчан муқобили» деб қарала бошланганини қайд этади.

С. Хантингтоннинг фикрича, “биринчи тўлқин”нинг бошланиши XIX асрда АҚШда демократия принципларининг тарқалиши билан боғлиқ бўлиб, у Биринчи жаҳон урушининг охиригача давом этди. Демократлаштиришнинг равнақ топиши кетидан, одатда, унинг инқироз келди.

Биринчи инқироз 1922–1942 йилларда қайд этилди. Демократлаштиришнинг “иккинчи тўлқин” национал-социализм устидан эришилган ғалаба, авваламбор, ГДР, Италия, Японияда демократия ўрналитиши билан бошланди. Бу тўлқин XX асрнинг 60-йиллари ўрталаригача давом этди (1943–1962 йиллар).

Иккинчи инқироз 1958–1975 йиллар оралиғида содир бўлди. 1974 йил, яъни Салазар диктатураси ағдарилган пайтда демократлаштиришнинг учинчи (ҳозирги замон) босқичи бошланди. У жанубий Европанинг Испания ва Греция мамлакатларида юз берди, сўнг Лотин Америкасига тарқалди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб демократлаштириш Осиё, Марказий ва Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларига, сўнг эса СССРга тарқалди.

Демократлаштиришнинг “учинчи тўлқини”ни бошидан кечираётган мамлакатларнинг сиёсий ривожланиш тажрибаси мазкур жараённинг мураккаб ва зиддиятли томонларини кўрсатиб берди.

Демократлаштиришнинг тўлқинсимон намоён бўлишини кўплаб олимлар эътироф этадилар ва юқоридаги даврийлаштириш усулини маъқуллайдилар. Сиёсатшунослар орасида «демократлаштириш» иборасини таърифлашда якдиллик йўқ. Демократлаштиришга умумий маънода нодемократик бошқарув шаклларидан демократик бошқарув шаклларига ўтиш деб қаралади. Баъзи олимлар бошқа тушунча – «Демократик транзит»ни қўллашни таклиф қиладилар. Бу тушунча демократияга мажбурий тарзда ўтишни ифодалайди. Шунинг учун ҳам айрим олимлар демократлаштиришни демократик институтлар ва амалиётнинг вужудга келиши ҳамда бунинг негизида ҳозирги замон демократиясига ўтиш жараёни деб таърифлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида XX асрнинг 90-йиллари бошида қарор топиб, демократик тараққиёт йўлига кирди. Бу билан боғлиқ барча ижтимоий-сиёсий жараёнлар, амалга ошган тадбирлар ва жамият олдида турган вазифалар таҳлили Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:

хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида батафсил ифодалаб берилди. «Демократик ўзгаришларнинг ҳозирги босқичи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг узоқ вақтга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бунда давлатнинг роли демократик тараққиётимизнинг пировард мақсади фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадига асосланган ҳолда тубдан ўзгариши даркор. Бунда кучли Марказий давлат ҳокимияти ўзининг куч-ғайратларини асосий, умуммиллий вазифаларга, чунончи, мудофаа, давлат ва фуқаролар хавфсизлиги, ташқи сиёсат, валюта – молия ҳамда солиқ тизимларини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш вазифаларига қаратилади»[1].

Қолган соҳаларга оид масалалар босқичма-босқич маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, жамоат бирлашмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколат доирасига ўтказилиши мўлжалланди.

Ҳозирги замон сиёсат фанида демократлаштиришнинг мазмун ва омилларини ўрганиш ҳамда тушунтиришга нисбатан ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Масалан, А. Ю. Мельвиль демократлаштириш назариясини икки хил: институционал-тузилмавий омиллар таҳлилига асосланган *структуравий* ҳамда тартиб-таълим омилларига йўналтирилган *процедуравий* ёндашувлар асосида ўрганишни таклиф қилади[1].

С. Липсет, Г. Альмонд, С. Верба, Р. Инглхарт, Л. Пай ва бошқалар структуравий ёндашув тарафдорларидир. Улар баъзи бир ижтимоий-иқтисодий ва маданий омиллар билан турли мамлакатларда демократик тузумларнинг ўрнатилиши ва сақланиши эҳтимоли ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга ҳаракат қиладилар. Бу боғлиқлик айнан демократлаштиришнинг структуравий шарти, яъни сиёсий жараён иштирокчиларининг субъектив ниятлари ва ҳаракатларининг эмас, балки у ёки бу объектив ижтимоий тузилмаларнинг таъсири билан белгиланган шарт деб тушунилади.

Демократиянинг таркибий нуқтаи назардан учта асосий типи фарқланади:

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., 1997. –160-б.

[1] *Мельвиль А. Ю.* Демократические транзиты: Теоретико-методологические и прикладные аспекты. –М., 1999. –С.88.

a) миллий бирлик ва тегишли тарздаги мувофиқликка эга бўлиш;
b) анчагина баланд иқтисодий ривожланиш даражасига эришиш;
c) демократик принципларнинг эътироф этилиши, асосий сиёсий институтларга нисбатан ишонч, шахслараро ишонч, фуқаролик ҳисси кабиларни назарда тутувчи маданий нормалар ва қадриятларнинг кенг тарқалиши.

Бир қатор асосий белгиларига кўра демократия уч хил кўринишда бўлиши мумкин: а)*кўппартияли вакиллик демократияси,* б)*бир партияли вакиллик демократияси ва* в) *қўшма демократик бошқарув* (тўғри демократия ҳам дейилади).

Кўппартияли вакиллик тизимлари демократизм бошқарувининг бирор ёки бошқа босқичида сайловчилар сиёсий жараён мобайнида камида икки партиядан сайланганларида юзага келади. Кўп партияли вакиллик демократияси ҳал қилувчи ва вояга етган аҳолиси турли босқичларда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган давлатларга нисбатан, адолатли либерал демократия атамаси қўлланилади. Бу категорияга Қўшма Штатлар, Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония, Австралия ва Янги Зеландия киради. Ҳиндистон каби айрим ривожланаётган мамлакатлар ҳам либерал-демократик тузумга эга.

Бир партияли вакиллик демократияси асосига қўйилган принциплар моҳиятида битта партия бутун бир халқ иродасини ифодалай олади, деган ишонч туради. Кўпгина бир партияли демократиялар демократик централизм асосига қурилган бўлиб, пирамидасимон таркибда акс этади, унга ҳар қандай босқич Кенгашга вакиллар сайлади, у эса ўз навбатида юқори органга вакил сайлайди.

Қўшма демократик бошқарув (ёки тўғри демократия)да қарорлар манфаатдор кишиларнинг томонидан қабул қилинган. Демократиянинг бу «бошланғич» типи қадимги Грецияда юзага келган. У ерда жамиятнинг озчилик қисмини ташкил этувчи фуқаролар сиёсий масаларни кўриб чиқиш, жиддий қарорлар қабул қилиш учун мунтазам тўпланиб турганлар. Ҳозирги жамиятларда тўғри демократия унчалик роль ўйнамайди, чунки унинг ҳар бир аъзоси сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиб, унга таъсир этувчи сиёсий қарорларни ишлаб чиқишда объектив иштирок этилмайди.

Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ўзига хос жиҳатлари

Ҳар қандай жамият ва мамлакат ўз демократик тараққиёти жараёнида инсон ва унинг манфаатларини ошкора тан олади, ҳуқуқий жиҳатда уларни тасдиқлашга интилади. Амалий ҳаёт эса барча дастурларни, кўрсатмаларни "таҳрир қилади", ўзининг ёзилган ва ёзилмаган қонуниятларини рўёбга чиқариб боради.

Тарихда адолатли жамият қуришга интилишлар жуда кўп бўлган. Ўзбекистонда барпо этилаётган давлатчилик тизими ҳам адолатли жамият қуришга қаратилган. Халқ билан давлат, давлат билан фуқаролар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий тафовутлар тамоман йўқолиб кетмоқда.

Дунёда одамлар миллати, кўриниши ёки жинсига қараб турли-туман бўлганидек, давлатлар ҳам мамлакат тарихи, миллат тақдири, маданияти, анъаналари, сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маънавий даражасига қараб ҳар хил бўлади.

Давлат мураккаб ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида миллат тараққиётининг аниқ тарихий даврлари маҳсули ва хазинасидир. «Ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир, унинг ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир»[1].

Тарихда шундай давлатлар ҳам бўладики, уларнинг жараёнлари эволюцион йўл билан эмас, халқнинг давлатчилик тажрибаси ва анъаналарини четлаб ўтган ҳолда зўравонлик таъсирида кечиши ҳам мумкин. Совет социалистик давлат тизими ана шундай давлатларга мисол бўла олади. «Бу давлатнинг, шакл ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди»[2].

Ўзбекистонда барпо этилаётган давлат, энг аввало, жаҳон цивилизацияси, бошқа халқлар ижобий ва ижодий тажрибалари, умуминсоний қадриятларни инобатга олган ҳолда, адолатпарварлик ва маърифатпарварлик билан суғорилган Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимотларига, миллий давлатчилик анъаналарига асосланмоқда. Давлатимизнинг ана шундай фалсафий-назарий ва ахлоқий-

---

[1] *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т.3. –Т., 1995. –175-б.
[2] Ўша ерда. 178-б.

маънавий илдизлардан “ўсиб чиқадиган” келажаги буюк эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Демократик жараёнларни четдан киритиб бўлмайди, бу соҳада нусха кўчириш яхши натижалар бермайди, шунингдек демократия ўзидан ўзи ва осонликча қадр топмайди.

Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларда халқимиз миллий маданиятининг хос жиҳатлари ўз аксини топмоғи зарур, чунки Шарқ халқлари тақдирида демократик ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналари мавжуд.

Агар Ғарб мамлакатларидаги демократия жараёнлари кўпроқ индивидуализм фалсафаси, шахс эркинлигининг афзаллиги, сиёсий тўлғоқлар устуворлиги, миллий анъаналар, умумбашарий принципларга бўйсундиришга асосланса, Шарқдаги демократик ўзгаришлар ўзига хос хусусиятларга эга. «Шарқ демократияси” тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларга мос ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор»[1].

Давлатчилигимиз асосини инсонпарварлик ташкил этади. Одамларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз ижтимоий манфаат ҳамда бурчларини тўлиқ англаб олишларига эришиш давлат тизимининг беш йўналишини ташкил этади. Демократик, адолатли, одил жамиятнинг асосий вазифаси одамларнинг ўз қобилияти ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишлари ва рўёбга чиқаришлари учун зарур бўлган дастлабки имкониятларни, шу жараённи вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратиб беришдан иборат.

Кучли ижроия ҳокимиятини ташкил этишда малакали ва тажрибали, ташаббускор ва уддабурон кадрларга эга бўлган бошқарув аппарати – анъанавий ҳоқимликлар қайта тикланди. Бизнинг демократик жамият қуришимизда адолат ва ҳақиқат қонунчилик фаолиятимизнинг бош йўналишига айланади.

Жамиятимиз ва давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири «маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва мао-

[1] *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т., 1995. –178-б.

рифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни етказишдир»[2] .

“Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий этади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уриниш ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Жамиятни демократлаштиришнинг иккинчи муҳим шарти одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан боғлиқ демократик ўзгаришлар режаси ва суръатларининг бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқ.

Демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи лозим”[1].

Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатида расмийлашувини тасдиқловчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат – «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги (1991 йил 31август) қонунда мамлакатимиз умуминсоний қадриятлар, Конституция ва қонун устунлиги асосида демократик давлатчилик йўлидан боражаги эълон қилинган. Ана шу қатъи сиёсий ирода давомийлигининг исботи сифатида Ўзбекистон Конституциясида халқнинг олий мақсади инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқларининг устунлиги таъминланадиган сиёсий тизим барпо этиш эканлиги ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон бозор иқтисоди муносабатларини қарор топтиришга йўналтирилган ўз сиёсий дастурини ишлаб чиқди ва уни босқичма-босқич ҳаётга жорий этиб келмоқда.

Мамалкатимиздаги сиёсий-ижтимоий ислоҳотлар, сиёсий тизимни демократлаштириш давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳал этаётган вазифалар ҳамда интилаётган устуворликларга мос тарзда қуйидаги вазифаларни амалга оширмоқда:

Биринчидан, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг конституциявий асосларини амалга ошириш. Унинг қонунчилик асослари ва янги демократик ташкилотларини шақллантириш;

---

[2] Ўша ерда. 184-б.
[1] *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т.3. – Т., 1996. –9–10-б.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан воситаларини таъминлашга доир аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Сиёсий тизимни демократик ислоҳ қилишнинг *учинчи йўналиши* матбуот, оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш, эркинлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан илдам қадамлар билан бормоқда. 2005 йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маърузасида бу фикрлар ўз ифодасини топди.

Республика қонунлари ўз мазмунига кўра тобора демократлаштирилиб, инсон манфаатларига яқинлаштирилиб борилмоқда. Улар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро меъёрлар ҳамда андозаларга мувофиқлаштирилмоқда. Шу мақсадда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминлайдиган ташкилий тузилмалар – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий Маркази (1996 йил), Амалдаги қонунчилик мониторинги институти (1997 йил) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман) (1995 йил)нинг фаолияти қатъи ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Республикада оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва уларни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланадиган ижтимоий-сиёсий жамғармалар ташкил этилди. Давлат ваколат органлари ва жамоатчилик оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг саъй-ҳаракатлари билан бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Демократлаштириш пиллапояларидан қадам-бақадам одимлаб борилаётгани натижасида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик-осойишталик, миллатлараро ҳамда динлараро ҳамкорлик, тотувлик таъминланмоқда, кўпмиллатлилик асослари ва байналминаллик принциплари ривож топмоқда.

Сайлов қонунчилигининг адолатли мазмуни давлат идоралари фаолиятининг, демократик сиёсий тизимнинг кўрсаткичи ҳисобланади. Сайлов фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширувчи, сиёсий маданиятнинг етуклик даражасини кўрсатувчи муҳим институтдир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишни таъминловчи сайлов тизими ва тегишли сайлов қонунчилиги шакллантирилди.

Демократик жамият ҳаёти сиёсий партиялар мавқеи ҳамда фаоллигининг қай даражадалигига боғлиқ. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кўппартияли тизим фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асос яратилган.

Барча ислоҳотлар, аввало, халқимизнинг миллий менталитетига мос, тарихий анъаналари, урф-одатлари, миллий руҳияти, онги ва турмуш тарзига хос амалга оширилмоқда. Тарихий ривожланишнинг мураккаб босқичлари тажрибаларига, ота-боболаримизнинг ижтимоий соҳалардаги тажрибасига таянган ҳолда, халқимиз орзу-умидларига, мақсадларига жавоб берадиган давлат қурилиши амалга оширилмоқда.

«Ўзбек модели»нинг асосий принциплари ва моҳияти

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар бошлангунига қадар ижтимоий-иқтисодий ҳолат жуда оғир эди. Енгил-елпи, иқтисодий, “косметик” ёки кўр-кўрона у ёки бу давлатнинг иқтисодий моделига асосланган ҳолда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билангина бу ҳолатдан чиқиб кетиш мумкин эмас эди. Иқтисодий инқироздан чиқиш учун ҳар томонлама пухта ўйланган, бир неча давлатларнинг ижобий тажрибаларига суяниб, миллий хусусиятлар ва республикадаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ҳисобга олиб, кенг миқёсдаги туб иқтисодий ислоҳотлар режасининг назарий асослари ва уни амалга ошириш усулларини яратиш керак деган хулосаларга келинди ва шу иш олиб берилди.

Ўтиш даврининг ўта мураккаблиги, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг ечимини топиш иқтисодий инқироз шароитида қанчалик оғир бўлса-да, муаммолар ечими Президент асарларида ўз аксини топди. Бозор

иқтисодиётига ўтиш иқтисодий инқирозлардан чиқиб кетишнинг йўллари турлича бўлса-да, уларнинг биронтасини тўғридан-тўғри асосий йўл сифатида танлаб олишнинг ўзи хатарли эди.

Бу масалага И. Каримовнинг қуйидаги фикрлари ойдинлик киритди: «Биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тўплаган ва республика шароитига тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятини истисно қилмаймиз, айни чоғда бирон-бир андазадан, ҳатто у муайян мамлакатларда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлақ номаъқулдир.

Муайян воситалар ва усуллар қайси мамлакатлар учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатларга хос бўлган алоҳида шароитлардагина ижобий самара бериши мумкин. Бегона, ёт андозалар сунъий равишда тиқиштирилган жойларда иқтисодий ислоҳотлар муқаррар равишда барбод бўлаверади.

Ўзбекистон кўзлаган стратегик истиқболли вазифа – мустақилликнинг иқтисодий пойдеворини, моделини яратишдир. Бу мақсадга эришиш учун бозор иқтисодиётига ўтиш зарурдир. Иқтисодий мустақиликка бозор механизми орқали эришилади, лекин унинг Ўзбекистонда шаклланиши ўзига хос йўл билан юз бермоқда. Бу йўл бозор иқтисодиётининг умумий томонларини эътироф этган ҳолда Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ҳисобга олади.

Бу хусусиятлар қўйидагилар:

1. Ўзбекистон иқтисодиёти кам ривожланган бўлсада, унинг ишончли салоҳияти бор.

2. Ўзбекистон табиий ва меҳнат ресурсларига бой диёр, унинг саҳий ери ва меҳнатсевар халқи бор.

3. Республикамиз аҳолисининг ўсиш суръатлари жадал, шу боисдан меҳнат ресурслари тез ортиб боради.

4. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни катта, аҳолининг катта қисми (60%) қишлоқ жойларида истиқомат қилади.

5. Ўзбекистон Шарқ цивилизациясига мансуб мамлакат. Бу ерда шарқона иқтисодий қўникмалар, ота-боболардан мерос қолган хўжалик юритиш усуллари бор.

Бу хусусиятлар Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти сари бориш йўлини танлаш учун асос бўлди. Бу йўл жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, аммо мамлакатимизнинг миллий манфаатини, ундаги реал шароитларни ҳисобга олган ҳолда, бозор иқтисодиётига инқилобий сакрашларсиз, ижтимоий ларзаларсиз, тинчлик ва хотиржамлик шароитида, халқни ижтимоий ҳимоя қилиш орқали секин-аста, босқичма-босқич ўтилишини таъминлайди.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек: «Бизнинг қатъи нуқтаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларини рад этмаган ҳолда, ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлай олишдан иборатдир»[1].

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли Республикамиз Президенти И.А. Каримов томонидан олға сурилган қуйидаги беш тамойилда ифодалаб берилди:

Биринчи тамойил – иқтисодиёт сиёсатдан устувор бўлиши ва бунинг учун иқтисодиёт мафкурадан ҳоли бўлиши керак. Иқтисодиёт ўзига хос бўлган ички қонунлар асосида ривожланмоғи зарур. Иқтисодиёт сиёсатга нисбатан устувор мавқега эга бўлиши лозим. Иқтисодиётга на сиёсат, на мафкура ўз тазйиқини ўтказмаслиги керак.

Иккинчи тамойил – давлат бош ислоҳотчи бўлиши керак. Бу принцип бозор иқтисодиётига ўтиш тартибсиз равишда, ўзибўларчилик асосида эмас, балки давлат раҳбарлигида амалга ошириладиган ислоҳотлар орқали юз беришини билдиради.

Учинчи тамойил – қонунлар ва уларга амал қилинишининг устуворлигини таъминлаш. Бу принцип бозор иқтисодиётига ўтиш тартибли равишда, ҳамманинг кенг жамоатчилик иштирокида ишлаб чиққан давлат қонунларига сўзсиз риоя этиши орқали боришини билдиради.

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т., 1993.–25-б.

Тўртинчи тамойил – фаол ижтимоий сиёсат юритиш. Бу иқтисодиётга кучли таъсир эта оладиган, халқнинг ижтимоий ҳимоясини, унинг фаоллигини таъминлайдиган, имжтимоий адолатни юзага чиқарадиган сиёсатни олиб боришни англатади. Шу боисдан иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аввал одамлар, биринчи навбатда, ҳимояга муҳтож қатламни олдиндан кучли даражада ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш зарурлиги инобатга олинади.

Бешинчи тамойил – бозор иқтисодиётига секин-аста, босқичма-босқич ўтиш. Бу принцип чуқур иқтисодий ислоҳотларни шошилмасдан, собитқадамлик билан амалга оширишни талаб этади. Бу етакчи тамойил бўлиб, ислоҳотларнинг бутун ички мантиқини, ривожланиб бориши ва характерини белгилаб беради.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек: «Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятлари, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бирёқлама, бесўнақай ривожланишнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади»[1].

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МИЛЛИЙ, УМУМБАШАРИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ

“Демократик жамиятнинг миллий ва умумбашарий принциплари ва қадриятлари” тушунчаси

Ўзбек давлатининг тарихига назар ташлар эканмиз, аждодларимиздан маънавий мерос сифатида қолган одиллик, ҳақиқатга интилиш, инсонийлик, камтарлик, тўғрилик каби юксак фазилатлар, олижаноб қадриятларимизга асосланганига гувоҳ бўламиз. Булар демократик жамиятнинг миллий характерига эга эканлигидан дарак беради. Шунингдек, бу ҳол миллий ижтимоий-руҳий, иқтисодий, сиёсий муносабатларга ҳам боғлиқдир.

Бу тушунчаларнинг моҳияти ва мазмуни у ёки бу халқ, миллатнинг ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи, сиёсати ҳамда иқтисодиётида ўзини намоён этади. Бу, ал-

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., 1997. –188-б.

батта, шу халқ ёки миллатнинг эволюцион ривожланишининг ўтмиши ва бугунги кунига боғлиқ бўлади. Ўтмиш бугун ва келажак билан узвий боғлиқ бўлиб, бугунги кун ўтмишни батамом инкор этмаганидек, келажак ҳам бугунги кунни инкор эта олмайди.

Юқорида айтганимиздек, адолат, тўғрилик, ҳалоллик ва поклик бугунги қарашимизнинг ҳам асоси бўлмоқда. Ўтмишда ўзбек давлатчилигининг асосини айнан шу миллий демократик қадриятлар ташкил этган. Миллий давлатчилик анъаналарига риоя қилиш деганда, ана шу категорияларнинг моҳиятидан қилиб чиқиб, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмушимизни ташкил этишимиз ва ривожлантиришимизни тушунамиз. Ота-боболаримизнинг давлатчилик анъаналарига ҳурмат билан қараш келажагимизни порлоқ қилишига ишонамиз.

Ўзбек давлатчилиги тарихида кўзгу бўлган соҳибқирон Амир Темурнинг қудратли империясида ҳам халқ учун муқаддас бўлган қадриятлар ёки категорияларга қаттиқ риоя қилинганлигини кўрамиз.

Амир Темур муқаддас қадриятларга амал қилган ҳолда халқ манфаатларига, миллат равнақи ва тараққиётига катта ҳисса қўша олган эди.

“Шарафуддин Али Яздийнинг қайд этишича, – деб ёзади академик Иброҳим Мўминов, Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири, – мамлакат фуқароларига ғамхўрлиги эди. Унинг қоидаси – «Рости-русти», яъни хақиқат – сиҳат-саломатлик, ҳақиқат – тартиб, ҳақиқат – адолат демакдир, эди деб тушунтиради”.

Юксак адолат ғоялари миллий давлатчилик, исломий қадриятлар ва шариат мезонлари билан чамбарчас боғланган ҳолда, ижтимоий ҳаётга тадбиқ этилган инсон қадр-қимматини эъзозлаш янада чўққиларга кўтарилган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини тўлалигига қамраб олган эди. Ўзбек давлатчилигининг асосчиси Амир Темур ҳам ўз сиёсатини бежиз айнан ислом қадриятлари ва шариат мезонлари билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб бормаган. Чунки исломда ҳам умуминсоний қадриятлар жуда кўп бўлиб, улар жамият аъзолари, яъни фуқароларни замон эҳтиёжи ва инсониятнинг умумий манфаатларига хизмат қилишга ундайди.

Бугун жамиятда ижтимоий мулкий жараёнларнинг объектив ўзгариши юз бераётган бир пайтда адолат ғоясининг аҳамиятини ихчам бир хулоса билан ифодалаш мумкин. Яъни давлат жамиятнинг кескин табақаланишига, “ошиб-тошиб” кетган бойлару, камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак.

Адолатли, демократик ҳуқуқий давлат бўлган Ўзбекистоннинг давлат тузилишига бешта ҳал қилувчи принцип асос қилиниб олинган экан, ана шу беш аркон – принципларнинг моҳияти ва мазмунига мос равишда тараққиётимизнинг сиёсий-иқтисодий режалари яратилмоқда. Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган. Биз тарихимиздаги ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак, қудратли, эркин демократик давлат қура олмаймиз.

Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини камраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи шарт. Чунки Конституция ва қонунчиликка қатъи риоя қилиш, бу ҳуқуқий адолатли, демократик давлат тузилишининг зарурий шартидир.

Мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов томонидан эълон қилинган беш принципи яъни, «ўзбек модели»да қонун ҳамда адолат жамиятимизда қарор топиши таъминланишига алоҳида эътибор берилган. Ижтимоий адолатни ҳаётга жорий этишнинг олий намунаси сифатида илгари сурилган беш принципдан тўртинчиси ҳақида қисқача тўхталиб ўтишимиз кифоядир.

XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат бўлиши керак?

Биринчи устувор йўналиш – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида, авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим принципи – одамларнинг сайлов ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб берилиши лозим.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш принципларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат.

Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштиришнинг мақсади, биринчи навбатда, давлатнинг бошқарув ролини чеклаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликлари ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир.

Иккинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат.

Эркин фуқаро маънавияти, озод шахсни шакллантириш масаласи энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

*Учинчи устувор йўналиш – кадрлар масаласи.*Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш, ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз – фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур.

Тўртинчи устувор йўналиш – халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади.

Бешинчи устувор йўналиш – бу иқтисодиётга таркибий ўзгаришларни таъминлашдир.

Олтинчи устувор йўналиш – жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқароларо тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат**.**

Шунга кўра, Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч, сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиши мумкин.

Аммо минтақадаги аҳвол, дунёнинг бошқа ҳудудларида вазиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг суверенитетига, изчил ва барқарор ривожига хавф солиши мумкин бўлган кучларга муносиб жавоб қайтарадиган хавфсизлик тизимларини яратишни тақозо этмоқда. Мазкур вазифаларни бажарган тақдирдагина, биз, фаровон турмушга, адолатли ҳаётга эришамиз, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрнимиз ва нуфузимиз бўлади.

Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтганда, жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганидан хабардор бўлиб туриши керак.

Ҳар бир инсон жамиятдаги ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этиши даркор.

Жамиятни демократлаштириш жараёни сиёсий институтлар – *партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларни* мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ.

Бу гап, аввало, партиялар масаласига тааллуқли.

Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши, ғоя ва қарашларнинг рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта, бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида олиб борилиши керак.

Жамият ҳаётида *нодавлат ва жамоат тизимларининг* мавқеи ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг бош вазифаси – энг аввало, демократик қадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад – жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш. Улар сиёсий ва ижтимоий соҳада давлат тизимларига муқобил куч сифатида адолатнинг ҳаётда ҳукмрон бўлишига ҳисса қўшишлари лозим.

Бугун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир…

Шуни унутмаслик лозимки, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабатида кўриниб, унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди.

Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз мамлакат истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур.

Шундай экан, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик даражасининг юқорилигича қолаётгани, рўйхатга олинган ишсизларнинг анча қисмини ёшлар

ташкил этиши бизни ташвишга солмай қўймайди. 16 февралдаги фожиали воқеаларнинг иштирокчилари асосан ёшлар экани, бизни, айниқса, ташвишлантиради. Беғамлигимиз, лоқайдлигимиз, ишимиздаги камчиликлар оқибатида улар турли жиноий гуруҳлар, экстремистлар, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолдилар.

Бу, аввало, сиёсий-ижтимоий соҳадаги муайян нуқсонлар, энг муҳими, ёшлар ташкилотлари ва маҳалла кенгашлари ишида катта камчилик мавжудлигини кўрсатади.

Давлат қурилиши жараёнларини чуқурлаштириш ва эркинлаштириш тўғрисида гап кетганда, Конституция ва қабул қилинаётган қонунларда кўзда тутилган – *ҳокимиятнинг турли тармоқларини бир-биридан ажратиш принципи* амалда қандай рўёбга чиқарилаётганига алоҳида эътибор бериш муҳимдир.

Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор.

Ҳозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини кучайтириш зарур. Айнан оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. *Оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим*.

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминлангандагина у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур. Шу билан бир вақтда, ҳар бир инсон тўраларча ўзбошимчаликдан, қонунсизликдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган идоралар мавжудлигига амин бўлмоғи керак.

Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий қадриятларнинг акс эттирилиши

Бирон-бир жамият маънавий имкониятлари, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини ярата олмайди.

Маданий қадриятлар, маънавий мерос йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Бунга шўро даврида «Наврўз» байрами, жаноза, фотиҳаларга коммунистлар боришининг тақиқланганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашдан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён, деб ҳисоблаймиз.

Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, маънавий қадриятлар ҳамда биз учун муқаддас бўлган диний қадриятлар, анъаналарни тиклаш, ўзлигимизни англаш анча мураккаб – эски империя тузуми барбод бўлган ва янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда юз берди.

Бир асрдан зиёд давом этган тоталитар қарамликдан кейин бу жараён дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос «инкорни инкор» сифатида кечди. Лекин биз аввалги тузумнинг қадриятларини шунчаки инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдиришини англар эдик. Шу билан бирга, ўтмиш

қадриятлари, анъаналари ва турмуш тарзига бетартиб равишда, орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка – ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин.

Халқ, жонажон ўлка, давлатимизнинг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англаш, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади.

Тарих миллатнинг хақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари, жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда ва у ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасорат, диний дунёқараш билан қонуний билимдонлик мужассам ифодаланган буюк арбоблар кўп яшаб ўтган.

Имом ал Бухорий, Имом ат Термизий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби кўплаб буюк аждодларимиз миллий қадриятларимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар.

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши – буларнинг барчаси янгидан-янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим. Бизнинг маданиятимиз дунё халқларини ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих учун зиёратгоҳга айланган.

Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши “маънавий уйғониш”нинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Марказий Осиё минг йиллар мобайнида ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Бу ҳудудларни босиб олганлар Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибгина

қолмай, унинг энг қимматбаҳо асори-атиқлари, шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини авайлаб қабул қилганлар.

Ўзбек халқи руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик ва умуминсонийлик чамбарчас боғланган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар миллий ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди.

Ислом миллий анъаналари маданиятининг тикланиш жараёни уни ташқаридан ҳар қандай «импорт қилишдан” воз кечиш, исломга сиёсий тус бериш, муҳими, сиёсатга ислом руҳини бахш этишдан воз кечишнинг тўғри эканлигини кўрсатди, Мовароуннаҳрнинг мусулмон маданияти, этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттирди. Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз инъикосини топган идеал – фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизда ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлиши тасодифий ҳол эмас. Конституциямизда белгилаб қўйилган динга эътиқод қилиш эркинлиги Ўзбекистон ёппасига «исломлаштирилиши» мумкинлиги ҳақидаги ноўрин ҳадиксирашларга барҳам берди. Бошқа диний оқимларнинг тикланиши ва нормал ривожланишига йўл очиб берди. Бундан ташқари, Марказий Осиёда ислом динининг руҳан ўзига хослигини англаб етиш маданий бойлигимизнинг бир қисми бўлмиш исломдан олдинги маданиятни чуқур ўрганишни ҳам тақозо қилмоқда.

Маънавий қадриятларнинг яна бир қудратли манбаи анъанавий оила ва қариндошлик муносабатлари одобидан иборатдир. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қоидалари бўлиб келган. Афсуски, совет даврида бу қадриятларга ҳам жиддий путур етди. Совет тузуми хусусий тадбиркорликни тақиқлаб, «яқинларини қўллаш»га қарши кураш баҳонасида оилалардаги ва қариндош-уруғ ичидаги касбий кўникмаларнинг мерос бўлиб ўтишини йўққа чиқарди. Оилалар ва уруғларнинг анъанавий касбий ва иқтисодий «ўрни» йўқотилишига сабабчи бўлди. Натижада бу кўнималар ва ахлоқий нормалар тўсиққа учради. Уруғ-аймоқчилик ва ошна-

оғайнигарчиликнинг ижтимоий бузуқ шакллари юзага кела бошлади. Шу билан бирга, қариндошларнинг ўзаро ёрдами баъзи ҳолларда жамият тараққиётини секинлаштириб қўядиган “тайёрга айёрликка” ва таниш-билишчиликка айланиб кетди.

Оила қадриятлари ва қон-қариндошлик муносабатларининг қайта тикланиши “ўз умрини яшаб бўлаётган” оила-уруғ муносабатларини абадийлаштиришни эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатидан эркин бўлиш имкониятини англатиши лозим. Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини ҳам англатади.

Ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларни киритамиз. Бу – инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳоказо.

Ушбу демократик қадриятлар жамиятимиз учун муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида гап кетар экан, улар ҳам тарихий, ҳам этник-маданий жиҳатдан халқимизнинг ўзига хос хусусиятларига зид эмаслигини қайта-қайта таъкидлаш лозим. Қолаверса, “тадбиркорлик”, “эркин савдо”, “ижтимоий адолат”, “ўзаро муросаю мадора” ва “бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилиш” деган тушунчалар бизнинг заминимизда тарихий илдизларга эга.

Ҳозирги демократик жамиятнинг энг муҳим вокеликларидан бири ижтимоий рақобатдир. Халқимизнинг анъанавий қадриятлари у билан уйғунлаштирилмоғи керак. Бозор тузилмалари ривожланиб борган сари бу рақобат анча бемаъни тус олиши, ижтимоий зиддиятга айланиб кетиши мумкин. Бундай рақобатга маърифий, ижодий тус бериш, уни мусобақага, бунёдкорликка айлантиришга иқтисодиёт билан боғлиқ бўлмаган, энг аввало, маданий-ахлоқий механизмлар ёрдамида эришиш мумкин. Бу механизмлар қайта тикланаётган миллий қадриятлар билан ҳозирги замон цивилизацияси сингдираётган яшаш меъёрларининг умумлашмасидан иборат бўлмоғи даркор.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши, давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти халқнинг маънавий қадриятлари ва имкониятларининг тикланишига, бошқа халқлар сингари ўзини тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига янада куч бахш этди. Кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай шароит яратди. Айни маҳалда ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдодининг ривожланишига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни тез ўрганиб олиш каби ноёб фазилатларининг тўла-тўкис рўёбга чикишига имкон берди. Ана шу алоқалар туфайли миллий меҳмоннавозлик ва саҳоват анъаналари янада ривожланди.

Бундай алоқаларнинг кенгайиши ҳақиқий маънавий ва маданий қадриятларни муносиб баҳолаш имконини берди. 80-йилларнинг охирларида мамлакатимиз томошабинлари ва китобхонларига ёғдирилган ғарбнинг сунъий санъатидан, «кенг истеъмол»даги маданиятидан норозилик аҳолининг кенг қатламлари орасида сезилиб турибди. Ҳозирги кунда хорижнинг маданий қадриятларидан фойдаланишга анча жиддий ва танлаб ёндашиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда.

Дунёнинг демократик қадриятларидан баҳраманд бўлишда аҳолининг билимдонлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини, аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаримизни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда.

Ҳамма вақт кенг аҳоли қатламларининг ҳам мумтоз, ҳам замонавий миллий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳра олишига имкон бериб келган маданият сарчашмаларига авайлаб муносабатда бўлишни тарғиб қилишимиз лозим. Ўзбекистонда мусиқа, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида катта муваффаққиятларга эришилганлиги тасодифий эмас. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган. Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак.

Мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг билим доирасини кенгайтирди. Маънавий тикланиш – фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши демакдир. Қотиб қолган эски ақидалардан воз кечиш – ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш дегани эмас. Бу бирёқлама ва тор фикрлашдан воз кечиш демакдир. Миллий тафаккур ўз тараққиётида маданий қурилиш вазифаларига дунё миқёсида ёндашиши, бошқа халқларнинг тақдири, уларнинг ўзаро муносабатлари билан қизикиши, улар ҳаётининг энг теран нуқталаригача кириб бориши, миллий манфаатларини ҳисобга олиши керак.

Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудрати ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унга энг кучли хусусият бўлиб келди.

Анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамият қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равнақ топишимиз, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир.

Ўзбекистонда адолатли демократик жамият қуришда умуминсоний принципларнинг ўрни ва аҳамияти

Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолатнинг таъминланиши фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодини бевосита рўёбга чиқаришига имконият яратади. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ ва адолат мезонлари билан ўлчанади. Ҳуқуқ жамиятнинг ўзига хос «гуманистик императиви (инсонпарварлик талаби)», яъни инсоний-ахлоқий қоидаси, маънавий маёғи ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатларидаги мавқеи қуйидаги принциплар асосида белгиланади:

1) жамиятнинг ҳар бир аъзоси инсон сифатида эркин ва озод бўлиши;
2) ҳар бир фуқаронинг бошқа фуқаро билан тенглиги;
3) жамият ҳар аъзосининг фуқаро мақомидаги мустақиллиги.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, суверен давлатчиликни шакллантиришда маданиятимиз сарчашмаларига, теран ва улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш, боқий тарихий ўтмишимизда мавжуд бўлган барча эзгуликларни юзага чиқариш ҳамда ривожлантиришга бекиёс имкониятлар очилди. Ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлиги чуқур мушоҳада этилиб ижтимоий онгимизга сингдирилмоқда, шу орқали барпо этилаётган янги фуқаролик жамияти манфаатларига хизмат қилмоқда.

Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик жамият барпо этмоқдамиз. Давлатчилигимиз адолат принципига таянади. «Адолатга интилиш – халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият, адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак»[1].

Маънавий-маданий савия паст бўлган жамиятда адолат тантанаси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз барпо этаётган фуқаролик жамиятида адолат, ҳақиқат ва инсонпарварлик ғоялари устуворлик қилиши лозим. Адолат бор жойда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла таъминланишига умид боғлаш мумкин.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятига хос қуйидаги асосий белгилар ва хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

– жамият ва шахс эҳтиёжлари тизимида фаол ижобий фаолият ва меҳнатнинг роли алоҳида мазмунга эга бўлиши. Меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар тизимининг қарор топиши;

– жамият мазмуни, унинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятининг хусусий мулкчилик муносабатлари орқали белгиланиши;

– хусусий мулк барча шаклларининг равнақ топиши ва уни муҳофазалашда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида ўрин тутиши;

– фуқароларнинг юридик жиҳатдан бир хил мақомга эгалиги ва қонун олдида тенглиги. Жамиятда адолатли суд тизимининг қарор топиши ва унинг фуқароларнинг ҳимояловчи посбон идорага айланиши;

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т., 1998. –399-бет.

– шахснинг хусусий ҳаёти ва иқтисодий фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланиши. Ҳуқуқий давлатчиликнинг мавжуд бўлиши;

– шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкий ва иқтисодий мустақиллиги;

– давлат, давлат идоралари ва фуқаролар ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида муносабатга кириша олишлари, уларнинг судда тенг тарафлар сифатида майдонга чиқа олиши, фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш ва устуворлигини таъминлаш механизмларининг яратилганлиги;

– фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжудлиги;

– жамиятнинг юксак маънавий-маданий ва ахлоқий ривожланганлиги; инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, имон-инсоф доирасида, шахс қадрини эъзозлаш асосига қурилганлиги.

Шундай қилиб, *фуқаролик жамияти – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамиятдир.*

Фуқаролик жамияти юксак даражада уюшган, батартиб муносабатлар тизимига таянган, ўзини ўзи бошқариш механизмлари мукаммал қарор топган жамиятдир. Бу жамият инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ҳамда манфаатларини акс эттирувчи, муҳофаза этувчи турли-туман уюшмалар, бирлашмалар, нодавлат ташкилотлар ва идоралар мавжуд бўлади. Улар давлат ҳокимиятидан мустақил бўлиб, ўзини ўзи бошқариш принципи асосида жадал фаолият кўрсатади.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсон ҳаётини сақлаш, унинг мақсадларини, ҳаётий орзуларини, ниятларини шу жамиятдаги ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимият манбаи эканлигини, унинг лаёқати ва

ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунишига ёрдам беради. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига:

– кўппартиявийлик;

– сиёсий ҳаёт ва сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги;

– ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги;

– жамиятни бошқаришда оммавий ахборот воситалари аҳамиятининг катталиги киради. Фуқаролик жамияти маънавий ҳаёт, умумбашарий қадриятлар асосида амалга оширилганлиги, инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топганлиги билан белгиланади.

Демак, *фуқаролик жамияти* – тенг ҳуқуқли инсонларнинг жамияти, якка шахслар ёки жамоалар манфаатларини таъминлашга кўмаклашадиган жамоат ва нодавлат институтларининг тизимидир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, фуқаролик жамияти жамоат бирлашмаларининг йиғиндисидангина иборат бўлмай, балки улар фаолиятининг натижасида пайдо бўладиган муносабатлар тизими ҳамдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини миллий ва диний анъаналарсиз, одатларсиз, одоб-ахлоқ нормаларисиз ва миллий қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жамият иқтисодий, касбий, маданий, диний ва бошқа манфаатларни шакллантиришга ҳамда уларни амалга оширишга қаратилган ижтимоий алоқалар тизимини ҳам камраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар бир инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда, фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона, ҳуқуқий ҳал этилишини сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Конституция ва қонунларнинг устунлиги, уларнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг муҳим омилидир.

Фуқаролик жамиятида қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чикишига кўмаклашади. Айни вақтда бу барча инсонларнинг қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт эканлигини ҳам билдиради.

Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, давлатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таъкидлашича: «Ўтмиш даври шароитида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартиявий тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланишини секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқлари бартараф этишдан иборатдир»[1].

Фуқаролик жамиятидаги мавжуд манфаатларни қаноатлантириш, рўёбга чиқариш учун тегишли ташкилий тузилмалар ва институтлар шаклланади.

Фуқаролик жамиятнинг ички тизимини қуйидагича таснифлаш мумкин.

Биринчидан, иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар:

а) хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлар;

б) ширкат хўжаликлари ва уларнинг уюшмалари;

в) ижара асосида ишловчи жамоалар;

г) ҳиссадорлик жамиятлари;

д) молиявий жамғарма ҳамда уюшмалар;

е) ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари;

ж) тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва ҳоказо.

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., 1997. –174-б.

Иккинчидан, ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар:

а) оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи махсус ташкилотлар;

б) таълим-тарбия муассасалари (мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари);

в) жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;

г) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

д) мустақил оммавий ахборот воситалари;

е) диний ташкилотлар;

ж) миллий-маданий марказлар;

з) ихтиёрий кўнгилли жамиятлар;

и) жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ўрганиш институтлари;

й) турли ижтимоий ихтилофларни адолатли ҳал этувчи тузилмалар ва ҳоказо.

Учинчидан, сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар ва тузилмалар:

а) ҳуқуқий давлатнинг мавжудлиги;

б) сиёсий партиялар;

в) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар;

г) сиёсий муҳолифатнинг мавжудлиги;

д) инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи институтлар ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган тасниф умумий бўлиб, у энг асосий таркибий тузилмаларни ифодалайди. Албатта, фуқаролик жамияти ўзининг ранг-баранглиги, турли-туманлиги билан ажралиб туради. Унда турфа кўринишдаги маърифий, маданий ва бошқа мазмундаги ташкилотлар фаолият кўрсатиши мумкин.

Кенг кўламда ривож топган жамоат бирлашмалари тизимининг мавжудлиги – фуқаролик жамиятнинг муҳим сифат белгиларидан биридир. Бундай ижтимоий институтлар воситасида фуқаролар ўзларининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва турмушнинг бошқа соҳаларидаги эҳтиёж ҳамда манфаатларини қондириш ҳамда ҳимоялаш, умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятига эга бўладилар.

Жамоат бирлашмалари давлатдан мустақил бўлган, алоҳида фаолият юритадиган ва айни вақтда, давлат институтларига таъсир ўтказа оладиган, давлатнинг

ижтимоий ҳаётга, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаётига асоссиз аралашувидан муҳофаза қилишга йўналтирилган ташкилотлардир.

Жамоат бирлашмаларнинг давлатга нисбатан мустақиллиги қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, улар ўз ички ва таркибий тузилиши ҳамда фаолиятининг йўналишларини мустақил белгилайдилар;

иккинчидан, ўз иродаларини ўзлари ифода этадилар ва бу норматив ирода ташкилот аъзолари учун мажбурий бўлади;

учинчидан, мазкур ижтимоий тузилмалар ўз устав (низом)лари воситасида ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини мустақил белгилайдилар;

тўртинчидан, ўз мулки ва маблағларига эга бўлиб, уларни ўз ихтиёри ва эҳтиёжига қараб тасарруф этадилар.

Фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига, сиёсий партияларга уюшиш борасидаги конституциявий ҳуқуқи ижтимоий институтлар, шу жумладан касаба уюшмаларининг ташкил топиши ва фаолият юритиши учун юридик асос бўлади.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ўзбекистон фуқароларига ўз фаолиятларини амалга ошириш учун кенг кўламда шарт-шароитлар яратилган. Янгиланаётган жамиятимизда фуқароларнинг давлат ишларида қатнашиш фаоллигини оширишда жамоат бирлашмалари катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида катта ёшдаги аҳолининг қарийб ҳаммаси жамоат бирлашмаларининг фаолиятида амалий жиҳатдан қатнашадилар. Кўпгина фуқаролар бир эмас, балки бир неча жамоат бирлашмалари фаолиятида иштирок этадилар. Жамоат бирлашмалари ўз таркиби, мақсад ва вазифалари, фаолият шакллари ва иш услублари билан бир-биридан фарқ қиладилар, лекин уларнинг ҳаммасига хос бўлган белгилар ҳам мавжуд. Бу жамоат бирлашмалари ўз низомла-

рида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ, жамиятни бошқаришда ва ҳар хил вазифаларни ҳал этишда фаол қатнашадилар.

Жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолият қоидалари бир хил.

Жамоат бирлашмалари фаолиятининг асосий принципларига қуйидагилар киради: а) ихтиёрийлик; б) тенг ҳуқуқлилик; в) ўзини ўзи бошқариш; г) қонунийлик; д) инсонпарварлик; е) ошкоралик.

Ихтиёрийлик принципи шуни билдирадики, Ўзбекистон фуқароларининг ҳар бири ўз хоҳиш-иродаси ҳамда қизиқишларини ўз майлига кўра амалга оширадилар. Жамоат бирлашмаси ёки сиёсий партияларга кириш ёки кирмасликни фуқароларнинг ўзлари ҳал этадилар, мажбурий аъзоликка йўл қўйилмайди.

Тенг ҳуқуқлилик принципи республикадаги барча жамоат бирлашмалари тенг ҳуқуқ асосида фаолият кўрсатишини англатади. Бирорта жамоат бирлашмасининг аъзоларининг сони жиҳатидан оз бўлган бошқа жамоат бирлашмасидан устун бўлишига ёки унинг ҳуқуқларини камситишига йўл қўйилмайди.

Ўзини ўзи бошқариш принципи шуни англатадики, жамоат бирлашмаларида раҳбарлик бевосита ўша жамоат бирлашмаси аъзолари орасидан сайланган фуқаролар томонидан амалга оширилади. Давлат қонунда кўзда тутилганидан ташқари ҳолларда, жамоат бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди. Худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Қонунийлик принципи барча жамоат бирлашмаларининг ўз низомларида ва бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида иш кўришини билдиради.

Ошкоралик принципи жамоат бирлашмаларининг фаолияти ҳеч қандай чеклашларсиз, очиқдан-очиқ юритилишини англатади. Жамоат бирлашмалари ўзларининг фаолияти тўғрисида ўз аъзоларига ва ваколатли давлат идораларига ҳисобот бериб турадилар. Бундан ташқари, улар ҳеч қандай чеклашларсиз ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан тегишли давлат идоралари, мансабдор шахслардан маълумот олиш ҳуқуқини ҳам ошкоралик принципи асосида амалга оширадилар.

Инсонпарварлик принципига кўра, ҳар бир жамоат бирлашмаси ўз фаолиятида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча қоидаларига асосланиб, инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлигининг дахлсизлигини тан олган ҳолда олиб бориши зарур.

Жамоат бирлашмалари маълум бир мақсадга эришиш учуш ташкил этилади. «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида бу мақсадлар кўрсатилган. Унга кўра, жамоат бирлашмалари:

- фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш;
- фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш;
- касб-кор ва ҳаваскорлик манфаатларини қондириш;
- илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш;
- аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш;
- маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишлари, табиат, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбиясини кучайтириш;
- халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш;
- маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш;
- халқларнинг маданий мероси ва миллий бойлиги бўлган санъат асарларини излаб топиш;
- қадимги ва замонавий маданий бойликлар, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш;
- ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш мақсадида тузилади. Республика Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «маънавий потенциални илдам ривож-

лантирмай туриб, Республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди»[1].

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИЛИШИНИНГ АСОСИ

Ўзбекистонда демократик жамият қурилишида қонун устуворлиги принципининг мустаҳкамланиши

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ва шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Бундай давлатда инсон ҳуқуқлари, эрки, шаъни ва қадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланади. Унда қонун ҳукмронлик қилиб, ижтимоий турмуш асослари ва ривожланиш мезонлари қонун асосида яратилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи субъект, ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан ҳолос бўлиши мумкин эмас»[2].

Дастлаб давлатимиз раҳбари Конституция ва қонун устунлигини иқтисодий ислоҳотлар ва мамлакат ижтимоий-ҳуқуқий тараққиётининг бешта асосий принципларидан бири сифатида белгилаб берди. Қонун устуворлиги истиқлолнинг илк даврларида қабул қилинган ҳамда муваққат конституция вазифасини ўтаган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги конституциявий қонунда мустаҳкамланди. Кейинчалик бу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз конституциявий тузумининг асосий принципларидан бири сифатида белгилаб қўйилди, яъни «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари,

---

[1] *Каримов И А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.–Т.,1992. –22-бет.

[2] *Каримов И. А.* Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т., 1996. –125-б.

фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15-моддаси).

Қонун устуворлиги принципини ўрганиш Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда қонун устуворлиги масалалари бўйича назарий тасаввурлар қуйидаги хулосаларга олиб келди:

а) қонун устунлиги ва у билан боғлиқ назарий ва амалий масалаларнинг моҳиятини тушунишда янада юқори натижаларга эришиш эҳтиёжнинг мавжудлиги;

б) ҳозирги кунда қонун устуворлиги муаммосини қонуннинг олий юридик кучи, ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга мос келиши ва қонуннинг барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги нуқтаи назаридан ҳал этиш учун етарли даражада эмаслиги аён бўлмоқда.

Қонун устуворлигини амалга оширишнинг зарурий механизмларидан бири бу ишлаб чиқилган концепция ҳисобланади. Ана шу концепция асосида биз демократик жамият қурилиши томон ҳаракат қиламиз. Чинакам демократия қонунларнинг устуворлиги, ҳуқуқ ва эркинликларнинг кенглиги, ижтимоий кафолатларнинг кучлилиги орқали таъминланади. Ҳар қандай, айниқса, чинакам демократияга интилаётган давлат ўз халқи манфаатларини, фуқароларининг ор-номуси ва қадр-қимматини, ҳаёти ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлмоғи даркор.

Қонун устуворлиги:

1) мамлакатда Конституция ва қонунлар ҳақиқий ҳукмрон бўлиб, уларни фақат давлатнинг олий вакиллик органи қабул қила олиши ва давлат раҳбари тасдиқлаши, ўзида халқ ҳоҳиш-иродасини ифода этиши;

2) Конституция ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ичида энг олий ўрин эгаллаши ва унинг тантанасини ҳеч қандай ҳуқуқ ёки ахлоқий қоидалар билан чеклаб бўлмаслиги;

3) қонунлар фақат республика ҳаётининг муҳим масалалари юзасидангина қабул қилиниши;

4) қонунлар ўзида инсон манфаатларининг, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини акс эттириши;

5) Конституция ва қабул қилинажак ҳар қандай қонуннинг мазмун ва моҳиятида ижтимоий адолат ғоялари ётмоғи зарурлиги;

6) қонунлар тўғридан-тўғри, бевосита амалга ошириладиган ҳужжатлар бўлишидир.

Демократик жамиятга ўтиш йўллари мустаҳкамлаб қўйилган Конституциямиз “бекиёс қудрати” билан мустақилликнинг илк йилларида тўсқинлик қилган омилларни бартараф этиб, ўзини оқлай олди. Аммо бугунги кунда биз Асосий қонунимизнинг ғояларидан янада кўпроқ фойдаланишимиз зарур. Конституция ва қонун устунлигини эътироф этишимизда айнан унга алоҳида тўхталишимизнинг сабаби бор, чунки Конституция қонун ҳукмрон бўлган давлатнинг ажралмас қисмидир.

Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши жараёнида қонун устуворлиги таъминланиши доимий ва узлуксиз равишда олиб борилсагина ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлади. Албатта, бу жараён мураккаб ва серқирралидир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг натижаларини умумлаштириш асосида Конституция ва қонунларнинг демократик жамият ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиш, ҳокимиятларнинг тақсимланиши ва уларнинг қонун устуворлигини таъминлашдаги ўзаро ҳамкорлиги қирраларини ёритиб бериш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг қонунга итоаткорликни шакллантиришдаги ролини, шунингдек аҳоли ҳуқуқий маданиятини қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий омили сифатидаги ўрнини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Конституция демократик, фуқаролик жамиятини шакллантириш назарий асосларининг ҳамма қоидаларига жавоб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасида Ўзбекистон Президенти Конституция ва қонунларга қатъи риоя этиш, 48-моддасида эса барча фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга мажбур эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган. Бинобарин, Президент ижроия ҳокимиятининг бошлиғи сифатида чиқарган фармон ва фармойишлари қонунга асосан ҳамда унинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89, 94, 98-моддалари). Маҳаллий

ҳокимият органлари қонунларни, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар (101-модда). Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар (112-модда). Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан эса прокурор назорати амалга оширилади (118-модда). Ўзбекистон Конституцияси мамлакатда тўла қонун устуворлигини таъминлаш руҳи билан суғорилган бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қурилишида муҳим аҳамият касб этади.

Демократик, фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида қонун устуворлигининг таркибий қисмлари бўлмиш жамият ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабат, инсоннинг ҳуқуққа муносабати, ҳуқуқий онг даражаси, ҳуқуқий ҳимояланиш ва ҳуқуқдан фойдаланиш даражаларига ижобий таъсир кўрсатадиган омилларни ажратиб кўрсатиш лозим бўлади. Инсоният узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтар экан, бу йўлда оламшумул муваффақиятлар билан бирга, ижтимоий ҳаётда муаммолар, хатоликлар учраб турди. Кўпгина ҳолатларда ана шундай муаммоларнинг асосий сабаби жамият томонидан ҳуқуқ талаблари тўла инкор этилганлигидир. Бу эса қонунларнинг «ишламаслиги»га, қоғозда қолиб кетишига сабаб бўлган. Бизга маълумки, қонунлар ўзидан ўзи ишлаб кетавермайди, уни ишлатишнинг ўз механизмлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари мавжуд. Мамлакат фуқаролари қабул қилинган қонунларни онгли равишда тушунишлари, яъни уларнинг ҳам ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ривожланган бўлиши лозим. Бунинг учун ҳуқуқ талаблари жамият ва давлатда ўз ечимини топган бўлиши зарур. Бу Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда зарур аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролар жамият ва давлат ишларини бажаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши (Конституциянинг 32-моддаси), оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, цензурага йўл қўйилмаслиги белгилаб берилган (67-модда).

«Мамлакатда адолат принциплари амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъект, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг муносабатларда

уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади»[1].

Демократик жамиятнинг шаклланишида жамоат бирлашмаларининг фаолиятисиз қонун устуворлиги принципининг амалда ишлашини таъминлай олмаймиз. Бу соҳада, шубҳасиз, жамоат бирлашмаларининг фаолиятини ҳам такомиллаштириш муаммоси турибди. Сиёсий партияларнинг тажрибаси ва фикри демократик ҳамда ошкора тарзда ҳисобга олиниши лозим. Парламентдаги партия фракцияларини, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳларини такомиллаштириш, парламентдаги тегишли қўмиталарнинг нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда қонунларга оид жамоатчилик фикрини ўрганиш ва бошқа шу тартибдаги ишларни амалга оширсак, олдимизга қўйган мақсадга эришамиз.

Демократик фуқаролик жамиятида қонун устуворлигини таъминлашни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлатимиз мустақилликка эришган кунлардан бошлаб оммавий ахборот воситаларига қонун йўли билан катта имкониятлар яратиб берилди. Баъзи ҳолларда оммавий ахборот воситаларида қонунларнинг бузилиши ҳақида берилаётган хабарлар шунчаки баёндан нарига ўтмаяпти, бу борадаги салбий ҳолатларнинг асл сабаблари ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар ечилмай қолаяпти.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «…ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади»[2]. Ҳуқуқий нормаларни одамлар онгига сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг, бу нормаларнинг одамлар орқали амал қилишида эса нодавлат ташкилотларнинг хизматлари катта. Бугунги кунда Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш оммавий ахборот воситалари учун асосий вазифага айланиши керак. Бунда тўскинлик қилувчи барча омилларни бартараф этиш ва мавжуд мезонларни такомиллаштириш асосий муаммодир.

Республикамизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш амалдаги ва қабул қилинажак қонунларимизни умумэътироф этилган халқаро нормалар ва

---

[1] *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Т., 1998. –26–27-бетлар.
[2] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т., 1996. – 32-б.

қоидаларга мослаштириш, муайян қонунчилик стратегиясига эга бўлиш, демократик фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий омилидир. Конституция ва қонун устуворлигига эришмай туриб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мумкин эмас. Бунинг учун эса Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, «биз барчамиз, биринчи навбатда, қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла халос бўлишимиз зарур»[1]. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуриш учун ижобий тажрибалардан кенг фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасида ёзиб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз ҳоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартириш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-бўлим XVI боби, 68-моддасида «Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборатдир» деб ёзиб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари улар ўртасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Конституция ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инсон манфаатларининг устуворлиги

Конституция ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инсон ҳуқуқларини кафолатловчи ҳужжатлар ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини улуғ ва муқаддас устувор йўналиш сифатида қонунан мустаҳкамлади. Халқ ва инсон манфаатларини кўзлаш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўлиқ қондириб бориш, айниқса, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини амалга ошириш, кафолатини яратиш ҳамда уни муҳофаза этиш Конституциянинг бош мақсадидир.

Конституция 6 та бўлим, 28 та боб, 128 та моддадан иборат. Унинг тузилиши мазмуни инсон, жамият, давлат йўналишида ташкил этилган. Бу мазмун инсон

[1] *Каримов И. А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т., 2005. – 50-б.

манфаатининг энг аввало ҳамма нарсадан устун туриши, давлатнинг асосий диққат-эътиборида эканлигини билдиради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш йўлига ўтди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини қатъи ҳимоя қилмасдан ва амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас. Халқимизнинг бой маънавий салоҳияти, унинг тасарруфида бўлган улкан табиий бойликлар ва техникавий имкониятлар, мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалар демократик ривожланиш ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни босқичма-босқич яратиш имконини бермоқда.

Инсон ҳуқуқлари жаҳонда етакчи мақомга эга. Ҳар қандай ривожланган демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда инсон ҳуқуқлари ролига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг рағбатлантирилиши ҳамда ҳимояланиши, янада муҳимроғи, жамиятда ҳар бир инсон ҳуқуқлари кафолатларининг амалдаги тизими ташкил этилиши ҳуқуқий давлат қуришнинг бош омили ҳисобланади.

Бугунги кунда Европа, Америка ва Африка ҳуқуқ тизимлари минтақада инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг кўпроқ ривожланган тизими ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда устуворлик бериш нуқтаи назаридан 60 дан зиёд халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга имзо чеккан ва уларни тан олган.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари инсон шахси ва турмушининг таркибий қисми. Ана ўша ҳуқуқ ва манфаатларнинг устуворлиги халқаро ҳуқуқий нормаларда, Ўзбекистон миллий ҳуқуқида ўз аксини топган. Биринчи маротаба Конституцияда инсон манфаатларига эътибор қаратилган бўлса, кейинчалик шу асосда бошқа қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам бу ҳолат ҳисобга олинган (масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Меҳнат кодекси, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни).

Инсон ҳуқуқларини тартибга солувчи, унинг манфаатлари устуворлигини таъминловчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси»нинг ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу шунинг учунки, бизнинг миллий қонунчилигимиз, шубҳасиз, биринчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларига таянади. Иккинчидан, бу ҳужжат қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун намуна (стандарт) вазифасини ўтайди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари шахснинг дахлсиз хусусияти сифатида изоҳланган. Декларация уларнинг устувор моҳиятини мустаҳкамлаб, шахс мақомини белгилашда давлатнинг фавқулодда ролини пасайтиради. Бу давлат томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашларга муайян талаб қўйишда намоён бўлади. Улар, биринчидан, қонунга асосланиш, иккинчидан, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, демократик жамиятда ахлоқ, жамоат тартиби ва ялпи фаровонлик талабларини қондириш (29-модда) мақсадини амалга оширишда ифодаланади.

Бугунги кунда инсон цивилизацияси тараққиёти муаммосини инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоялаш, Конституция ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инсон манфаатлари устуворлигини ҳисобга олиш каби муаммолардан ажратилган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя этиш борасидаги умумдунёвий жараёнларга фаол қўшилди.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида мамлакатимиз томонидан «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида», «Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисида» халқаро Пактлар (1966 й.), БМТнинг «Ёш болалар ҳуқуқлари тўғрисида» (1989 й.), «Ирқий камситишнинг барча шаклларини йўқотиш тўғрисида» (1979 й.), «Қийноқлар ва инсон қадр-қимматини ерга урувчи муаммолар ҳамда жазо турларига қарши» (1984 й.) Конвенциялар ратификация қилинди. Бу эса ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳуқуқ андозаларини қабул қилиш жараёнининг янада самарали кечишини таъминлади.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари, фуқаро ва давлатнинг ўзаро алоқаси, ўзаро масъулияти концепцияси фалсафий дунёқарашлар ва ҳуқуқий тартибга солишнинг муайян таъсири остида шаклланиб келди.

Инсоният узоқ тарихи мобайнида юз минглаб урушлару зиддиятли тўқнашувлар “тўфонидан” ўтиб, исбот талаб қилмайдиган шундай хулосага келди, яъни бировларнинг ғам-андуҳи ҳамда бахтиқаролиги ҳисобига ҳеч ким, ҳеч қачон бахтиёрлик ва фаровонликка эриша олмас экан. Шу муносабат билан И. Кант “бир кишининг эрксизлиги тугаган жойда бошқасининг озодлиги бошланади”, – деган эди.

Мана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинди ва шу асосда Ўзбекистон ўз миллий қонунчилигида инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамлаб қўйилди, ҳозирги кунда уларнинг устуворлиги таъминланмоқда. Албатта, бунинг учун республикамизда ўзига хос ва жаҳон андозаларидан келиб чиққан ҳолда институтлар ташкил этилди (масалан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакили – Омбудсман, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий Маркази ва бошқалар).

Аксар демократик давлатларнинг қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклашларга, куч ишлатиш ёки куч ишлатишга тўғридан-тўғри даъват, муайян шахсларнинг қадр-қиммати, обрўсини ҳақоратлашга қарши қатор қонунлар мавжуд. Ўзбекистон Республикасида ҳам шундай мазмундаги қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистоннинг ҳар бир қонуни фуқаролар ҳуқуқларининг чекланишига йўл қўймасликка ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинларининг амалдаги тенглигини таъминлашга қаратилган бир қатор меъёрларга эга.

Бунга Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни мисол бўлади. Қонуннинг 6-моддасида шундай дейилади: «Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-

ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади…». Инсоннинг энг олий қадрият эканлиги биргина ушбу қонунимиз моҳиятида ҳам англаниб турибди.

Давлатимизнинг энг муҳим масалаларидан бири давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларда инсон олий ижтимоий қадрият эканлиги принципининг жорий этилишидадир. Ўзбекистон давлати, унинг барча идораларининг фаолияти шу принципнинг имкон қадар тўла ва кенг қўламда амалга оширишга қаратилган.

Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни кафолатловчи шароитларни яратади, барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга қонунларга риоя этиш, зарур ҳолларда эса тазйиқлардан муҳофаза этиш мажбуриятини юклайди. Ўзбекистон фуқаролари ўз манфаатларини нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, балки унинг ташқарисида ҳам ҳимоя этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Инсоннинг келиб чикиши биологик хусусиятга эгалиги сабабли биосоциал туркумга киради, бироқ, у ҳаёт фаолияти давомидагина шахс сифатида шаклланади. Шундай экан, ҳуқуқий тизимда муҳофаза қилувчи барча ижтимоий қадриятлар қаторида инсон ва унинг шахсияти етакчи ўринни эгаллайди.

Конституцияда яшаш ҳуқуқининг эътироф этилиши давлат олдига шахс ҳаётини ҳимоялаш ҳамда уни ижтимоий хавфли тажовузлардан муҳофазалашнинг амалдаги механизмини яратиш масаласини қўяди. Бу фақат жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳуқуқни ҳимоялаш фаолиятигагина эмас, ижтимоий соҳада инсон ҳаётини сақлашнинг барча чораларини таъминлаш фаолиятига ҳам тегишлидир. Инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирларининг ҳуқуқий таъминланган тизими яшаш ҳуқуқининг жиддий кафолатларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва

соғлиғи устуворлиги принципларига асосланади. Унда меҳнатнинг экология жиҳатдан хавфсиз шароитларини яратиш, ишловчиларни махсус кийим ва пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари, парҳез овқатлар билан бепул таъминлаш, шунингдек инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлашга йўналтирилган бошқа фаолиятни амалга оширишга қаратилгани ҳақидаги қоидалар ўз аксини топган.

Республикамизда яшаш ҳуқуқини кафолатлаш учун фуқаролар соғлигини сақлашга катта эътибор берилган. Фуқароларнинг соғлигини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги «Фуқаролар соғлиғини сақлаш ҳақида»ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Жиноят қонуни яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида ўринга эга бўлиб, у яшаш ҳуқуқини ҳимоялаш чораларидан иборат тизимни ташкил этади. Жиноят қонунчилигини асосий манбаси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг моҳиятига эътибор қаратсак, унда ҳам инсон ва унинг ҳаёти биринчи ўринда туришига гувоҳ бўламиз.

Одил судловнинг асосий принципларидан бирини айбсизлик презумпцияси ташкил этади. Жиноят кодекси 4-моддасининг 2-қисмида конституциявий принципни ривожлантирувчи қоида акс этган бўлиб, унда ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас, дейиилган.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида кўришимиз мумкинки, қабул қилинган барча қонунларимизда инсон ва унинг манфаати олдинги ўринга қўйилган. Инсон манфаатларининг устуворлиги ҳисобга олинган ҳамда бугунги кунда уларнинг бажарилиши ижобий даражада таъминланмоқда.

Қонунлар ижросидан ҳам кўриниб турибдики, «инсон манфаатлари олий қадрият» қоидаси амалда ўз ифодасини топмоқда. Ушбу жараёнда ички ишлар органлари ходимларини ҳам роли катта. Улар ҳам инсон манфаатларини ҳимоя қилишда масъулдирлар ва шунга кўра ўз фаолиятиларини олиб боришлари зарур.

Ўзбекистонда қонунчиликни ривожлантиришда икки палатали парламентнинг роли

Мамлакатимиз мустақил бўлгандан сўнг ўтган тарихан қисқа давр ичида амалга ошган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар парламент фаолиятига ва парламентаризм хусусидаги ижтимоий фикрга ижобий таъсир кўрсатди.

Парламент демократиянинг улкан ютуғи бўлиб, у ниҳоятда серқирра ва сермазмун ижтимоий-сиёсий институтдир. Аслида республика парламент шаклидаги давлатга хос бўлиб, у давлат ҳокимиятининг ташкил этилишида халқчилликни таъминлашга хизмат қилади. Тобора такомиллашиб бораётган парламентаризм анъаналари аксарият давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузли ўринга эга бўлиши ва жадал суръатлар билан тараққий этишига сабаб бўлмоқда. Натижада ҳокимиятни парламент асосидаги республика шаклида ташкил этишга талабгор мамлакатлар сони кўпайиб бормоқда.

Ҳозирги кунда дунёда парламентаризмнинг асосий кўриниши бўлган икки палаталилик “анъаналашиб бормоқда”. Айниқса, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни қатъи мақсад қилиб қўйган мамлакатлар бикамерализм, яъни икки палатали парламент ўз самарасини кўрсатмоқда. Мамлакатда икки палатали парламент шаклига ўтилиши Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишга, ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципини янада кенгроқ жорий этишга хизмат қилувчи қадрият сифатида юзага чиқди.

Икки палатали парламент замонавий парламентаризмнинг ривожланган, демократлашган, оқилона кўриниши бўлиб, у миллий-маданий, ҳудудий манфаатларни ишончли ҳимоя қилиш имкониятлари билан бир палатали парламентдан ажралиб туради. Чунки парламентнинг икки палатали бўлиши Олий Мажлисда вакилларнинг чинакам демократик тақсимланишига ва қонун ижодкорлиги жараёнида Конституция устунлигининг таъминланишига олиб келади. Фикрнинг далили сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1) Ўзбекистонда ҳозирги кунда икки палатали тизимга ўтилди. Жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларидаги бошқарувни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий асос ишлаб чиқилди. Бироқ бозор муносабатларга ўтилаётган, ижтимоий

тараққиёт ислоҳотлари жадал амалга оширилаётган вазиятда қонунчилик тизимига муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб қилинмоқда;

2) узоқ давом этган мустамлакачилик тузумининг барча асоратларидан деярли ҳолос бўлдик. Мамлакатимиз ҳудуди ўзаро фарқ қилувчи маъмурий бирликда ташкил топган. Худди ўша минтақалардаги аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини аниқ ифодалаш зарур бўлмоқда. Шунинг учун ҳам икки палатали парламентга ўтиш зарур бўлди;

3) қабул қилинаётган қонунларнинг сифат даражаси, тартибга солиш самараси ортиб, қонунчилик фаолиятида фикрлар хилма-хиллиги ўз ифодасини топади. Олий Мажлис ваколатларининг юқори ва қуйи палаталарга бўлиниши давлат ҳокимияти ваколатларининг бўлиниши ҳамда мувозанатни таъминлаш механизмини барқарорлаштиради.

Шунингдек, ҳозирги кунда парламент ислоҳоти юзасидан амалга оширилиши мўлжалланган миллий концепциямиз ҳам ўзига хосдир. Унга кўра, парламентнинг юқори палатаси аъзолари вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари депутатларининг вакилларидан иборат бўлди. Бунинг боиси шундаки, ушбу вакиллар ўз ҳудудидаги мавжуд муаммоларни яхши билиб, келажакда ўзларининг парламент фаолиятидаги иштирокида уларни тегишлича бартараф эта оладилар, қисқача айтганда, ўз вилояти аҳолисининг манфаатларини парламентда туриб ҳимоя қилади.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида икки палатали парламентни қарор топтириш, биринчидан, том маънода профессионал армияга ўтиш, иккинчидан, давлатчилик қурилиши ва сиёсий вокелигимизда замонавий парламентаризм анъаналари (тартиблари)ни шакллантириш ва янада ривожлантириш, учинчидан, давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мавқеи ва ҳуқуқий мақомини изчиллик билан мустаҳкамлаш ва шу тариқа ҳокимиятлар тақсимланиши принципини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш имконини беради.

Бикамерализм (яъни парламентнинг икки палатали модели)нинг аҳамияти унинг қуйидаги функцияларида акс этади:

1) аҳоли ва ҳокимият вакиллигининг анча тўлиқ таъминланиши. Агар бир палата муайян сайловчилар депутатларининг вакиллиги асосида ташкил топса, бошқаси давлат таркибий қисмлари (штат, ўлка, вилоят)нинг вакиллиги асосида ташкил топади. Ҳар икки палата биргаликда бутун мамлакат аҳолиси ҳамда унинг таркибий қисмларининг манфаатларини эътиборга олиш ва ифодалаш имконини беради;

2) меҳнатнинг самарали ташкил этилиши, бу ўринда мураккаб ва сермашаққат фаолиятнинг оқилона тақсимланишини таъминлайди. Ҳар бир палата қонунчилик жараёнида ўз функциясини бажаради. Бу эса уларнинг биргаликда пухта ўйланган қарорлар қабул қилишига кўмаклашади;

3) парламентнинг икки палатали тузилиши муроса, келишув, зиддиятларни бартараф этиш, зарур қонунларни ишлаб чиқиш воситаларини ўзида мужассамлаштирган қонунчилик ҳокимиятининг тарихий шаклланган механизмидир. Икки палатали тизимга ўтган мамлакатлар унинг ижобий томони сифатида юқори палата парламентни кўпинча ўйламасдан, ҳис-ҳаяжонга берилиб, баъзан эса тўғридан-тўғри шуҳрат қозониш мақсадида қарорлар қабул қилишдан тўхтатиб туришни эътироф этади.

Демократик институтлар босқичма-босқич қарор топиб бораётгани ва либераллаштириш сиёсати амалга оширилаётгани боис, қонунчилигимизнинг мазмуни ва руҳи тобора инсонпарварлашиб бормоқда. У ўзида миллий хусусиятлар, халқнинг одил судлов ва адолат тўғрисидаги тасаввурларини ифода этмоқда. Қонунлар халқнинг бой тарихи, миллий-маданий ва маънавий қадриятларига тобора қатъи асосланмоқда.

Қонунчилигимиз янги мафкура – миллий истиқлол мафкураси ва пок миллий-ахлоқий қоидаларга таянмоқда. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатда ҳуқуқий давлатчилик барпо этилаётган, кўппартиявийликка асосланган икки палатали парламентга хос демократия қарор топиб бораётган шароитда қонун чиқариш фаолияти ҳам, қонунчилигимиз ҳам демократик йўналишда бойиб, ривожланиб бораверади.

Ҳозирги кунда Конституцияга киритилган ўзгартиришлар туфайли Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга ва бир қисми ҳукумат раисига ўтказилди. Бу эса ўз-ўзидан ҳокимиятларнинг бир-биридан ҳақиқий мустақиллигини таъминлайди.

Фикримизча, қонунчилигимизни ривожлантиришнинг айни кундаги устувор йўналишларини қуйидагилар ташкил этиши керак:

– биринчидан, эътиборни ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига, иқтисодиётнинг устувор жабҳаларига тааллуқли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни яратишга қаратиш;

– иккинчидан, сиёсий, хўжалик ва ижтимоий-маданий соҳаларнинг ўта муҳим ва долзарб масалалари бўйича қонунлар қабул қилиш, уларни мунтазам янгилаб, такомиллаштириб бориш;

– учинчидан, давлат идораларининг ҳуқуқий мақоми, сиёсий тизими ва бошқа жиҳатларини демократия ва ҳуқуқий давлатчилик принциплари асосида такомиллаштиришга қаратилган қонунлар чиқариш;

– тўртинчидан, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, уларга қатъи риоя этиш, уларни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар яратиш ва шу орқали жамиятда мустаҳкам қонунийлик муҳитини, чинакам демократик ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришга кўмаклашиш.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган икки палатали парламент ана шу устувор йўналишлардаги масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Буни биз қабул қилинаётган қонунларимизда ҳам кўраяпмиз.

Таянч тушунчалар: қонун, қонун устуворлиги, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, қонун олдида ҳамманинг тенглиги, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқ нормаси, адолат, инсон ҳуқуқлари, икки палатали парламент.

МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ НЕГИЗЛАРГА ТАЯНИШ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ

Маънавий қадриятларнинг демократик жамият барпо қилишдаги ўрни, уларни тиклаш ва янгилаш зарурати

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда маънавий қадриятларга таяниш, уларни эъзозлаш, ривожлантириш ўзининг ижобий натижасини берган. Аксинча, маънавий қадриятларни менсимаслик, тазйиқ остида йўқ қилишга ҳаракат жамиятда қарама-қаршиликнинг кучайишига, мамлакатнинг инқирозга юз тутишига олиб келган.

Аввало, маънавиятнинг ўзи нима? Инсон маънавияти деганда, биз унинг умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда маданий мерос заминида шаклланган, тараққиётга йўналтирилган руҳий ҳолатини тушунишимиз керак.

Маънавий мерос эса қадим замонлардан бугунги кунгача етиб келган сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, осори атиқалар, бадиий ва санъат асарларида қайд қилинган ғоялар мажмуидир.

Шу ўринда қадрият тушунчасига эътиборни қаратишни лозим деб ўйлаймиз. Уни анъана, урф-одат каби тушунчаларидан фарқлаш лозим, уларнинг орасида жамиятдаги тинчлик ва барқарорликка ҳамда умуман тараққиётга путур етказаётганлари ҳам бор. Жумладан, мутаассиблик, боқимандалик, бепарволик, бефарқлик, мақтанчоқлик каби тушунчалар шулар жумласидандир. Қадрият деганда, бу умумхалқ томонидан қадрланадиган, ҳурмат қилинадиган, эъзозланадиган, руҳий юксалишга, тараққиётга, фаровонликка “йўғрилган” маънавий бойликларни тушуниш лозим.

Ўзбекистон халқининг онгида шаклланган бу маънавий мероснинг “илдизи”ни биринчи навбатда, нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзларида мужассам этган арбобларнинг асарларидан излашимиз керак. Буюк аждодларимиз Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Аҳмад Югнакий, Имом ал-Бухорий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Абдулла Қодирий, Ойбек каби жуда кўп алломалар ўз ижодий меросларида инсон қадр-қиммати, маънавияти билан боғлиқ мезонларни кўрсатиб ўтганлар.

Агар буюк алломаларнинг қадриятлар ҳақидаги мулоҳазаларини умумлаштирсак ва таснифласак, маънавиятнинг қуйидаги мезонларини қайд қилиш мумкин:

– инсонпарварлик, инсон ҳаёти, мулки ва дунёқараши дахлсизлигини тан олиш;

– оила, маҳалла, меҳнат жамоаси, она Ватан олдида масъулиятни ҳис қилиш;

– диний бағрикенглик;

– ҳалоллик, поклик, меҳнат билан топилган даромадгина инсон келажаги учун самара беришини тушуниб етиш;

– олий даражадаги байналмилаллик руҳи ҳар бир инсоннинг асосий принципига айланиши;

– ижтимоий фаолликнинг ҳақиқий эҳтиёжга айланиши;

– кучли ижро ҳокимиятига ҳурмат билан қараш ва бошқалар.

Маънавий қадриятларнинг асосий қисмига барқарорлик хос бўлишига қарамай, ривожланиш жараёнида янгиланиш, яъни замон талабига жавоб бермайдиганларининг унутилиши ва янгиларининг пайдо бўлиши ҳам табиий ҳол. Айниқса, бу бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида яққол кўзга ташланади. Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Жамиятни маънавий янгилашдан бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп масалалардан иборат»[1].

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг маънавий янгиланиш долзарб вазифага айланди. Чунки, биринчидан, собиқ Иттифоқ даврида бир қанча миллий-маънавий қадриятлар коммунистик мафкуранинг тазйиқида ижтимоий ҳаётдан “бадарға” қилинган эди. Энди улар тикланиши, ривожлантирилиши ва мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи керак бўлди.

Иккинчидан, собиқ тизим «ёпиқ эшиклар» сиёсатини олиб борганлиги учун Ўзбекистон аҳолиси умумбашарий ва исломий қадриятлари ўзгартиришга қийинчиликлар туғдирган эди.

---

[1] *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т 8. – Т., 2000. –499-б.

Мустақиллик туфайли маънавий қадриятларнинг тикланиши учун кенг имкониятлар очилди. Аммо ҳар қандай қадриятни “орқа-олдига қарамай” тиклаб бўлмайди, чунки тарихнинг ғилдирагини орқага айлантиришнинг имкони йўқ. Қадриятларни тиклашдан ўрта асрларга қайтиш деган маъно келиб чиқмайди. Янгиланиш учун аҳолининг миллий менталитетини замон талабларидан келиб чиқиб таҳлил қилиб, унинг мустақилликни мустаҳкамлашга, тараққиётга хизмат қилувчиларини танлаб олиш даркор.

Ушбу нуқтаи назардан Ўзбекистон фуқароларининг маънавиятини янгилаш борасида бирқанча муаммоларни эътиборга олиш лозим. Улар қуйидагилар:

– аҳолининг кўп миллатли эканлиги, миллий таркиби ва ҳар бир миллат вакиллари менталитетининг ўзига хос хусусиятлари борки, улар билан ҳисоблашиш керак;

– аҳоли асосий қисмининг эътиқоди ва турмуш тарзи ислом дини билан боғлиқ бўлишига қарамай, мамлакатда бирқанча бошқа диний конфессиялар ҳам мавжудки, у диний бағрикенгликка эътиборни кучайтиришни талаб қилади;

– маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик анъаналари ҳанузгача ривожланишга маълум даражада салбий таъсир кўрсатиб келмоқда;

– шахсий феъл-атвор, юриш-туриш, муомала маданиятига жамоатчилик фикрининг таъсири анча кучли;

– жамиятда оиланинг мавқеи алоҳида ўрин тутади;

– тўй-ҳашам, маъракаларга баъзида имконият даражасидан ортиқча эътибор берилиши аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади;

– ота-онага, умуман катталарга ҳурмат баъзида эътирозсиз тобелик билан уйғунлашиб, ёшларнинг ташаббус кўрсатишини чеклаб қўйди ва ҳоказо.

Яна бир муаммо борки, унга Президент И. А. Каримов шундай таъриф беради: «Одамнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатдаги инсонликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини кўзғатиб юбориш осонроқ»[1]. Шунинг учун ҳар бир шахс, айниқса ўтиш даврида

[1] *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т 8. – Т., 2000. -493-б.

юксак маънавиятга, мустаҳкам эътиқодга эга бўлиши керак. Бунинг учун ўзбек халқининг минг йиллар давомида шаклланган маънавий-маданий қадриятларини тиклаш, янгилаш, ривожлантириш лозим.

Қадриятларни тиклаш ва фуқароларнинг онгида юксак маънавиятни шакллантириш Президент И. А. Каримов асарларида батафсил баён қилинган. Маънавиятни шакллантиришда тарих фанининг роли бекиёсдир. Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, «ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродани мустаҳкамлайди»[1].

Ҳақиқатан ҳам тарих фақат ўтмиш ҳақидаги маълумотлар ва тушунчаларни ифодалаш билан чекланиб қолмайди. Унинг буюк қудрати, тарбиявий кучи ўтмишни ўрганиш, тадқиқ этиш орқали бугунни баҳолаш, бугунги ва эртанги кунлар учун хулосалар ишлаб чикиши ва келажакни режалаштиришга ёрдам беришида намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида маънавиятнинг асоси бўлган холисона тарихни яратиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан:

– Президент ташаббуси билан ва унинг иштирокида Ўзбекистон тарихининг янги концепцияси ишлаб чиқилди. Унинг ўзаги бугунги ўзбек халқининг маданияти – қадимдан шу ҳудудда ўтроқ яшаб келган аҳолининг маданиятидир. Мамлакатимиз жаҳон цивилизациясидан четда қолган бир овлоқ жой эмас, балки унинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган марказлардан биридир, деган ғоя ташкил қилади;

– тарихий жуда кўп жараёнларга, жумладан Амир Темур ва Темурийлар даврига, чор Россияси ва совет империясининг мустамлакачилик сиёсатига илмий жиҳатдан асосланган ҳаққоний баҳо берилди;

– тарихга синфийлик, мафкуравий нуқтаи назардан ёндашишга барҳам берилди;

---

[1] Ўша ерда.

– имом Бухорий, имом Мотурудий, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий ва бошқа шахсларнинг маънавиятини шакллантиришга улкан ҳисса қўшган буюк шахсларнинг мероси тикланди ва уни чуқур ўрганиш учун йўл очилди;

– Ўзбекистоннинг уч томлик янги тарихи яратилди ва ҳоказо.

Маълумки, қадриятларни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш, уларга эътиқод қилишга ҳалақит бермаслик – бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони – жамият ҳаётини мувофиқлаштириб турувчи қонунларнинг ана шу қадриятларни ўзида акс эттириши энг муҳим омил бўлиб, натижанинг ижобий бўлишига шак-шубҳа қолдирмайди.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Конституциясига ёндашилса, унинг айнан юқоридаги талабларга жавоб берадиган ҳаётий, ҳаракатдаги ҳужжат эканлиги намоён бўлади. Ўзбекистон Конституцияси юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлашича: «Тарихда саналган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Иккинчидан, бизнинг Конституция энг тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё миқёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Шу билан бирга, бу Конституция, умумий мазмундан тортиб, оддий бир бандига қадар Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, Буюк Амир Темур замонида шаклланган, миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу қўҳна замин одамлари қўнглида устувор бўлган адолат, мардлик, тантилик каби улуғ ҳислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган»[1].

Республикамизда маънавий, тарихий қадриятларнинг тикланганлиги, уларнинг бугунги ҳаётимизга тадбиқ қилинаётганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Марказий Осиёдаги давлатларнинг, хусусан ижро ҳокимиятининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга кучли таъсир кўрсатганлиги тарихдан маълум. Ҳудудимизнинг табиий иқлим шароити, географик жойлашуви суғорма деҳқончилик тизимини яратишни, маиший хизмат соҳаси устуворлигини таъминлашни талаб қилган. Тенги йўқ тўғонлар, каналлар ва бошқа суғориш иншоотларини қуриш, таъминлаб ту-

[1] *Каримов И. А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т 2. – Т., 1996. –93–94-б.

риш, йўллар, кўприклар, карвонсаройларни барпо қилиш жуда кўп ишчи кучи ва маблағни талаб қилган. Уларни бир ерга мужассам қилиш фақат давлат доирасида, унинг ихтиёри билангина амалга ошиши мумкин эди. Сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар каби буюк давлатларнинг куч-қудрати, иқтисодий, сиёсий тараққиётининг негизида ижро ҳокимиятининг юқоридаги соҳаларга кучли эътибори ётади. Бу давлатларнинг барча соҳалардаги муваффақиятли фаолияти, айниқса, умумий фаровонликка, адолатга интилишлари аста-секин халқ онгида кучли ижро ҳокимиятига, юртбоши, амалдорларнинг адолатпарварлигига, халқпарварлигига ишонч ҳиссиётини шакллантирган ва у маънавий қадриятга айланиб қолган.

Бугун ҳам Ўзбекистон аҳолиси ўз юртбошисининг, республика ҳукуматининг халқ манфаатларидан келиб чиқиб адолатли сиёсат олиб боришига ишонади.

Умумхалқ томонидан сайланган Президентнинг ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилиши ҳам ана шу қадриятнинг ҳаётга тадбиқ қилиниш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон фуқароларига мозийдан мерос бўлиб қолган қадриятларидан – бу инсонпарварлик. Уни амалга оширишнинг ёрқин мисоли Ўзбекистон Республикаси II чақириқ Олий Мажлис VI сессиясида Президентнинг ташаббуси билан кун тартибига қўйилган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги масалани муҳокама этилиши ва тегишли ҳужжатларнинг қабул қилиниши бўлиб, унга инсонпарварлик принципларини ҳаётга тадбиқ қилишнинг ёрқин намунаси деб қаралмоғи лозим. Бу чораларнинг асл моҳияти Президент И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топди: «жиноятнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ»[1].

Ушбуни назарда тутиб қонунчиликни эркинлаштириш ва инсонпарварлик принципларига мувофиқлаштириш мақсадида 110 турдаги унча оғир бўлмаган

[1] *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ юрак. Т. 10. – Т., 2002. –36-б.

жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди ва бошқа бир қанча чоралар маъқулланди[2].

Халқимизнинг энг муҳим қадриятларидан бири моддий бойликлар яратувчиларга, тижоратчиларга ҳурмат билан қараш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза қилиш, ўз фаолиятидан манфаатдорликни рағбатлантириш билан боғлиқ. Масалан, Амир Темур давлатида савдога фақат олди-сотди сифатидагина эмас, балки мамлакат тараққиётининг муҳим омили сифатида қаралган. Чунки савдогарлар дипломатик фаолият билан ҳам шуғулланганлар, ўз мамлакатларига илғор иш қуролларини, ишлаб чиқариш технологиясини, прогрессив ғояларни олиб келганлар. Шунинг учун А. Темур савдогар, тижоратчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилган, карвонларнинг Мовароуннаҳр сарҳадларидан ўтиши учун барча қулайликлар яратишнинг чораларини кўрган, чегарадан ўтаётганларнинг бож тўловларини камайтирган, карвонсаройлар қурдирган, карвон йўлларига кузатувчилар ва солиқчилар қўйишни буюрган, йўловчиларнинг моллари йўқолса, улардан ундириб олишни талаб қилган.[3]

Бугунги кунда Республикада амалга оширилаётган тадбирларга эътибор қилинса, қадриятлар тикланаётганлиги яққол аён бўлади. Биринчидан, Ўзбекистон Конституциясига асосан ҳар бир фуқаронинг иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланади. Қонун билан эркин иқтисодий фаолият: тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжалигини ташкил қилиш чоралари мустаҳкамланган. Чет эл инвестицияларининг республикага кириб келиши учун қулай имкониятлар яратилаяпти.

Мустақил республикамизнинг кўп миллатли эканлигини назарда тутадиган бўлсак, минг йиллар давомида шаклланган байналминалликни маънавий қадриятларимизнинг энг муҳим тури деб қараш лозим.

Президент И. А. Каримов: «Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган Марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон

[2] Уша ерда, 37-б.
[3] Қаранг: Темур тузуклари. –Т., 1991. –98-б.

қолиш ва ривожланиш учун зарурий табиий меъёрларга айланди»[1],-деб таъкидлар экан, у мутлақ ҳақиқатни ифода этади.

Республика аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил қилишига қарамасдан, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ миллатлараро муносабатларда байналмилалчилик асосий мезон сифатида қабул қилинган. Ўзбекистон барча фуқароларнинг «умумий уйи» ғоясига асос солинди. Байналминаллик ҳуқуқий жиҳатдан Конституцияда мустаҳкамланди. Нафақат қонунда, балки амалиётда ҳам республикада истиқомат қиладиган 100 дан ортиқ миллат вакиллари миллий эҳтиёжларининг қондирилиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугунги кунда республикада таълим рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, корейс тилларида олиб бориладиган ўрта мактаблар фаолият кўрсатиб келаяпти. Миллий-маданий марказлар тузилди. Мавжуд шароит ҳисобга олиниб, «Давлат тили тўғрисида»ги қонунга 1995 йилда ўзгартиришлар киритилди ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа қадриятларнинг шаклланиши республикада сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, иқтисодий ривожланиш, халқ турмуш даражасининг юксалишига асос бўлади, булар эса ўз навбатида мустақилликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг биринчи босқичидир. Ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, бозор муносабатларини шакллантириш нафақат маънавий қадриятларни тиклашни талаб қилади, балки уларни ривожлантириш, замон талабига мос янги қирраларини шакллантиришни тақозо қилади. Маънавиятнинг янги қирралари деганда, хусусан қуйидагилар назарда тутилади: ташаббускорлик, сиёсий фаоллик, юксак ҳуқуқий онглилик, муқобил фикрларга ҳурмат билан қараш, эътиқод эркинлиги билан ҳисоблашиш, мустақил фикрлаш, масъулиятни ҳис қилиш ва ҳоказо.

Ушбу фазилатлар шакллантирилиши учун айни кунда маънавий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш зарур. Уларнинг асосий йўналишлари Президент И. А. Каримовнинг асарларида белгилаб берилган[2]. Булар:

---

[1] *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.–Т., 1998. –128-б.
[2] Қаранг: *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т 8. – Т., 2000. –340–343-бетлар.

– миллий қадриятлар тиклаш, изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтириш;

– ҳар қайси фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қила олиш жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг негизи бўлишига эришиш;

– диндан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишни истайдиганларга муросасиз бўлиш;

– оила, оналар ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш;

– кадрлар тайёрлаш дастурини изчиллик билан амалга ошириш;

– миллатлараро тотувлик ва барқарорликни сақлаш;

– катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишни янги мазмун билан бойитиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, энг муҳим вазифалардан нафақат маънавий, тарихий, миллий қадриятларни тиклаш, балки демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини яратиш, бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, уларни янги мазмун билан бойитишдир.

Демократик жамиятда виждон эркинлиги ва диний экстремизмга қарши курашиш омиллари

Маънавий қадриятларнинг салмоқли қисми ислом дини билан боғлиқ. Республика раҳбарияти ислом динининг қадрият сифатида тикланишига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу ўзга динларга эътиборсизлик мавжуд деган хулосага олиб келмаслиги керак. Бугунги кундаги қонунлар барча миллат вакилларининг ўз динларига эътиқод қилишлари учун баробар имкон туғдиради.

Мустақиллик туфайли ислом таълимотига муносабатнинг ўзгаришини қуйидаги билан боғлиқ ҳолда изоҳлаш мумкин:

– Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилади;

– ислом дини нафақат эътиқод, балки минг йиллар давомида миллий қадриятлар билан уйғунлашиб, халқнинг турмуш тарзига айланиб кетди;

– ислом дини мусулмонларнинг дунёқарашини ифода этиш билан бир қаторда, умумбашарий қадриятларни ҳам ўзида мужассамлаштирган маданиятнинг бир кўринишидир.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб, Президент И. А. Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ: «Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик»[1].

Шу билан бирга, табиийки, эътиқоди ҳурмат қилинган ҳар қандай шахс ички руҳий қониқиш ҳосил қилади, ҳокимиятнинг олиб бораётган сиёсатини маъқуллайди ва жамиятнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшади. Бу ўз йўлида жамиятдаги барқарорликка, тараққиётга замин бўлади.

Динга муносабатнинг ўзгариши Ўзбекистоннинг келажаги, қандай давлат барпо қилинаётганлиги билан боғлиқ. Мустақилликнинг дастлабки куниданоқ Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсади бутун дунё ҳамжамиятига эълон қилинди. Табиийки, бундай давлат нафақат виждон, эътиқод эркинлиги, ҳурфикрликни ҳурмат қилиши ва улар билан ҳисоблашиши керак, балки бу эҳтиёжларни қондириш учун имконият яратиши лозим. Шу билан бирга, диний эътиқодларга, ўзга дин вакилларига, муқобил дунёқарашга ёки даҳрийликка тазйиқ ўтказилишига йўл қўйиб бўлмайди. Диний эътиқод ҳар бир инсоннинг шахсий иши.

Ўзбекистон халқи диний эътиқодларини тиклаш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилаяпти. Ислом динининг мавқеи муҳим маънавий қадриятлар мажмуи сифатида жамиятда тутган ўрнига мос келадиган даражага кўтарилди. Бу борада республикада бир мунча муҳим тадбирлар амалга ошириб келинди:

– виждон эркинлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни билан кафолатланди;

– қонун шахснинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларининг ҳақоратланишига жавобгарлик мезонини белгилаб қўйди;

---

[1] *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимиз. Т. 8. – Т., 2000. –504-б.

– Қурбон ва Рўза Ҳайитлари умумий байрам сифатида, диний маросимлар қонун доирасида ўтказилиши белгилаб қўйилди;

– ислом таълимотини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган олимларнинг номлари ва маънавий мероси тикланди;

– диний зиёратгоҳлар (нафақат ислом таълимотига оид) давлат томонидан таъминланаяпти ва улар кенг омма учун очиб қўйилди, уларни оёқ ости қилиш тақиқланди;

– диний ўқув юртларининг фаолият кўрсатиши учун имкон яратилди, лекин хусусий тартибда таълим бериш тақиқланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 1800 тадан ортиқ диний ташкилотлар фаолият кўрсатиб турибди. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, рус Православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Евангель, Христиан баптистлари иттифоқи, Рим католик черкови, Тўлиқ Инжил христианлар Маркази, Ўзбекистон Библия жамияти ва бошқалар[1]. Улар республиканинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, аҳолининг маънавиятини юксалтиришга, жамиятимизнинг барқарорлигига муносиб ҳиссаларини қўшмоқда.

Ислом динининг тикланиши фақат диний байрамларни нишонлаш, рўза тутиш, беш вақт намоз ўқиш, диний маросимларни декларация қилиш билан чегараланмайди. Унга умуминсоний қадриятларимиз билан боғлиқ маънавиятимизни тиклаш омили сифатида қаралиши керак. Муқаддас Қуръон ва Ҳадислар маънавий поклик, инсонпарварлик, ростгўйлик, байналминаллик ва шу каби инсоний ҳислатларни тарбиялашга чақиради. Бошқача айтганда, ислом динини олий мақсадлар – тинчлик, инсонпарварлик, барқарорлик, тараққиётга хизмат қилдириш энг адолатли ва савобли иш бўлади.

Аммо бир нарсани унутмаслик керакки, дин – бу дунёқараш, мафкура. Ундан баъзи бир сиёсий кучларнинг қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун давлатга қарши фойдаланишлари, жамиятни бўлиб ташлашга ҳаракат қилишлари мумкинлигини 90-йиллар бошида қўшни Тожикистондаги, Ўзбекистонда эса 1991 йилдаги Наманган воқеалари, 1999 йилда Тошкентдаги портлашлар, 2000–2001 йилларда

[1] Қаранг: *Жўраев Н.* Fоявий иммунитет ёки маънавий ҳалоскорлик туйғуси. – Т., 2001. –54-б.

Афғонистонда яширинган диний экстремистларнинг юртимиз чегараларини бузиши, 2004 йилдаги Тошкент ва Бухородаги портлашлар, 2005 йилдаги Андижон воқеалари исботлади. Бу ҳодисаларнинг сабабини Президент И. А. Каримов шундай тушунтиради: «Биз дастлаб бу одамларни (диний эътиқоди борларни – *Э.А.*) дин йўлида юрган, Худо йўлида холисона ёрдам бераётган кишилар деб қабул қилдик»[1]. Улар диний қадриятлар орқали қонундан ташқари ишларни ҳам амалга ошириш мумкин, диний эътиқодни мажбурлаб сингдириш, дин орқали ҳокимиятни эгаллаш мумкин деб ўйладилар.

Шу ўринда турли экстремистик, террорчи оқимлар нега пайдо бўлади, деган саволнинг қўйилиши, табиий.

Бизнингча, бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

– ислом таълимоти дунёга келганига 14 асрдан ошиб кетди. Ўтган даврда кишилик жамияти улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётга эришдики, бу ўзгаришларни диний нуқтаи назардан исботлаш анча мураккаб;

– аҳолининг аксарият қисми диний нуқтаи назардан саводсиз дейиш мумкин, унинг билим даражаси масжид имоми, баъзида диний ўқув даргоҳларида умуман таълим олмаган қарияларнинг узуқ-юлуқ гаплари билан чегаралганлиги;

– диний оқимлар «Қуръони Карим» оятларини ўзларининг сиёсий мақсадлари, манфаатларидан келиб чиқиб, умумий контекстдан юлиб олиб, талқин қилганликлари;

– диний оқимлар жамиятдаги вақтинчалик қийинчиликлардан ўзларининг кабиҳ ниятларини амалга ошириш учун фойдаланганлик;

- диний оқимлар ўз сафига, биринчи навбатда, ҳали дунёқараши етарли даражада шаклланмаган ёшларни тўплаганлари ва ҳоказо.

Диндан сиёсий мақсадларда, ҳокимиятни қўлга киритиш учун фойдаланиш янгилик эмас. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, XVII асрда Аштархонийлар даврида ислом ақидапарастларининг жамиятдаги тутган ўрни шунчалик кучайиб кетдики, улар нафақат давлат ишларига фаол аралашдилар, балки ҳукмдорларга ўз тазйиқларини ўтказа бошладилар, ҳатто уларнинг

[1] *Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т 9. – Т., 2001. –75-б.

ўзларига ҳам солиқ солиш даражасига бориб етдилар. Натижада Марказлашган давлат таназзулга учради, ўзаро қарама-қаршиликлар кучайди, Марказий Осиё майда давлатларга бўлиниб кетди. Ўзаро урушлар, чет эллар билан алоқаларнинг узилиши, савдо йўлларининг хатарли бўлиши, аста-секин иқтисодни инқирозга, халқнинг қашшоқланишига олиб келди.

Шунинг учун ҳам цивилизациялашган мамлакатларда дин давлатдан ажратилган. Хусусан, ислом динининг аҳкомлари назарда тутилса, у нафақат кишиларнинг одоб-ахлоқига оид ақидаларни белгилаб берган, балки давлатни бошқариш билан боғлиқ нормалар, яъни ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, мулкий ва бошқа муносабатларга аралашиб, ўзининг таъсирини ўтказиб келган. Баъзи исломий сиёсий оқимларнинг исломнинг асосларига қайтиш ҳақидаги асоссиз ғоялари демократик ҳуқуқий давлат барпо қилиш принципларига тўғри келмаслиги аниқ.

Ислом таълимотининг аҳоли маънавий қиёфасини шакллантиришдаги ижобий ролини тан олиш билан бирга, бу ғояни исломий давлат қуриш ғоясидан фарқлаш керак.

Экстремистик кучларнинг даъволари нафақат бугунги кундаги цивилизациянинг талабларига, балки замонавий исломий қарашларга ҳам бутунлай зид.

Биринчидан, бизнинг халқимизнинг руҳиятига мос келадиган суннийликнинг муҳим йўналиши бўлган Ҳанафия мазҳаби бор. Унинг такомиллашувига улкан ҳисса қўшган буюк исломшуносларимиз борки, улар бутун мусулмон дунёсида тан олинган.

Иккинчидан, ислом таълимоти фақат қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, балки у ривожланиб, такомиллашиб, замонавий ўзгариш талабларига жавоб берувчи, қалбни тозалашга кўмаклашувчи маънавий “технологиялар” мажмуидир. Фикримизнинг тасдиғи сифатида битта мисол келтирамиз: жаҳондаги барча мусулмон мамлакатларнинг вакиллари 1981 йилда Парижда ўз конференциясида 22 моддадан иборат Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Декларациясини қабул қилди. Унда тенглик, эркинлик, ҳурфикрлик, муносиб ҳаётнинг таъминланиши, қонун билан ҳимояланиш, виждон эркинлиги ва шунга ўхшаш умумжаҳон инсон ҳуқуқларига мос келадиган ҳуқуқлар ўз аксини топган. Экстремистик гуруҳлар эса

ўзларининг тор манфаатларидан келиб чиқиб, бундай ўзгаришлар билан ҳисоблашмайдилар ва ҳар қандай давлатдаги, умуман жаҳондаги барқарорликка путур етказадилар, бегуноҳ одамлар қонининг тўкилишига сабаб бўладилар[1].

Бугунги кунда ҳам Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, «ислом динининг ичида кескин қарама-қаршилик мавжуд… Динни сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейр ташкил этаётган, ҳалифалик тузишдек хомҳаёлларни амалга оширишга уринаётган қабиҳ кучлар»[2], етарли.

Бу кучларнинг ислом дини орқали «адолат» ўрнатиш ҳақидаги даъволари ҳақиқатан ҳам хомҳаёл, ниқоб. Чунки тарихнинг ғилдирагини орқага қайтариб, демократия ва эркинликлардан баҳраманд инсонни яна ўрта асрлар шароитига қайтариб бўлмайди. Аслида бу даъватларнинг асосида яширинча бошқа мақсадлар ётибди, яъни Афғонистонда етиштирилаётган наркотик моддаларни Европа ва Америкага етказиш учун Марказий Осиёда қайсидир маънода «йўлаклар» очиш ёхуд қайсидир халқаро экстремистик кучларнинг буюртмаларини бажариш, буюк давлатларнинг геосиёсий манфаатларига хизмат қилишдир.

Юқоридаги салбий ҳодисаларнинг юз бериши «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг (1998 йил 1 май) янги таҳririни ишлаб чиқишни тақозо қилди[3].

Унга кўра, қуйидагилар белгилаб қўйилди:

– бирон динга эътиқод қилиш ёки қилмасликка мажбурлаш тақиқланади;

– вояга етмаган болаларни ота-оналарининг ихтиёрисиз диний ташкилотларга жалб қилишга йўл қўйилмайди;

– диний моҳиятдаги партиялар тузишга йўл қўйилмайди;

– диний ташкилотлар амалдаги қонун талабларига риоя этишлари шарт;

– расмий ҳужжатларда фуқароларнинг динга муносабати кўрсатилмайди;

---

[1] *Раҳмонов А.Р.* Исломское право. – Т., 2003. –С. 355–356.
[2] *Каримов И. А.* Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., 2005. –64–65-б.
[3] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” қонуни (янги таҳрир) // Халқ сўзи. –1998. –15 май.

– давлат диний ташкилотларга ўзининг ҳеч қандай вазифасини юкламайди;

– терроризм, наркобизнес, жиноятчиликка кўмаклашадиган диний ташкилотлар ман қилинади;

– яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади ва ҳоказо.

Ўйлаймизки, қонун, бир томондан виждон эркинлиги учун кенг имкониятлар яратди, иккинчи томондан диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга чек қўяди.

Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилади. Ислом таълимоти уларнинг нафақат эътиқоди, балки турмуш тарзига айланган. Шунинг учун исломнинг камситилиши, унга тазйиқ ўтказилиши диндорлар томонидан уларнинг шахсий эркинликлари поймол қилиниши сифатида қаралиши мумкинлигини унутмаслик керак. Айниқса, ички ишлар органларининг ходимлари Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қурилаётганлиги ҳақидаги ҳақиқат билан ҳисоблашишлари, яъни диндорлар давлатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари эканлиги, виждон эркинлиги, қайси динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик қонун билан кафолатланганлигини унутмасликлари керак. Шунинг билан бирга, давлат белгилаб берган нормалар доирасида ҳаракат қилиб, диндорлар томонидан қонунларнинг бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари лозим.

Диний қадриятлар эса юксак маънавиятни шакллантиришга хизмат қилмоғи керак.

Баркамол шахсни шакллантириш – демократик жамият мезони

Ўзбекистонда жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларни самарали амалга ошириш, халқнинг фаровонлигини таъминлаш, демократия ва бозор шароити талабларига тўла жавоб берадиган, юксак маънавиятли шахсни шакллантириш билан боғлиқ.

Бу борада таълим тизимининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини исботлашга ҳожати йўқ. Чунки, биринчидан, ёшлар анча таъсирчан бўлади ва улар онгига ахлоқий нормаларни сингдириш самаралироқ кечади. Иккинчидан, агар боғча тарбияси ҳам назарда тутилса, келажак авлод таълим муассасаларида 20-25 йиллар

давомида таҳсил олади. Ушбу жараёнда мақсадли ва илмий жиҳатдан асосланган методлар қўлланса, ёшлар маънавиятини ҳар томонлама юксак даражага кўтариш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, яъни 1991–1997 йилларда таълим тизимини такомиллаштириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, олий ўқув юртлари қошида лицейлар очилди, мактаб ўқувчилари моддий ва маънавий рағбатлантирилди, бозор муносабатлари талабларига мос мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишда тест усули жорий қилинди, кадрлар тайёрлашга чет эллик мутахассислар жалб этилди, ёшларнинг чет элда таҳсил олиши ташкил қилинди ва бошқа бир қанча тадбирлар амалга оширилди[1]. Шундай бўлишига қарамай, Президент И. А. Каримов таъкидлашича: «Шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ҳамда сарқитлардан ҳали-бери тўлиқ қутулганимиз йўқ.

Иккинчидан, барча амалдаги ўзгаришлар ва тадбирлар, асосан юзаки бўлиб, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммоларини ечиб берган эмас.

Учинчидан, бизнинг амалдаги таълим-тарбия тизимимиз бугунги замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслиги кўп жойларда яққол кўринмоқда»[2]. Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф қилиш, таълим-тарбия тизимини бозор муносабатлари талабларига мослаш, советлар даврида инкор этилган миллий, маънавий қадриятларни таълим тизимига уйғунлаштириш, кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим тизимини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида юксак маънавиятни шакллантиришга йўналтириш мақсадида 1997 йилда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва у асосида «Таълим тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принципларини белгилаб берди. Улар қуйидагилар:

---

[1]Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т 6. – Т., 1998. –326–330-б.
[2]Ўша жойда. –327–328-б.

– таълимнинг устуворлиги – унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

– таълимнинг демократлашуви – таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

– таълимнинг инсонпарварлашуви – инсон қобилиятларининг очилиши ва таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларнинг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

– таълимнинг ижтимоийлашуви – таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

– таълимнинг миллий йўналтирилганлиги – таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш;

– таълим-тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

– иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш[1].

Санаб ўтилган принциплардан кўриниб турибдики, сўз фақат таълим тизимининг ёшларга билим бериш самарасини ошириш, уларнинг илм-фаннинг дунё миқёсида қўлга киритилган ютуқлари билан таништиришгина эмас, балки баркамол авлодни тарбиялашда масъулиятни ошириш хусусида кетаяпти, чунки таълим муассасалари ёшларнинг дунёқарашини, маънавиятини шакллантирувчи асосий бўғин ҳисобланади.

[1] Қаранг: Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1998. –43–44-б.

«Таълим тўғрисида»ги (1997йил) қонун таълим тизимининг янги турларини ва бу тизимни ислоҳ қилишнинг босқичларини аниқлаб берди. Қонунга асосан қуйидаги таълим турлари шакллантирилаяпти:

– мактабгача таълим: боғча ва бошқа таълим муассасалари болаларни мактабга ўқишга тайёрлайди;

– умумий ўрта таълим, бошланғич таълим (I–IVсинфлар): умумий ўрта таълим саводхонликни шакллантиради ва таълимнинг навбатдаги босқичига тайёрлайди;

– ўрта махсус (академик лицей), касб-ҳунар (колледж) таълими: биринчиси, ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ўстириш билан шуғулланса, иккинчиси, танлаган касблар бўйича ихтисос олишни таъминлайди;

– олий таълим: бакалавриат ва магистратура – таянч олий ва мутахассислик бўйича олий таълим беришни амалга оширади;

– олий ўқув юртидан кейинги таълим (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик);

– кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

– мактабдан ташқари таълим[1].

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълим тизимидаги ислоҳотларнинг босқичларини ҳам белгилаб берди. Улар уч босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқич (1997–2001 йиллар) – таълим ислоҳ қилинади, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар яратилади, кадрлар билан таъминлаш муаммолари ҳал қилинади, илмий-услубий, ўқув-методик база, моддий-молиявий шарт-шароитлар яратилади ва бошқа ташкилий ишлар олиб борилади. Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001–2005 йиллар) – миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, унга аниқликлар киритиш амалга оширилади.

Учинчи босқич (2005 йил ва ундан кейин) – тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

[1] Қаранг: Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. – Т., 1998. 23-24-б.

истиқболларига мувофиқ, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллашитириш ва янада ривожлантиришга эришилади[1].

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида 1998 йилдан буён 628 та касб-ҳунар коллежлари, 70 та лицей қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1990–2004 йилларда давлат бюджетидан таълим ва фанга ажратиладиган маблағларнинг миқдори 21% дан 35% ошди[2]. Фақат 2004 йилнинг ўзида 28 та мактаб фойдаланишга топширилди, 432 та мактаб капитал, 178 та мактаб жорий таъмирланди, 19748 та ёки ўтган йилга нисбатан 33,7% кўп ўқув жойлари яратилди[3].

Шундай қилиб, баркамол авлодни тарбиялашнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий, ҳам моддий замини яратилди ва у ўзининг амалий самарасини бераяпти.

Шу билан бирга, таълим-тарбия тизими баркамол авлодни тарбиялашдаги барча муаммоларни тўла ҳал қилади деб айта олмаймиз, чунки мажбурий таълим ёшларни тахминан 18–19 ёшгача банд қилади, тарбия жараёни эса умрбод давом этадиган ҳодиса.

Ёш авлод маънавиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг муҳим ўрин тутиши исбот талаб қилинмайдиган аксиомадир. Улар маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёни билан боғлиқ муаммоларни, жамиятдаги турли қарашларни ўзида тезкорлик билан акс эттиради. Холислик ва ҳаққонийлик принципларига таяниб, ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши мумкин. Лекин Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситалари (ОАВ)ни одамлар ўз фикри ва ғояларини содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди»[4].

---

[1] Ўша ерда. – 40–41-б.
[2] Қаранг: Узбекистан 13 лет по пути независимого развития. – Т., 2004. – С.31.
[3] Қаранг: Халқ сўзи. 2005 йил 26 июнь.
[4] *Каримов И. А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., 2005. –52–53-б.

Эркинлик, жумладан оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, моддий жиҳатдан мустақиллигига боғлиқ. Шу муносабат билан Ислом Каримовнинг иккала таклифи муҳим аҳамиятга эга, яъни оммавий ахборот воситаларини қўллаб – қувватлаш бўйича ички ва ташқи, давлат ва нодавлат тижорат тузилмаларининг ҳомийлик маблағларидан ташкил топган мустақил жамоатчилик фондини яратиш, шунингдек давлат телевидениеси негизида теле-радио индустрия бозорига асосланган жамоатчилик телевидениеси каналини босқичма–босқич шакллантириш. Таклифлар амалга оширилиши натижасида оммавий ахборот воситалари ҳақиқий мустақилликка эришади, аста-секин «тўртинчи ҳокимият»га айланади ва аҳолининг турли-туман фикрларини холисона акс эттириш, ҳокимият фаолияти ҳақида танқидий мулоҳазаларни баён қилиш имкониятига эга бўлади. Мустақил оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Баркамол авлодни тарбиялашда «Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати» алоҳида аҳамиятга эга. «Камолот» нодавлат хайрия жамоат бирлашмаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топтириш, уларда чуқур билим, юксак маданиятни ҳосил қилиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини юксалтириш, замонавий ишбилармонлик, тадбиркорлик ва омилкорликни шакллантириш учун шарт-шароит яратиш мақсадида 1996 йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан ташкил қилинган эди. Бу жамғарма Ислом Каримов ташаббуси билан 2001 йилда «Камолот» ижтимоий ҳаракатига айлантирилди. Ҳаракатнинг асосий вазифаси, ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборатдир.

Шундай қилиб, ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг муҳим бир таркибий қисми даражасига кўтарилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Президент Ислом Каримов таъкидлашича: «ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидларига йўл очиб, уларнинг ҳаётий манфаатларини қатъият билан ҳимоя этиши, бошқача айтганда, давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-ташвишларини, орзу-интилишлари ва муам-

моларини эса давлат ташкилотларига етказиб туриши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши зарур»[1]. Амалда ҳам ҳаракат шу даражага кўтарилмоқда.

1994 йилда Республика «Маънавият ва маърифат» Марказининг ташкил қилиниши, 1996 йилда ушбу Марказнинг иши самарасини оширишга доир Президент фармонининг чикиши, 1999 йилда барча маънавий ва маърифий ишларни мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тузилиши ёшларни тарбиялашга ҳар томонлама ёндашиш комил инсонни шакллантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини билдиради.

Баркамол авлодни шакллантириш ёшларнинг интеллектуал қобилиятларини ва маънавиятини юксалтириш билангина чегараланмайди. Бу борада ёшларни соғломлаштириш, жисмоний тарбия, спорт билан шуғуллантириш каби кенг қамровли ишларни ҳам олиб бориш давлат ва турли жамоат ташкилотларининг раҳнамолигида амалга ошириляпти.

Шундай хулоса қилиш мумкинки, маънавий қадриятларга жамиятдаги барқарорлик, тараққиёт ва фаровонликнинг муҳим омили сифатида қаралмоғи лозим. Айни пайтда демократик жамият миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлашуви билан бирга, унинг ташаббускорлик, тадбиркорлик, билимдонлик, масъулиятлилик каби янги жиҳатларини шакллантиришни тақозо қилади.

Ислом таълимоти фуқаролар маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши билан бир қаторда, ундан сиёсий мақсадларда фойдаланиш, салбий оқибатларга олиб келишига тарих гувоҳлик беради. Шунинг учун барча дунёвий давлатларда диний ташкилотлар давлатдан ажралган ҳолда фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

Мафкуравий жараёнлар глобаллашиб бораётган бир даврда баркамол авлодни шакллантириш демократик жамият қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу сабабли бу муҳим иш давлат сиёсати даражасига кўтарилганда ижобий натижага эришиш мумкин.

---

[1] *Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т 9. – Т., 2000. –217–218-б.

ФУҚАРО ЭРКИНЛИГИ ВА ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ОМИЛИ

“Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги” тушунчаси ва унинг моҳияти

Дунёда шундай қадриятлар борки, улар ҳамма учун бир хил аҳамиятлидир. Бундай қадриятлар чегара билмайди, улар қай йўсинда бўлсада, бутун жаҳонга тарқалади.

Умумий тенглик ғояси ҳам ана шундай қадриятлар қаторига киради. Инсон ҳуқуқига доир муаммолар маҳаллий эмас, балки бутун жаҳон аҳамиятига эга эканлигини тарихнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Француз маърифатпарварларининг одамларнинг умумий тенглиги тўғрисидаги ғояси акс этган халқаро ҳужжатлар бунинг исботи.

Ана шундай ҳужжатлардан бири 1776 йилда АҚШ Мустақиллик декларацияси (декларация лот. declaratio – баёнот, эълон) – бу қонун эмас. Унинг аҳамияти шундаки, у демократияга асос бўлувчи ғоялар, тамойилларни тантанали эълон қилади. Бу ғояларнинг жамиятга ғоявий таъсир кучи қанчалик қудратли эканлигини тарихнинг ўзи кўрсатиб турибди. Декларациядаги қоидаларнинг маънавий таъсири қанчалик кучли бўлмасин, улар мажбурий эмас, балки тавсиявий тусга эга. Аммо унинг ғоялари давлатларнинг конституциявий ҳужжатларида ёки халқаро конвенцияларида мужассамлашган. Улар риоя қилиниши мажбурий бўлган қоидалар бўлиб, улар тарихда биринчи марта инсоннинг ҳеч ким дахл қилолмайдиган *яшаш, эркинлик ва бахтга эга бўлиш* ҳуқуқини амалга оширишдаги тенглиги эълон қилинди.

Буюк Француз революцияси натижасида 1789 йил августда (20-26) Франция Таъсис мажлисида «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси» қабул қилинди.

Тарихда умумий тенглик ва фуқаро эркинлиги ғояси бутун жаҳон аҳамиятига эга эканлигини тасдиқловчи ҳодисалар кўп. Бундай ҳодисалардан бири қулчиликнинг ўта оғир шакли мавжуд бўлган Франция қироллигининг денгиз ор-

тидаги ҳудудларидан бири Сан-Доминго оролидаги (ҳозирги Гаити Республикаси) қулларнинг инқилобий чиқишлари эди.

Муҳими шундаки, қуллар ўзларининг мардона курашлари билан Сан-Домингода қулчиликни бекор қилиш тўғрисидаги биринчи қонун ҳужжатларининг қабул қилинишига эришдилар. 1794 йил 4 февралда машҳур Конвент Декрети бу қонунни ратификация қилиб, унинг таъсирини Франциянинг бошқа мустамлакаларига жорий қилди, ҳолос.

Инсон – ижтимоий мавжудот, у муайян ижтимоий муҳитда яшайди, оиласи, меҳнат жамоасининг аъзоси, маълум ижтимоий гуруҳ, миллатнинг вакили ҳисобланади. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши шахс эркинликлари ва фаоллигининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Эркинлик шахсга хос хусусиятдир. Жамият қанчалик юқори даражада ривожланган бўлса, шахснинг эркинлиги ва фаоллиги ҳам шунчалик тўлиқ, кенг бўлади. Собиқ Совет Иттифоқи даврида Ўзбекистонда шахснинг эркинлиги ва фаоллиги фақат Конституция ва қонунларда расмий равишда ёзилган бўлиб, амалда эса шахс бундай эркинликдан фойдалана олмас эди.

Шахс билан жамият, давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шахснинг эркинликлари ва фаоллиги тўғрисидаги муаммо энг мураккаб ижтимоий масалалардан биридир. Буюк мутафаккир Фирдавсийнинг фикрича, барча нарсанинг ижодкори фақатгина инсондир. У шундай ёзади:

Инсондан яхшилик, нур ва равшанлик,
Инсонсиз дунёда йўқ фаровонлик.

Инсон жамоа таъсирида ўз шахсиятини, эркинликларини ва фаоллигини шакллантира боради, яъни ижтимоий муносабатларда иштирок этади, мехнат қилади, маданий бойликлар яратади ва ҳоказо. Шахснинг инсон сифатида жамиятда тутган ўрни, эркинлиги ва фаоллиги, инсоний хислатлари, қадриятлари ҳақида жуда қадимдан буюк мутафаккирлар, алломалар ва донишмандлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирганлар. Улар инсоннинг дунёда чексиз ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ эканлигини ёқлаб чиққанлар. Масалан, Форобийнинг фикрича, жамиятда яшовчи шахсларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг эркинликлари ва фаоллиги,

ижтимоий фаолиятлари, жамиятнинг ўзгариши, ривожланиши, бахт-саодатга эришиши унга аъзо бўлган инсонларга боғлиқдир. Кишилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам инсонлар жамоасини келтириб чиқаради. Дарҳақиқат, дунёда кишилар бир-бирига ёрдам берсалар, уларнинг эркинликлари ва фаоллиги таъминланса, бу жамиятда улар бахт-саодатга эришадилар.

Фуқаро эркинлиги, фаоллиги ва инсон ҳуқуқлари шак-шубҳасиз, зеро, одамлар қайси динга эътиқод қилишларидан қатьи назар, доимо ва ҳамма ерда ҳам эркинликларини давлатдан инъом тариқасида оладилар, деб ҳисоблаш энг катта хатодир. Асло бундай бўлиши мумкин эмас, чунки ҳуқуқ ва эркинликлар инсон табиатининг ўзидан келиб чиқади, улар инсонга табиий хосдир.

Ҳуқуқсиз инсон эрксиз меҳнат қилишга маҳкумдир, у ўз истеъдод ва қобилиятини ривожлантириш имкониятларидан маҳрум, эркинлик бўлмаса, инсон муносиб ҳаёт кечира олмайди. Таҳқирланмаган, ҳуқуқсиз инсон мустабид, тажовузкор кучлар қўлида итоаткор қуролга айланади. Шунинг учун ҳам инсоннинг табиий ҳуқуқ ва эркинликларини унга бириктириб қўювчи қонунлар жуда аҳамиятлидир.

Фуқароларнинг фаоллигини қонун билан мустаҳкамлаш давлатни ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари учун зарур шароитларни яратишга мажбур қилади. Давлат ўз ижтимоий табиатига кўра инсон фаровонлигига хизмат қилишга даъват этилган.

Айнан мана шу принциплар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асос қилиб олинган бўлиб, унда фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, уларнинг тенг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг манфаатларига путур етказилишига йўл қўйилмаслиги мустаҳкамланган.

Инсон фақат биологик мавжудот эмас. У жамиятда яшар экан, маълум ижтимоий муҳит, ҳаётий шароитлар таъсирида бўлар экан, жамият билан хилма-хил алоқалар ва муносабатларда бўладиган шахс сифатида шаклланади.

Фуқаро сифатида инсон билан давлат ўртасида бошқача муносабатлар шаклланади. Фуқаро давлат олдида қонун билан белгиланган мажбуриятларини бажара-

ди. У фуқаро сифатида конституциявий ҳуқуқларга эга бўлиб, буларнинг амалга ошиши учун давлат зарур шарт-шароитларни таъминлашга мажбурдир.

Демократияга асосланган жамиятда фуқаро ва давлат ўзаро ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга бўлади.

Ислом Каримов демократик жамият қуришда инсон эркинлиги ва фаолиятини таъминлаш тўғрисида

Давлат демократия шароитида ижтимоий
қарама-қаршиликларни зўравонлик ва бостириш
йўли билан эмас, балки ижтимоий келишиш
йўли билан ҳал этиш воситасига айланмоқда.
И. А. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ўзининг асарларида демократик жамият қуришда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш тўғрисида салмоқли фикрларни ифода этган.

Шу борада 2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида» фармонларнинг эълон қилинишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Биз тараққий топган демократик мамлакатлардаги каби эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, демократик жамият қуришда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва фаоллигини таъминлашни ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга эришиш учун Америка Қўшма Штатлари, Европа ва Осиёдаги энг ривожланган давлатлардаги каби андоза ва меъёрларга чикишимиз зарур.

Мамлакат бу йўлда бирмунча салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо барча учун аён бўлиши керакки, эришган натижа ва марралар олдига қўйган буюк мақсадларга етиш йўлида маълум бир бўғин ва босқични ташкил қилади, ҳолос. Бугунги кундаги муҳим вазифамиз — ўтган давр мобайнида эришилган натижаларни яна бир бор танқидий ҳамда холисона баҳолаш ва амалий хулосалар чиқариш.

Бизнинг вазифамиз мамлакат ва жамиятни эркинлаштириш, демократик жамият қуришда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказишдир.

Ҳаммамизга аёнки, демократик жамият қуришда инсон эркинлиги ва фаолиятини таъминлашга қаратилган йўналишлар ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ, кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг фикрича, биз демократик жамият қуришда аллақачон инсон эркинлиги ва фаолиятини таъминлаш йўлидан бормоқдамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ, мамлакат бюджети даромадининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда. Шу тариқа давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар билан боғлиқ, каттагина қисми ҳудудлар томонидан назорат қилинмоқда.

Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамлар ҳудудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди. Ҳеч шубҳасиз, бу жараёнлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши, самарали усуллар ва шаклларга эга бўлиб бориши зарур.

Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш, демократик жамият қуришда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва фаоллигини таъминлашнинг энг муҳим устувор йўналиши — бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, сўз ва матбуот эркинлиги, шунингдек ошкоралик, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик принципларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо

этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур. Қисқа қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари том маънода тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилмоғи лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, бу йўналишда кўп ишлар қилинмоқда, лекин уларни ҳали олдимизда турган, қилиниши лозим бўлган ишлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид баъзи бир масалалар ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлаймиз. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлашича, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узоқ вақтлар давомида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли уларнинг ҳали-бери бу ҳолатдан чикиши, аввало, психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечмоқда. Шу сабабли улар ўзи учун янги бўлган ҳозирги вазиятда баъзан ҳали ҳам нима қилиш ёки нима қилмаслик ҳақида юқоридан кўрсатма кутиб ўтиргандек кўринади.

Мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, демократик жамият қуришда инсон эркинлиги ва фаолиятини таъминлаш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир.

Мустақиллик биз учун муқаддас маънавий қадриятлар, миллий анъаналарга таянган ва садоқат руҳида яшаш, ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш демакдир.

Айни вақтда мустақиллик биздан зиммамизга олган халқаро мажбуриятларни бажаришни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг талаблари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига қатъи амал қилиб яшаш масъулиятини юклайди.

Аввало, демократик жамият қуришда инсон эркинлиги ва фаолиятини таъминлаш – суд ҳокимияти, суд органлари мустақил бўлиб, ҳаммага бирдек кўз билан қараши – у оддий фуқароми, мансабдор ёки амалдорми – ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун устуворлигининг таъминланишига эришишдир. Бу талаб, аввало, маъмурий идоралар, қонунни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотларга тегишлидир.

Энг муҳими — халқимиз ўзининг сабру матонатини, донишмандлигу бағрикенглигини, мехнатсеварлик фазилати ва бунёдкорлик кудратини, белгиланган мақсад сари аввало ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда, қатъият билан боришга қодир эканини бутун дунёга намоён этди.

Бугун олдимизда юксак демократик жамият қуришда инсон эркинлиги ва фаолиятини таъминлаш бўйича эгалланиши лозим бўлган бир қанча марралар турибди.

Юқорида зикр этилган муҳим вазифалар, принцип ва устувор йўналишлар, очиқ айтиш керакки, жамоатчилигимиз, халқимиз учун янгилик эмас. Бу вазифаларни амалга оширишни мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ва бозор ислоҳотларини мантиқий ва изчил давом эттириш зарурати тақозо этмоқда. Бу йўналишларни бир-бири билан узвий боғлиқ, бўлган, ягона тизим сифатида ифода этилган мақсад ва вазифалар дастури деб қабул қилсак, асло хато бўлмайди.

Қонун устуворлиги, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди. Бу принциплар Конституциямизда аниқ белгилаб қўйилган, аммо яширишнинг ҳожати йўқ, улар амалда ҳозирча ўзининг тўлиқ, ижросини топмоқда, дея олмаймиз. Бунинг муҳим сабабларидан бири суд ҳокимиятининг етарли даражада самарали фаолият юрита олмаётгани билан боғлиқ,.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда юридик ҳуқуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини такомиллаштириш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиб, демократик жамият қуришда инсон эркинлиги ва фаолиятини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича миллий мониторинг тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, нафақат қонунчилик, балки қонунларни амалиётда қўллаш, жазо тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш борасида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилди.

Суд ҳуқуқ, тизимини ислох, қилишга қаратилган чора-тадбирлар, жумладан, судлар, прокуратура, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштириш муносабати билан қатор кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш одил судловнинг сифатини ошириш ва ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришни таъминламоқда.

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ва интилишларига жавоб берадиган, эртага ўрнимизга келадиган авлодларга улкан имконият ва истиқболлар эшикларини очадиган ҳаётга қадам қўйдик.

Таъбир жоиз бўлса, жамоатчилик фикри — фуқаролик жамиятининг ҳолатини бамисоли ўзида аниқ акс эттирадиган бир кўзгу. Лекин бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини, бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиб улгурмаганини таассуф билан қайд этишимиз лозим.

Жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, демократик жамият қуриш инсон эркинлиги ва фаолиятини таъминлаш ҳамда аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этишга боғлиқ.

Айнан мустақиллик даврида ҳар томонлама ўзини оқлаган, тобора ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи бизнинг доимий эътиборимизда туриши лозим.

Одамларимиз учун муқаддас бўлган маънавий ва диний қадриятларни тиклаш, кўп асрлик урф-одатларимиз ва анъаналаримизга таяниб иш кўрганимиз қаддимизни ростлаш имконини берди, мамлакатимизни парокандалик ва бошбошдоқлик, халқимиз табиатига ёт бўлган экстремизм ва ақидапарастлик ботқоғига ботиб кетиш хавфидан сақлаб қолди.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ, эски, қотиб қолган мафкуравий ақидалардан воз кечишга, маънавий янгиланишга, одамларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол

ғояси принципларини сингдиришга йўналтирилган аниқ сиёсат олиб борилди. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизнинг тафаккурини ўзгартиришда, ислоҳотларни жорий этишда янгича ёндашувларни шакллантириш, жамиятимизда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва конфессиялар ўртасида муроса муҳитини мустаҳкамлашда сезиларли таъсир кўрсатди.

Ҳар қайси инсон ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашиши лозим. Ҳар қандай одам онгида "имон", "эътиқод" шунчаки ҳавойи сўзлар эмас, аксинча, уни доимо қийнайдиган, виждонини ўйғотадиган чуқур тушунчалар бўлса, бундай фуқаро атрофдаги одамлар, маҳалла-кўй, эл-юрт ташвиши билан яшайди.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони — бундай фикрловчи ва ҳаёт кечирувчи одамлар, ёшлар жамиятимизда ўз ўринларини топишлари зарурлигини давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда инсон эркинлиги ва фаолиятини оширишга доир кафолатлар, амалий чоралар

Совет Иттифоқининг тезкорлик билан парчаланиб кетиши ана шундай шиддат билан собиқ совет республикаларининг суверенлашувига олиб келди.

Мустабид, ўта марказлашган сиёсий тизимдаги Совет Иттифоқи давр синовларига дош беролмади. Иттифоқнинг парчаланиши оқибатида Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритди.

Республика ўз ривожланиш йўлини танлаб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлатни барпо этишга интилиб, мустақилликни конституциявий асосда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун ўз Асосий қонунини яратишга қарор қилди.

Ўзбекистон аҳолиси мустабид тузум негизларидан воз кечиб, ривожланишнинг ҳуқуқий давлат барпо қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ демократик йўлини танлади.

Демократлаштириш жараёни давлат ҳокимиятиниг шундай ташкил этилишини назарда тутадики, у ҳокимият барча бўғинларининг уйғун фаолияти билан аж-

ралиб туради. Қонуннинг устунлиги, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини ҳал этишдаги фаол иштирок этишлари уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини таъминлайди.

Маълумки, инсон фикр юритувчи мавжудоддир, унинг эркинлиги ва фаолиятини ошириш бўйича кафолатлар, амалий чоралар Ўзбекистон Республикаси қонунунчилигида ўз аксини топган. Шунинг учун атрофдагилар билан ўз фикрлар юзасидан ўртоқлашиб, мулоқотда бўлишдек табиий эҳтиёж инсон табиатига хос хусусиятдир. Одамларнинг турлича фикр юритишлари табиий ҳол. Бироқ ҳокимият томонидан келиб чиқадиган ҳар хил турдаги тақиқлар ва чеклашлар инсоннинг ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқини бўғади ёки ундан буткул маҳрум қилади. Намойишлар, кўчада тинч юришларни ташкил этишни ҳуқуқий тақиқлаш инсонни ўз фикрларини эркин ифодалашдан маҳрум қилмайдими? Цензура тўғрисидаги қонун инсоннинг, у қайси касб эгаси бўлишидан қатьи назар, ижодий тафаккури устидан назорат ўрнатилишини англатмайдими?

Эркинликнинг ҳар бир тури бошқа турининг асосида ётади. Эркинликнинг барча турлари ҳар қандай ҳолатда ҳам бир-бири билан ўзаро боғланган, шунинг учун улардан бирортасини чеклаш бошқасини ҳам чеклашга олиб келади. Агар инсон сўз эркинлигидан ҳамда эркин фаолиятини юритишдан маҳрум этилиб, тилсиз, итоаткор мавжудодга айлантирилса, шахсий эркинлик тўғрисида гап бўлиши мумкинми? 1789 йилдаги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясида сўз эркинлиги ҳуқуқи «инсоннинг энг қимматли ҳуқуқларидан бири» деб белгиланганги асоссиз эмас.

Фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий мустаҳкамланиши бекиёс аҳамиятга эгадир. Аммо уларни амалга оширишнинг кафолатланган имкониятлари бўлмаганда эди, улар қуруқ гаплигича қолиб кетаверган бўларди.

Ўзбекистонда инсон эркинлиги ва фаолиятини ошириш бўйича кўплаб кафолатлар миллий ва халқаро қонунчиликда ўз аксини топган. Бу борада шундай савол туғилиши мумкин: Ўзбекистонда инсон эркинлиги ва фаолиятини оширишга доир қандай кафолатлар белгиланган?

Ўзбекистонда инсон эркинлиги ва фаолиятини ошириш бўйича қуйидаги кафолатлар мавжуд:

– фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини давлатнинг ўзи таъминлаши;

– мустасносиз ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқининг белгиланганлиги;

– ҳар бир киши давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиши мумкинлиги;

– вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг барча ҳуқуқлари давлат ҳимоясидалиги;

– хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуққа эгалилиги.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида инсон эркинлиги ва фаолиятини ошириш бўйича кафолатларни таъминлаш учун ташкил этилган омбудсман институтлари мавжуд. Бундай лавозим илк марта Швецияда XIII асрда пайдо бўлган. Фақат XX асрга келиб у бошқа мамлакатларда ҳам ривожлана бошлади.

Айрим мамлакатларда «Халқ ҳуқуқий ҳимояси», бошқасида “Фуқаро ҳуқуқлари бўйича вакил”, баъзиларида «Маъмурий ишлар бўйича парламент комиссари» деб аталади.

1995 йил 23 февралда Олий Мажлиснинг махсус қарори билан Ўзбекистон Республикасида ҳам парламентнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили лавозими ташкил этилди. Бу лавозимнинг жорий этилиши инсон энг олий қадрият сифатида, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тан олинадиган ҳуқуқий давлатни бунёд этиш ҳамда инсонларни эркинлиги ва фаолиятини оширишда муҳим ҳодиса ҳисобланади. 1997 йилнинг 24 апрелида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун қабул қилинди.

Ҳозирги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг барча давлатларида инсон эркинлиги ва фаолиятини ошириш энг долзарб вазифа бўлиб турибди. Ушбу вазифанинг ҳал этилишига бир қатор муаммолар кўндаланг бўлиб турибди, улардан энг асосийси бу одамларнинг саводли бўлиши. Маълумки, айни кунда

инсонга оддий саводли бўлиш: ўқиш, ёзиш, ҳисоблашни билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Унинг олдида узлуксиз мустақил ўқиш, ўз билимларини бойитиш ва чуқурлаштиришни талаб қиладиган таълим сифати муаммоси туради.

Аммо бу инсоният саводсизликни тугатиш муаммосини ҳал этган деган маънони англатмайди.

Ҳозирги кунда дунёда миллиард нафардан ортиқ киши саводсиз. Статистика ва далилларга эътибор берсак, кўплаб фактларни учратамиз. «Курьер ЮНЕСКО» журналининг маълумотларига кўра, дунёда:

– катта ёшли саводсизлар, яьни 15 ёшдан катталар – 963 млн.;

– болалар, яьни 6 дан 11 ёшгача – 125 млн.;

– ҳар бир учинчи аёл;

– ҳар бир бешинчи эркак – саводсиз[1].

Ҳатто оммавий саводсизлик муаммоси муваффақиятли ҳал этилгандек туюладиган саноати ривожланган мамлакатларда етмишинчи йилларда (иқтисодий таназзул муносабати билан) саводсизлик феномени аниқланган.

Статистика ва далилларга яна бир бор назар ташласак, шундай тенденцияни кузатиш мумкин:

– маълум бўлишича, АҚШдаги саводсизлар 5 дан 25 фоиз атрофида;

– Канадада катта ёшли аҳолининг 25 фоизи савод борасида жиддий муаммоларга эга;

– Францияда – саводсизлар сони 2 дан 8 миллионга етган.[2]

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳар бир мамлакатда ижтимоий ҳаёт ҳуқуқий асосда ривожланади. Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий тизимида кўплаб хилма-хил қонунлар ва қонун асосидаги ҳужжатлар борки, уларда барча учун мажбурий ҳисобланадиган хатти-ҳаракат қоидалари баён этилган. Ўзбекистонда инсон эркинлиги ва фаолиятини ошириш бўйича кафолатлар ва амалий чоралар халқимизни фаровон ҳаётга олиб борувчи ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан биридир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “**Ҳуқуқ ижтимоий**

[1] Курьер ЮНЕСКО. – 1990. №9. – 11-бет.
[2] Ўша жойда

келишув ва тартибга солишга асосланган умумий тартиб-қоидалар йиғиндиси бўлиб, эркинлик, адолат ва ўзаро тенгликни амалга ошириш воситасидир”.

ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган эркин бозорига ўтишнинг ўз йўналиши

Иқтисодиёт ва демократия ўзаро узвий боғлиқдир. Демократияни самарали жорий қилиш иқтисодиётнинг муайян даражада ривожланганлиги билан боғланади, чунки моддий тақчиллик ҳолатидаги аҳолининг онгига зўрма-зўраки демократик қадриятларни сингдириб бўлмайди. Ўз навбатида, демократияга асосланмаган иқтисод ривожланмайди. Ундан ташқари, демократлаштиришга иқтисодиётни ривожлантириб, аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминлашнинг воситаси сифатида қаралмоғли лозим.

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш масаласини таҳлил қилишдан олдин мустақил Ўзбекистонга Собиқ Иттифоқдан қандай иқтисодий мерос қолганлигини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунга Президент И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида аниқ жавоб берган.

Булар:

– мўрт, заиф, бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлигига асосланган хўжалик;

– хом ашёни содда қайта ишлаш, техника ва технологияни четдан келтиришга режалаштирилган ишлаб чиқариш;

– республика ёқилғи, ғалла, шакар, гўшт-сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича бошқа минтақаларга қарам бўлиб қолган эди;

– республикада оғир экологик вазият вужудга келган эди;

– ишлаб чиқаришнинг самараси паст, боқимандалик ҳукмрон эди.

Бу ҳолатнинг бош сабаби Собиқ Иттифоқда ҳукмрон бўлган маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган иқтисодий бошқарувнинг самарасиз эканлигидир. Унинг бош сабаби эса коммунистик партиянинг хўжаликни бошқаришда

иқтисодиётнинг ички ривожлантириш қонуниятларини инкор этганлиги, унинг сиёсий мақсадларга бўйсундирилганлиги эканлигини исботлашга ҳожат йўқ.

Аксинча, бозор муносабатларига асосланган ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти нафақат моддий бойликлар яратиш, балки ўз халқи турмуш даражасини кўтариш, унинг истеъмол эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича ҳам бир қанча муваффақиятларни қўлга киритди, жамиятнинг барқарор ривожланишига эришди.

Муваффақиятларнинг негизида ишлаб чиқарувчиларнинг эркин рақобати, истеъмолчиларнинг талабларига доимо мослашиб бориш, иқтисодий ҳуқуқларнинг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши каби бир қанча демократик принциплар ётади. Иқтисодни ривожлантиришга қаратилган бундай шарт-шароитлар Ўзбекистон аҳолисининг анъаналарига ҳам мос келади.

Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино шундай ёзган эди: «Одамларнинг мулкий тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқлари, инсон ижтимоий фаолиятининг сабабидир»[1]. Бошқачароқ айтганда, инсон иқтисодий эркинлиги уни ўзининг моддий аҳволини яхшилаш учун интилишига йўл очиб беради.

Лекин бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон учун маъқул бўладиган тайёр андозаси йўқ. Бунда албатта, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишгина ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

Ҳозиргача мавжуд бўлган жаҳон тажрибасига мурожаат қилинса, бозор муносабатларининг турли шаклга эга эканлигини кўриш мумкин:

а) «Америкача андоза» – эркин бозор муносабатлари муҳим роль ўйнайди;

б) «япон» ва «француз» андозаларида хўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлатнинг иштироки салмоқли;

в) «немис» ва «швед» андозаларида ижтимоий йўналишга жуда катта эътибор берилган.

Бошқа мамлакатларда ўзига хос баъзи томонларига эга бўлишидан қатъи назар юқоридаги уч йўналишни у ёки бу тарзда такрорлайди. Хусусан, Хитой раҳбарияти социализм ғояси асосида мамлакатни ривожлантириш тўғрисида сўз

[1] Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихи. – Т., 1995. – 68-б.

юритишига қарамасдан, иқтисоднинг жуда кўп тармоқлари бозор муносабатлари асосида ташкил қилинган.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор муносабатларига ўтишнинг икки кўриниши мавжуд:

а) *революцион йўл* – жадаллик, стихияли, бошқачароқ айтганда, «шоковая терапия» (айниқса, Польша ва қисман Россия мисолида намоён бўлди) орқали ўтиш. Бунда жамиятни ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин;

б) *эволюцион йўл* – эски иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич бозор шароитига мослаш. Асосий эътибор аҳолининг ижтимоий ҳолатини эътиборга олиш, унинг қашшоқланишига йўл қўймаслик.

Демак, Ўзбекистоннинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, фаровонлигини таъминлашнинг яккаю ягона йўли бошқариладиган, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари билан боғлиқлиги илмий жиҳатдан исботланди. Лекин бозор муносабатларини жорий қилиш бирқанча мураккабликлар билан боғлиқ. Биринчи навбатда, республиканинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш ва ҳисобга олиш лозим.

Улар Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» ва бошқа бир қанча асарларида кўрсатиб ўтилади. Улар қуйидагилар:

– *республикадаги демографик вазият*: аҳолининг табиий ўсишининг юқори даражадалиги, иш жойлари билан таъминлаш, меграциянинг деярли йўқлиги, саноат ишлаб чиқаришини қишлоққа яқинлаштириш каби муаммоларни келтириб чиқаради;

– *республиканинг географик жойлашуви*: Шарқ билан Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлининг чорраҳаси, қўшни мамлакатларнинг ўрасида жойлашганлиги бир мунча қулайликлар туғдирса, жаҳон портларидан йироқлиги бирмунча муаммолар туғдиради;

– *республиканинг табиий иқлимий шароити:* техник ўсимликлар (пахта, каноп), озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга қулай, лекин суғориладиган ерлар ва сув танқислиги қўшимча қийинчилиикларни вужудга келтиради;

– *фойдали қазилмалар заҳиралари бўйича имкониятлар:* олтин, мис, газ, нефть етарли даражада, аммо темир, кўмир ёғоч ва бошқа бир қанча хом ашёлар етишмайди;

– *аҳолининг руҳияти билан боғлиқ бўлган, омиллар*: собиқ Иттифоқ даврида шаклланган боқимандалик руҳияти фуқароларнинг ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишига тўсиқ бўлади.

Жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларининг инобатга олиниши республиканинг бозор муносабатлари йўналишини, ишлаб чиқаришни тақозо қилди. Бу йўлнинг асосий принциплари Президент И. А. Каримовнинг асарларида ўз аксини топди ва кейинчалик «Ўзбек модели» деб номланди:

1. Иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги – иқтисоднинг ривожланиши унинг ўзига хос ички қонуниятларига асосланиши, сиёсат ва мафкурага тобе бўлмаслиги.

2. Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши – чунки бошқариладиган бозор ҳуқуқий базаси механизми, структураси давлат томонидан яратилади, унинг мувофиқлаштирилиши сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаб қолишнинг бош омилидир.

3. Конституция ва бошқа қонунларга риоя этишнинг устувор бўлиши – иқтисодий ислоҳотлар қонун асосида амалга оширилиши таъминланиши лозим.

4. Кучли ижтимоий сиёсат – умуман бозор эмас, балки ижтимоий йўналтирилган бозор яратиш керак, истемолчиларнинг манфаатлари устуворлиги таъминланиши керак.

5. Бозор муносабатларига эволюцион йўл билан босқичма-босқич ўтишни таъминлаш – ижтимоий ларзасиз, чуқур илмий асосланган тадбирлар орқали.

Ишлаб чиқилган принципларнинг мақсади ва моҳиятини ислоҳотларни тартибли олиб бориш, суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик, аҳолининг моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш орқали жамиятда сиёсий барқарорликни таъминлаш ташкил қилади.

Бозор муносабатлари муайян шарт-шароитларни талаб қилади.

Жумладан:

– иқтисодий фаолият эркинлиги;

– мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги;

– нарх-навонинг эркинлиги;

– иқтисодиётнинг антимонополистик характери ёки ўзаро рақобатга асосланганлиги;

– соғлом пул муомаласи;

– жисмоний ва юридик шахсларнинг тенг имкониятга эга бўлиши;

– бозор инфраструктурасининг мавжудлиги ва бошқалар.

Бу шарт-шароитларни яратиш учун кенг ислоҳотлар амалга оширилди.

Ислоҳотларнинг *биринчи йўналиши* бу бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратиш билан боғлиқ. Табиийки, эски маъмурий буйруқбозлик тизимига хизмат қилган қонунларнинг биронтаси янги шароитда ишламайди. Шунинг учун айнан бозор муносабатларига хизмат қиладиган қонунлар тизими яратилиши лозим. Улар ўзи бўларчиликка, бошбошдоқликка, ҳаддан ошишларга йўл қўймаслик учун зарур.

Бозор муносабатларининг умумий талаблари асосий қонун – Конституцияда зикр қилинган. Масалан, 36-модда: Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

53-модда: Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил қилади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар мухофаза этилишини таъминлайди.

Ҳозирги кунгача иқтисодиётни тартибга солиб туришга қаратилган 100 дан ортиқ қонунлар мажмуаси яратилди. Улар қуйидагилар:

а) *давлат бошқаруви билан боғлиқ:* Ўзбекистон Республикасининг «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида», «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Бюджет тизими тўғрисида», «Стандартлаштириш тўғрисида» ва бошқалар;

б) *мулкчилик билан боғлиқ:* мулк тўғрисида, ер тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ижара тўғрисида ва бошқалар;

в) *хўжалик юритиш тартиби билан боғлиқ:* корхоналар тўғрисида, кооперация тўғрисида, деҳқон хўжалиги тўғрисида, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида ва бошқалар;

г) *ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ:* ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг етакчи халқаро ташкилотлар билан муносабатлари тўғрисида, чет эл инвестициялари тўғрисида ва бошқалар;

д) *ижтимоий кафолатлар билан боғлиқ:* аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида, пенсия тўғрисида ва бошқалар.

Иқтисодий соҳадаги қонунчиликни якунланди деб бўлмайди, чунки жамиятнинг ривожланиши давом этади, иқтисодиёт олдига янги талаблар қўйилади. Уларни ҳал қилиш борасида яна янги қонунлар яратилади, эскилари эса ўз кучини йўқотади.

Иқтисодий фаолиятни тартибга солиб туришга қаратилган қонунчиликни ривожлантириш билан бирга, уларни ижро қилиш механизмини яратиш, моҳиятини ишлаб чиқарувчиларнинг онгига сингдириш ҳам долзарбдир. Шу муносабат билан жадидларнинг ёрқин намояндаларидан бири А. Авлонийнинг бир фикрини эслатиб ўтиш жоиз. Унинг таъкидлашича, Туркистон бойларининг ишлари тўхтаб, синишларининг биринчи сабаби ишларни ахлоқсиз, билимсиз, ялқов кишиларга топширишлари билан биргаликда, ўзларининг замонга мувофиқ тартиб ва низомлардан хабарсизликларидир[1].

Ислоҳотларнинг *иккинчи йўналиши* – бу давлат мулкини хусусийлаштириш, кўп укладли иқтисодиёт ва мулкдорлар синфини шакллантириш. Бу борада: 1992 – 1994 йилларда кичик корхоналарни хусусийлаштирилди, 1995 йилдан бошлаб оммавий хусусийлаштириш амалга оширилди. Натижада 1993 йилда 39,4%, 1994 йилда 57,7%, 1998 йилда 88,2% корхоналар турли шаклларда хусусийлаштирилди.

[1] *Авлоний А.* Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т., 1992. – 26-б.

Хусусийлаштириш жараёнида асосий эътиборни кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 240 мингдан ошиб кетди. Улар ишлаб чиқарилаётган ички ялпи маҳсулотнинг 35%ни ташкил қилади[1].

Амалга оширилган тадбирлар натижасида республикада қуйидаги мулк шакллари қарор топди:

– фуқароларнинг индивидуал (шахсий ва хусусий) мулки;

– жамоа (ширкат) мулки;

– давлат мулки;

– мулкчиликнинг аралаш шакли;

– қўшма корхоналар, хорижий фуқаролар, давлатлар ва хорижий юридик шахсларнинг мулки[2].

Ислоҳотларнинг *учинчи босқичи* бозор инфраструктурасини яратиш билан боғлиқ. Бозор муносабатлари тоталитар тузумда мавжуд бўлмаган структураларнинг яратилишини талаб қилади. Масалан, қайсидир маънода мавжуд бўлган истеъмол товарлари ва хизматлари, ишлаб чиқариш воситалари бозорига қўшимча молия бозори, валюта бозори, интеллектуал товар бозори, шоу-бизнес бозори кабилар яратилиши лозим.

Бозор муносабатларига ўтиш зарурати туфайли бозор инфраструктурасининг биржа, аукционлар, тижорат банклари, суғурта ва молия компаниялари, ахборот тўплаш, тарқатиш бўйича турли ташкилотлар яратилди.

Тўртинчи йўналиш – бу ишлаб чиқаришнинг янги соҳаларини яратиш билан боғлиқ. Мустақиллик йилларида республикада автомобилсозлик, телевизорлар ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш, газдан нефть маҳсулотлари олиш ва бошқа тармоқлар вужудга келади.

Бешинчи йўналиш – Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини кучайтириш, чет эллик инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш, хорижий мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, яъни умуман ол-

---

[1] Узбекистан. 13 лет по пути независимого развития. – Т., 2004. С.–18.

[2] Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси //Ўзбекистон Республикаси фармон ва қонунлари. –Т., 1992.

ганда, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш. Бу борада қабул қилинган бир қанча қонунлар хорижий инвесторларга бирқанча қулайликлар яратди ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлади. Улар жумладан қуйидагилар:

– хорижий инвестициялар мулки мусодара қилинмайди;

– қонуний фаолият билан олинган фойда ва бошқа маблағларни чет эл валютасида чет элга декларация мумкин;

– чет эллик инвесторлар республикада мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга;

– ўз корхоналари маҳсулотларини лицензиясиз экспорт қилишлари мумкин;

– солиқ бўйича бир мунча имтиёзлар белгиланди.

Хуллас, республикада бозор муносабатларига ўтишнинг муайян босқичлари босиб ўтилди ва бирқанча ижобий натижаларга эришилди. Бу эса республика иқтисодини барқарорлаштиришга ва ривожлантиришга олиб келди. Чунки бозор муносабатлари ташаббус ва тадбиркорликни, одамнинг ўз кучи ва салоҳиятига суянишини рағбатлантиради, самарали хўжалик юритишга ўргатади, ишлаб чиқаришни манфаатларга бўйсиндиради. Муқобиллик, рақобат асосида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини тинимсиз ривожлантириш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида кучли омил вазифасини ўтайди.

Мустақиллик йилларидаги натижалар ва иқтисодиётни модернизациялаш шарт-шароитлари

Давлат бошқаруви органлари вазифаларининг тубдан қайта кўриб чиқилиши, эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос, ўз умрини яшаб бўлган ортиқча бўғин ва вазифалар, биринчи галда, тақсимлаш функцияларининг кескин тарзда қисқартирилиши, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасидаги ваколатларнинг аниқ чегаралаб қўйилиши, кенг қўламли хусусийлаштириш ишларининг амалга оширилгани, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги ширкатлари тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликларининг ташкил этилгани, маъмурий ислоҳотлар ўтказилгани юқори иқтисодий натижаларга, бюджет кўрсаткичларининг муваффақиятли бажарилишига ва иқтисодий

ислоҳотларни жадаллаштиришга олиб келди. Бунга қуйидаги кўрсаткичлар далил бўла олади:

– 2001 йил якуни республикадаги ишлаб чиқариш 1991 йил даражасини босиб ўтди;

– 1997 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришнинг сурункасига йиллик ўсиши 4% дан ортиқ бўлиб келаяпти;

– Республикада ғалла, ёқилғи-мой мустақиллигига эришилди;

– ғалла етиштириш 1991 йилга нисбатан 2003 йил якуни бўйича 2,8 марта, нефть маҳсулотлари ва газ ишлаб чиқариш бўйича 2,6 марта ўсди[1].

2004 йилнинг якунлари янада салмоқлироқ натижаларни кўрсатди. Буни И. А. Каримовнинг нутқида келтирилган рақамларда кўриш мумкин. Ўтган йили биринчи маротаба ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 7,7 % ўсди, саноат ишлаб чиқариши 9,4% га, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 10,1% ўсди. 5 миллион тонна бошоқли дон ҳосили, 3,5 миллион тонна пахта етиштирилди. Тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 52% ўсди. Республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш кескин, яъни 1,5 баробар кўпайди. Энг асосийси аҳолининг реал даромади бир йилда 15 %га кўтарилди ва бошқа бир қанча ижобий натижаларга эришилди.

Халқаро ташкилотлар ва халқаро оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишидаги ижобий ўзгаришлар тан олаётгани, 2004 йил якунларига кўра, «Наследия» фонди ва «Уол стрит жорнал» томонидан тайёрланган ҳамда машҳур «Вашингтон таймс» газетасида чоп этилган иқтисодий эркинлик индекси бўйича Ўзбекистонни жаҳондаги сезиларли тараққиётга эришган ўнта давлат қаторига киритиши Республиканинг самарали йўлдан бораётганини тасдиқлайди[2].

Бу ўзгаришларга бозор муносабатларининг натижаси сифатида қаралмоғи лозим. Аммо шу билан барча муаммолар ҳал бўлди деб бўлмайди.

---

[1] Узбекистан. 13 лет по пути независимого развития. –Т., 2004. –С. 18–23.

[2] *Каримов И. А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Халқ сўзи. –2005. – 29 янв.

Қўлга киритилган натижалар республиканинг ўз иқтисодий ривожланишини тўғри танлаганидан далолат беради. Шундай бўлса-да, бугунги кундаги баъзи қийинчиликларни қандай изоҳлаш мумкин? Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор.

Объектив сабаблар қуйидагилар:

1. Бугунги кундаги иқтисодий аҳволи кўпинча собиқ Иттифоқнинг ривожланган даври билан қиёсланади. Бу усул мантиқан хатодир, чунки у 1991 йилда Ўзбекистон муайян мустақилликка эришган вақтда қандай инқирозий меросга эга бўлганлигини акс эттирмайди.

2. Республикадаги собиқ Иттифоқ даврида қурилган йирик саноат корхоналари Россия, Белорусия, Украинадан келтириладиган тайёр аслаҳаларни йиғишга мўлжалланганлиги сабабли юқоридаги давлатлар Иттифоқ тарқаб кетганидан кейин олди-сотдида халқаро стандартларга (эркин алмашувчи валюта ҳисобига) ўтишни талаб қилдилар. Маълумки, Иттифоқдаги валюта Москвада қолиб кетган эди. Натижада гигант корпорациялар ишламай қўйди.

3. Бозор муносабатлари талабларини бир кунда бажариб бўлмайди, бунга вақт керак. Ривожланган Германия, Японияга ўхшаш давлатлар ҳам бундай муаммоларни 10–15 йилда ҳал қилганлар.

4. Республика ҳокимияти бозор муносабатларига ўтиш муаммоларини кўп сарф-харажат талаб қиладиган, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш масалалари билан бирга қўшилиб ҳал қилади.

5. Ҳозирги кунда ривожланган Япония, Германия, Италия каби мамлакатларнинг бозор муносабатлари асосидаги тараққиётида Маршал плани (АҚШ) билан боғлиқ инвестициялар ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ўзбекистон *иқтисодиётига инвестициялар киритишга* ривожланган мамлакатлар, халқаро молия ташкилотлари ишончсизлик, шубҳа билан қарадилар ёки уларни бир қанча, биз қабул қилишимиз мумкин бўлмаган шартлар билан чеклаб қўйдилар. Масалан, озиқ-овқат, истеъмол учун ишлатиладиган саноат маҳсулотлари, энергоресурсларнинг нархини оширишни инвестиция киритишнинг

асосий шарти қилиб белгиланди. Табиийки, республика раҳбарияти аҳолининг манфаатларидан келиб чиқиб, бундай шартларни қабул қила олмас эди.

Бундан ташқари, қийинчиликлар бир қанча субъектив сабаблар билан ҳам изоҳланиши мумкин:

1. Собиқ Иттифоқ даврида 74 йил мобайнида КПСС раҳбарияти аҳолининг моддий тенглигини таъминлаш сиёсатини юргизиши оқибатида боқимандалик руҳияти шаклландики, у ҳамон иқтисодиётни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

2. Шунингдек, советлар даврида меҳнаткашларнинг асосий қисми мулкка эгалик қилиш, ўз меҳнат натижасига масъул бўлиш ҳиссиётларини унутаёзди.

3. Камчиликларнинг бир қисми аҳолининг менталитетига хос бўлган баъзи бир қусурлар билан ҳам боғлиқ. Ортиқча сарф-харажатларга (тўйларда), ҳашамларга (қурилишда) берилиш, кадрлар танлашда қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик ва бошқалар изчиллик билан ривожланишга салбий таъсир кўрсатди.

4. Бугунги раҳбар кадрларнинг аксарияти 40–50 ёш атрофидагилар, яъни улар социализм даврида тарбияланганлар, уларнинг онгида маъмурий-буйруқбозлик тизимининг асоратлари сақланиб қолганлиги туфайли ташаббусга йўл қўймайдилар, бозор муносабатларига буйруқбозлик билан ўтишни ягона тўғри йўл деб ўйлайдилар.

Республика иқтисодиёти натижаларининг таҳлили ислоҳотларнинг янги босқичига ўтишни, яъни уни эркинлаштириш, демократлаштиришни амалга оширишни тақозо қилмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг мазмун-моҳияти Президент И. А. Каримовнинг таъкидлашича: «Иқтисодни эркинлаштиришдаги бош вазифа – энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини – функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборатдир»[1].

[1] *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т., 2000. –337-бет.

Президент иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги (2000 йил 22 январь) нутқида иқтисодни эркинлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Булар:

Биринчидан, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини ошириш, институционал ўзгартиришлар рақобати муҳитини шакллантириши керак, валюта бозорини эркинлаштириш;

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосда амалда мулкдорлар синфини шакллантириш.

Учинчидан, мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш, улар янги технология, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилиши керак.

Тўртинчидан, кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодий тараққиётда устувор мавқени эгаллашига эришиш.

Бешинчидан, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон иқтисодиёти интеграциялашувини таъминлаш.

Олтинчидан, мамлакат иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни изчил давом эттириш[1].

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, модернизация қилиш ҳақида Президент И. А. Каримов Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2005 йил 28 январдаги нутқида алоҳида тўхталиб ўтди. Унда Президент эски маъмурий тақсимот тизими қолипларидан бутунлай воз кечиш, давлатнинг иқтисодга аралашувини янада чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини ривожлантириш йўлидаги мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш зарурлигига эътиборни қаратди.

---

[1] *Каримов И. А*. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т., 2000. –337–341-б.

Энг муҳим вазифа, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялашдан бош мақсад – мамлакат аҳолисининг иш ҳақи ва даромадларини босқичма-босқич ошириб боришни таъминлаш учун шарт-шароитларни яратиш давлатимизнинг кучли ижтимоий сиёсат олиб бораётганлигининг далолатидир.

Шу муносабат билан Президент И. А. Каримовнинг қуйидаги фикри алоҳида аҳамиятга эга: «Лекин шуни унутмаслик керакки, даромадларнинг ўсиши нарх-наволарнинг кўтарилишига, яъни инфляцияга олиб келмаслиги лозим. Бунинг учун пул маблағларини, биринчи навбатда, нақд пулни банк айланмасига жалб этиш бўйича чора-тадбирлар комплекси ва механизмини амалга ошириш зарур. Шу билан бирга, аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматлар ва сервиснинг ҳажми ҳамда турларини кескин кўпайтиришга эришиш лозим»[1].

Иккинчи устувор вазифа – хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш эканлиги муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусий тармоқни ривожлантириш, табиийки, унга давлатнинг муносабатини ўзгартириш билан боғлиқ. Бу вазифани ҳал қилишда муайян чора-тадбирлар белгиланганлигини санаб ўтиш лозим. Булар:

– ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, хусусий тадбиркорларга молиявий ва маъмурий жазони қўллаш фақат суд томонидан белгиланишига ўтиш;

– хўжалик субъектларига қўлланиладиган жазо чораларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, етказилган зарар қопланган ҳолларда эса, ундан воз кечиш;

– хусусий тадбиркорларга молиявий кўмак ва солиққа тортиш борасида қўшимча имтиёзлар яратиш ва бошқа чораларни белгилаш ва ҳ.к.

Шу муносабат билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка нима учун алоҳида эътибор берилаётганлигини тушуниб олиш зарур. Чунки у аҳолининг

[1] *Каримов И. А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиршдир. // Халқ сўзи. – 2005. –29 янв.

истеъмол талабларига тезда мослашиб боради, қўшимча иш жойларини яратишга имкон беради.

Тараққий топган мамлакатларнинг тажрибасига қараганда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50–60% ташкил қилади ва меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 65–70% шу соҳада фаолият кўрсатади. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг бу соҳадаги улуши 35 % атрофида, аҳолини иш билан таъминлаш эса 30 % ташкил қилади.

Айниқса, кичик бизнеснинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги роли бекиёс. Бу борада ҳам Ўзбекистон ривожланган мамлакатлардан сезиларли орқада қолмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши тараққий топган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулот таркибида, масалан, Америка Қўшма Штатларида 80 % га тенг, Буюк Британия, Канада, Францияда 70 % дан зиёд бўлса Ўзбекистонда бу кўрсаткич 40 % ни ташкил этади.

Швеция хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан банд бўлганлар 70 % ни ташкил қилса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 35–40 % дан ошмайди[1]. Келтириган мисоллардан кўриниб турибдики, Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар етарлича.

Президент мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг етакчи ўринни эгаллашини назарда тутиб, бу соҳадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш лозимлигини асослаб берди.

Жумладан:

– зарар билан фаолият кўрсатаётган ширкат хўжаликларини фермер хўжалигига айлантириш;

– ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишларини ошкора, адолатли тарзда ва қатъи танлов, тендер асосида ўтказиш ва бунда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва порахўрлик ҳолларига кескин барҳам бериш;

– фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфраструктурасини шакллантириш;

---

[1] *Каримов И. А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т 12. – Т., 2004. –223–224-б.

- фермерларга бўлғуси ҳосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш ва бошқа вазифаларни ҳал қилиш.

Навбатдаги устувор вазифа сифатида уй-жой – коммунал хўжалигини ислоҳ қилишдир, чунки Президент И. А. Каримов қайд қилишича: «Кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш иши мутлақо қониқарсиз аҳволда. Ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари турар жойлардан фойдаланиш ва сақлашдан мутлақо бехабар бўлган, тасодифий кишиларга топшириб қўйилган».

Бу соҳада айни кунда бир қанча ечилмаган муаммолар борки, уларни санаб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Улар:

– иссиқлик энергияси ва совуқ сув истеъмолини ҳисобга оладиган асбоб-ускуналарнинг етарли эмаслиги;

– тарифларнинг асосиз ўстирилиши аҳолининг қарздорлигини юзага келтираётганлиги;

– уй-жой коммунал хўжалигидан фойдаланиш ва уни сақлаш борасида ҳам бозор механизми амалда шаклланмаганлиги;

– мавжуд муаммоларнинг шошма-шошарлик билан, юзаки ҳал қилиниши аҳолининг жиддий эътирозига сабаб бўлаётганлиги ва ҳоказо.

Ушбу соҳа аҳолининг турмуш шароитига, фаровонлигига ва охир-оқибат мамлакатдаги сиёсий барқарорликка алоқадор эканлигини назарда тутиб, Президент И. А. Каримов қисқа муддатда уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган кенг қўламли дастур тайёрлаш кераклигини таъкидлади.

Қўйилган масалалар қанчалик тўғри бўлмасин, ривожланиш натижасида замон талаблари ҳам ўзгаради, янги муаммолар ҳам келиб чиқади. Мамлакатнинг барқарор ривожланиши унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан ҳам боғлиқ. Бугунги илмий техника тараққиёти иқтисодиётда илгари учрамайдиган жиноятларнинг келиб чикишига сабабчи бўлаяпти. Улар:

– капитал маблағларни суистеъмол қилиш жиноятлари;

– сохта банкротлик;

– эркин рақобат қоидаларининг бузилиши;

– истеъмолчи ҳуқуқининг бузилиши;

– солиқ тўлашдан бош тортиш;

– тижорат соҳасидаги порахўрлик;

– хаккерлик ва бошқалар.

Бу жиноятларнинг олдини олиш мамлакат хавфсизлиги учун муҳимдир. Шундай қилиб, жамиятни демократлаштириш бозор муносабатлари билан узвий боғлиқ. Ўзбекистонда бугун бозор муносабатларининг асоси яратилди, дейиш мумкин. Кун тартибида иқтисодни эркинлаштириш ва демократлаштириш вазифаси турибди. Мустақиллик йилларида қўлга киритилган иқтисодий натижалар танланган йўлнинг илмий асосланганлигидан далолат беради.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

Демократик жамиятда оила институтининг ўрни

Президент Ислом Каримов 2005 йил 29 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма йиғилишидаги маърузасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига алоҳида эътибор берди[1].

Оила кишиларнинг табиий-биологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир. Оила жамият тараққиётининг маълум босқичида вужудга келган. Оиланинг асосий вазифаларидан бири – фарзанд кўриш ва уни тарбиялашдир. Оила муносабатлари эркак ва аёл ўртасидаги ихтиёрий никоҳ Иттифоқи принципларига биноан, ота-она ва болаларни ҳамда бошқа қариндошларни бир-бирига ҳурмати асосида тузилади[2].

Оила аъзолари ҳамда бошқа қариндошлар ўртасидаги шахсий, мулкий ва номулкий муносабатлар, никоҳга кириш ва никоҳнинг бузилиши Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига, қоидаларига биноан амалга оширилади. Ўзбекистон

[1] *Каримов И.А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т., 2005. – 66-б.
[2] Юридик энцеклопедия. –Т., 2001. –656-б.

Республикаси Констутициясининг 63-моддаси оилани жамиятнинг асосий бўғини сифатида белгилайди, жамият ва давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эгалигини эълон қилади[1].

Оила аъзоси эса оилавий муносабатларга асосланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга шахсдир. Оила вужудга келишининг бирдан-бир асоси никоҳ ҳисобланади. У одамзод ҳаётидаги муҳим маънавий кашфиётдир. Уйланиш, муқаддас қўрғонни тиклаш учун биринчи навбатда, севги деб аталган устувор туйғу бўлиши керак. Муҳаббат асосида қурилган никоҳда эр ва хотин бир-бирига борлиғини бахшида этади, уларнинг ҳаётига бошқаларнинг ҳаваси келади, шунингдек оқил фарзандлар дунёга келади.

Оиланинг асоси бўлмиш никоҳ нима? Никоҳ – бу эркак билан аёл ўртасидаги муайян Иттифоқ, унинг жамият, давлат томонидан тан олиниши ва маъқулланишининг тарихий шаклидир. Чунки давлат томонидан оила муносабатларига катта эътибор берилиши бежиз эмас. 2005 йилнинг Ўзбекистон Республикасида «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги қарорида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат Дастурининг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари қаторига «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлаш лойиҳалари ва тадбирларини амалга ошириш» киритилганлиги бежиз эмас[2].

Президентимиз Ислом Каримовнинг мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ оила, жамоа муносабатларига алоҳида эътибор берганлиги таҳсинга лойиқдир: «Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 2003. –12-б.
[2] Постда. – 2005. – 27 янв.

ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъи назар, одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиромда бўладилар, бу ҳол кўп миллатли Ўзбекистон аҳолиси менталитетига хос фазилатлардир[1].

«Никоҳ» арабча сўз бўлиб, «қўшилиш» маъносини англатади. Барча миллатларда бўлгани каби ўзбекларда ҳам оила никоҳ асосида қурилади. Унинг пайдо бўлиши жуда қадимга бориб тақалади. Қадимда турли кўринишларда никоҳ ўзига хос тарздаги вазифани бажарган. Олимларимизнинг ёзишича, Марказий Осиёдаги йирик қабилалардан бири сакларнинг одатлари бўйича уйланишни истаган йигит уйланмоқчи бўлган қиз билан ер ости уйида кураш тушиши шарт бўлган. Бу курашда ютиб чиқсагина уйланиш ҳуқуқига эга бўлган. «Гўрўғли», «Алпомиш» каби халқ достонларида йигитнинг жисмоний кучини кураш тушириб, синаб кўрилиши баён этилган. Демак, аждодларимиз келгуси авлодларнинг соғлом, бақувват бўлишига олдиндан замин яратиб борганлар.

Мустақилликка эришганимиздан кейин юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони бу соҳада қўйилган яна бир катта қадам бўлди. 2002 йил 29 декабрда Оқсарой қароргоҳида Президент Ислом Каримов раислигида мазкур Жамғарма фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари “Болалар спортини ривожлантириш Жамғармаси”нинг мақсад ва вазифалари, унинг юртимиз фарзандларини соғлом ва бақувват қилиб вояга етказишдаги аҳамияти, ушбу ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда самарадорлигини ошириш борасидаги вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб: «Болаларимиз спорт орқали соғлом ва бақувват, ҳаётнинг барча мураккаб синовларига бардош берадиган инсонлар бўлиб

[1]*Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 – Т., 1996. – 364-б.

вояга етадилар. Жисмоний соғломлик инсонда руҳий-маънавий соғломликни келтириб чиқаради. Яъни, спорт билан мунтазам шуғулланган бола ҳеч қачон ёмон йўлларга юрмайди. Бугунги замондаги турли даҳшатли бало-қазолар – террорчилик ёки ақидапарастлик дейсизми, гиёҳвандлик ёки жиноятчилик дейсизми – барчасидан йироқ бўлади. Спорт билан шуғулланган боланинг билим олиш, ўз қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга бўлган интилиши янада ортади. Биз фарзандларимизни оммавий равишда спортга жалб этиб, ўзбек спорти шуҳратини бутун дунёга намойиш қилиш орқали халқимиз ва миллатимизнинг куч-қудратини, ўзимизнинг кимлигимиз, кимларнинг авлоди эканимизни яққол кўрсатишга эришамиз. Муҳими, биз спорт орқали фарзандларимизга катта ижобий таъсир кўрсатган бўламиз.

Бу жамғарма миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришда ҳам бекиёс ўрин тутади. Масалан, биргина кураш билан боғлиқ миллий қадриятларимизни олайлик. Фарғонача кураш бор, Бухороча кураш бор. Уларнинг ҳаммасида халқимизнинг ғурур-ифтихорини кўтарадиган хусусиятлар кўп. Мард ва бақувват полвонларимизни кўрганда, одамнинг ўзи бамисоли майдонга чиққандек, руҳланиб, ҳаяжонланиб кетади.

Болаларимизни спорт орқали соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш – бу келажакка бўлган мустаҳкам ишонч ифодасидир. Чунки биз ҳаммамиз болаларимизнинг бахтли келажагини ўйлаб яшаяпмиз»[1].

Шунингдек, Президент бундай эътибор шахсий, хусусий, оилавий манфаатлар учун эмас, юрт фарзандларининг келажаги учун муҳимлигини, ортда соғлом ва баркамол фарзандлар қолиши ва бошлаган ишларимизни улар давом эттириши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Қадимдан никоҳ-оила ҳуқуқий муносабатлари Қуръони карим, шариат ва урф-одат билан тартибга солиб келинган. Никоҳ ҳалоллик, никоҳсиз яшаш эса ҳаромлик белгиси бўлган. Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мустақилликка эришганидан сўнг оила-

[1] *Каримов И. А.* Фарзандларимиз парвози баланд бўлсин! // Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт, маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – 400-б.

никоҳ муносабатлари қонунийлаштирилиб, Конституцияда «Оила» деган махсус бўлим ажратилганлиги, 1998 йилда «Оила кодекси»нинг қабул қилиниши оила мустаҳкамлигига хизмат қилиши ва уни қонуний мустаҳкамлашни назарда тутади. Агар никоҳ поклик ва садоқат асосида қурилган бўлса, ундай оилалар мустаҳкам бўлади, тинч-тотув яшайди. Чунки оила муқаддас даргоҳ. Уни кўз қорачиғидай асраш ҳар бир эр-хотиннинг энг асосий вазифасидир. Турли баҳоналар билан оилаларнинг бузилиши жамият, давлатнинг заифлашувига олиб келади.

Маҳалла ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли

Энг асосий демократик институтлардан бири ўзини ўзи бошқариш органларидир. Бундай органлар бевосита маълум бир ҳудудларда фаолият кўрсатиб, ўша ҳудуд фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилади, маҳалла оқсоқоллари фуқаролар билан яқиндан алоқада бўлади.

Маҳаллий ҳокимият органлари самарали тизимини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу фуқаролар йиғини – маҳалла институтидир. Бу органлар тарихий удумлар ва халқимиз менталитетидан келиб чиқиб шаклланди, чунки уларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги аҳамияти юқори бўлиб келган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари асосини маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этади. Маҳалла қўмиталари халқнинг менталитетига мос бўлиб, бошқа органлардан фарқли ўлароқ, фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш тизимини шакллантиради, меҳр-мурувват ва ёрдам кўрсатиш ижтимоий жамғармаларини тузиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини ижобий ҳал эта олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида маҳалла қўмиталарининг фаолияти белгиланган. Унга кўра, маҳалла, қишлоқ, шаҳар типидаги қишлоқларда истиқомат қилувчи фуқароларга ўз йиғилишларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш ҳуқуқи берилган. Маҳалла фуқароларининг умумий йиғилиши маҳалла комитети раисини (оқсоқолини), унинг

икки нафар ўринбосарини сайлайди ва тегишли ваколатлар беради. Ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этишда 1993 йилда Олий Кенгашнинг XXII сессиясида қабул қилинган «Ўзини ўзи бошқаришнинг фуқаролик органлари тўғрисида»ги қонун муҳимдир. Президентнинг 1992 йил 12 сентябрда сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга молик «Маҳалла» хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида", 1992 йил 8 октябрда «Маҳалла» хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш учун давлат жамғармаси тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг олий мақсадларидан бири – фуқаролик жамиятини қуришдир. Ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамияти шаклланиши учун тўла иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий асосларни вужудга келтирувчи, шарт-шароитлар яратилишига имкон берувчи қоидалар акс этган. Шу боис, ўта муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини бундан буён ҳам бутун чоралар билан ошириш, уларни зарур моддий воситалар билан таъминлашга эътибор кучайтирилмоқда. Давлат ушбу муҳим ижтимоий масалани ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига барча чораларни қўллаб, кўмаклашмоқда. Демак, жамиятнинг бошқарув тизими юқоридан пастга қараб, яъни бошқарув вазифаларининг марказдан вилоятларга, шаҳар ва туманларга ҳамда жамоаларга берилиши асосида ўзини ўзи бошқаришга ўтказиш, бошқарувнинг энг оддий ва мукаммал шаклини вужудга келтириш асосида фуқаролик жамиятига эришиш кўзда тутилган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими – халқ депутатлари маҳаллий кенгашларини, ҳудуднинг ўзини ўзи бошқариш идораларини, яъни мавзеларнинг (массивларнинг) кенгашлари ва қўмиталари, маҳалла, уй комитетларини ва бошқа идораларни ўз ичига олади. Улар ўзини ўзи бошқариш асосларидан фойдаланар эканлар, албатта, демократиянинг турли шаклларига риоя қиладилар, яъни халқнинг овоз бериши йўлидан, фуқароларнинг йиғилишларидан фойдаланадилар. Жамиятни демократлаштиришда энг муҳим омил ҳисобланган ўзини ўзи бошқаришга асосланган маҳалла қўмиталарининг фаолиятлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга, атроф-муҳитни

муҳофаза қилишга, давлат ва жамоат ишларини амалга оширишда ошкоралик ва мустақилликни таъминлашга қаратилгандир. Фикрнинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил сентябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари тўғрисида”ги (1999 йилда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) қонунининг моддаларини келтириб ўтамиз. Унга кўра, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларда фуқароларнинг йиғини раис (оқсақол) ва унинг маслаҳатчиларини 2,5 йилга сайлайди. Қонуннинг 13-моддасининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини амалга оширишга имкон беради. Улар фуқароларни ўз ҳудудида ижтимоий ва маданий масалаларни ҳал қилиш, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Ўзини ўзи бошқариш фуқаролик жамиятининг ҳақиқий мазмун-моҳияти мазкур қонуннинг 22-моддасида янада ойдинлашган. Унда жамоа номидан иш юритувчи маҳалла раисининг Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари қарорларини бажариш, фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиш, қонунда кўзда тутилган ҳолларда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудий ободонлаштириш, маҳаллада савдо қоидаларига риоя қилиниши, санитария ҳолатининг назорат қилинишига ёрдам бериш, ўз ҳудудидаги аҳолини ҳисобга олиш, ҳудудидаги ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назорат қилиш, қуриш қоидаларига риоя қилиш, хавф олди ҳудудлари ҳолатини, ҳайвонларни сақлашнинг ветеринария қоидаларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ёнғинга қарши тадбирларни ташкил қилиш, фуқароларни табиий офат ва унинг оқибатларини йўқотиш учун курашга жалб қилиш, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларига тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ёрдам кўрсатиш, ҳарбий хизматчилар ва чақирилувчиларнинг ҳарбий комиссариатларга чақирилишида ёрдам бериш, ота-онасининг назоратисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаш-

тириш, шунингдек ёшларни ишга жойлашга ёрдам бериш, аҳоли учун лекция, маъруза ва суҳбатлар ташкил этиш ҳаракатларини бажариши белгилаб қўйилган.

Юқорилардан келиб чиқиб, Президентимиз Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг 2005 йил 7 ноябрдаги сессиясидаги чиқишида мавжуд ижтимоий муаммолар ҳақида тўхталиб, айрим касалхоналар яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги, водопровод тармоқларининг 43 фоизи санитария талабларига жавоб бермаслиги аҳолигининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганлиги[1] айтиб ўтганлигини эслаш ҳам муҳимдир. Демак, маҳалла қўмиталарининг фаолиятини янада оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Демократик институтлар, чунончи ўзини ўзи бошқариш органлари демократияни ривожлантириш жараёнида қандай роль ўйнайдилар?

Ўтиш даври шароитида, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни давом этаётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этувчи кенг тармоқли, кўп партиялилик тизимининг қарор топиши ва бошқа демократик институтларнинг вужудга келиши ўтиш даври учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу демократик институтлар ва жамоат ташкилотлари халқни демократия ва фуқаролик жамиятига, ўзини ўзи бошқаришга тайёрлайди. Ўзбекистондаги демократик институтлар жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб, маҳаллий, миллий хусусиятлар билан умумлаштирган ҳолда қонунларнинг такомиллашиб боришига катта таъсир кўрсатадилар. Бошқарув тизими ва ҳуқуқлар маҳаллий ташкилотлар қўлига ўтар экан, бунинг учун «Фуқаро–жамият–давлат» муносабатларининг ҳуқуқий асослари ҳам ўзига мос равишда шаклланган бўлиши, улар ўртасидаги муносабатлар оқилона, адолатли, шунингдек ҳуқуқий ечимни топиб бера оладиган қонунлар мажмуи яратилиши керак.

Фуқаролик жамияти масаласида Ўзбекистон халқи катта тарихий тажрибага эга. Чунки халқимизнинг тарихий ривожланиши жамоага асосланган бўлиб, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунганлиги, ҳар қандай вазиятда биргаликда, ҳамкорликда яшаганликлари, жамиятни бошқариш маҳалладан бошланганлиги, ҳамма ижтимо-

[1] Халқ сўзи –2005. – 7 ноябрь.

ий-иқтисодий масалалар ва муаммолар маҳалла ҳамкорлиги асосида ҳал этилганлиги тарихдан маълум.

Тарихий тажрибаларга асосланиб Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида фуқаролик жамиятини назарий жиҳатдан янги босқичга кўтарди, янги ғояларни илгари сурди. Фуқаролик жамияти қуришда бир қанча ваколатли вазифаларнинг давлатдан маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириш зарурлигини давр кўрсатмоқда.

Давлат тасарруфида асосан конституциявий тузум, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳуқуқий аҳамиятини ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қолиши керак. Шунингдек, стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экологик масалалар, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилади.

Қолган барча вазифалар – бозор ислоҳотларини амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилади. Бундай йўл билан фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини яратиш мумкин.

Ислом Каримов томонидан илгари сурилган концепция мукаммал, такомиллашган бўлиб, амалий ҳаётда ўз аксини тўлиқ топиши учун жамиятимиз катта тарихий йўлни босиб ўтиши керакдек кўринади. Лекин мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларимизнинг кўлами кенг қамровли, уларнинг мазмуни бир-бирини

тўлдириб туришга йўналтирилганлиги жамиятимизни яхлит бир бутун асосда ривожланишини таъминлаб бермоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, маҳаллий органлар даромад манбаларининг мунтазам кенгайиб бориши учун шарт-шароитлар яратиб берилиши, халқимиз маънавий баркамоллигини таъминлаш мақсадида қатор дастурларнинг қабул қилиниши жамоат ташкилотларининг аҳамиятини кучайтирди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунга келиб, нодавлат ташкилотларининг сони 2300 тадан ошиб кетди.

Бундай ташкилотларнинг кўпайиб бориши учун шарт-шароитларнинг яратилиши, улар ҳуқуқий мавқеининг ошиб бориши фуқаролик жамиятнинг қарор топиши учун муҳим омил бўлмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланаётган катта миқдордаги бюджет маблағидан ташқари, тадбиркорликнинг фаол ривожланиши, кичик корхоналар ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси иншоотларини барпо этиш ҳисобидан ҳамда нодавлат ташкилотлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилаётгани ҳисобига фуқаролик жамиятининг моддий асоси вужудга келмоқда.

Шундай қилинган тақдирда, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти намоён бўлади. Шундай ёндашув фуқароларнинг ўз ҳаётлари ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этишлари учун имконият яратади. Бу эса фуқаролик жамияти принципларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1999 йил 11 майдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги таҳрир) қонунига мувофиқ, шаҳарча, қишлоқ, овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳалаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органларидир. Ушбу органлар раиси (оқсоқоли) фуқаролар йиғинида сайланади[1], аммо органнинг ўзи сайланмайди[2].

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни //Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 9-сон. – Т., 1994. – 18-б.

[2] *Тўлаганов А.* Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. – Т., 2002. – 13-б.

Ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий ҳокимият тизимида мустақил бўғин сифатида жамият ҳаётига доир муҳим масалаларни ҳал қилади. Ушбу функциялар уларни халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлайди, фуқароларнинг кундалик турмуши билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал этиш уни ташкилий институтлашган органга айлантиради.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий хусусиятлари қуйидагиларда кўринади:

– ваколатлилигида;

– ташкилий институтлашган орган сифатида юзага келишида ҳудудий принципдан келиб чиқилганида;

– фаолият хусусиятига кўра жамоатчилик ташаббусига таянганида;

– ички фаолиятини олиб бориш, уюштириш ва ташкил этишда ўзини ўзи бошқариш принципига таянганида.

Маҳалла, овул, кичик туман фуқароларининг йиғинлари ўзлари маъқул кўрган вакилни ўзини ўзи бошқариш органларига сайлайдилар. Энг муҳими – бу вакиллар шу ҳудудда яшаётган аҳолининг турмушидан яхши хабардор бўлишлари шарт. Акс ҳолда, ўзини ўзи бошқариш ишларида уюшқоқлик етишмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, энг аввало, маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорлик қилади, ҳатто унинг назоратида фаолият кўрсатади. Республикамизнинг қуйи маъмурий бўлинишларида давлат органлари бажариб келган вазифаларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юкланиши, бу жойда ҳокимиятга тааллуқли баъзи масалаларнинг ҳал этилиши ҳам шу органлар ихтиёрига ўтганлигини кўрсатади. Ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминлаш билан чекланмай, уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишлари ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашади. Буни турли органларга сайловларда, референдумларда иштирок этишда, маҳаллий аҳамиятга молик турли тадбирларни ўтказишда кўрамиз.

Маҳаллий ҳокимият билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатлар «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги (1993 йил 2

сентябрь) қонунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонида (1998 йил 23 апрель) белгилаб берилган. Масалан, юқоридаги қонуннинг 4-моддаси маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатларига бағишланган. Унда ҳокимият органлари ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мукаммаллаштиришга кўмаклашадилар ҳамда улар фаолиятини йўналтириб турадилар, деб уқтирилади[1].

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва улар ўринбосарларининг демократик асосда сайланиши муҳим аҳамиятга эга. 1998 йилги сайловларда 4698 нафар киши олий маълумотга эга бўлса, 2001 йилги сайловларда уларнинг сони 5740 (54%)га етди[2]. Демак, республикамиздаги 10000 та маҳалла йиғинларининг ярмидан кўпини олий маълумотга ва амалий тажрибага эга кишилар бошқармоқда. Маҳалла йиғинларида расмиятчиликнинг авж олмаслиги, улар фаолиятини аҳолига яқинлаштириш ҳамда масъул ходимларга маҳаллий бюджетдан ҳақ тўлашни йўлга қўйиш мақсадида жамоатчилик асосида ишловчи 1996 йили 11778 нафар раисдан 4488 нафари, 2001 йилда эса, яна 1515 нафари қисқартирилди. Шу тариқа маҳалла йиғинларининг барча ходимлари доимий ишлайдиган, маош билан таъминланган ходимларга айлантирилди.

Маҳалла ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга, фуқароларнинг турар жойларидаги муаммоларини ҳал этишга, ўзини ўзи бошқаришни такомиллаштиришга ҳиссасини қўшмоқда. Маҳалланинг ижтимоий-маиший ва тарбиявий масалаларни ҳал этишдаги роли айниқса, катта. У тарихий-анъанавий институт сифатида фуқароларнинг фаоллигига таянади, ўзини ўзи бошқаришни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтилганда, Ўзбекистон Республикаси Собиқ СССРдан ажралиб чиққан мустақил давлатлар орасида биринчи бўлиб демократик, ҳуқуқий, одил, фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаб, ўзининг миллий хусусиятларини, тарихий анъаналарини, миллий қадриятларини, ўзига хос шарқона демократик прин-

[1]Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни //Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 9-сон. – Т., 1996.
[2] *Жалилов Ш.* Кучли давлатдан – кучли жамият сари. – Т., 2001. – 156-б.

ципларни умуминсоний демократик принциплар билан умумлаштирган ҳолда тараққий этиб бормоқда.

Демократик жамиятни барпо қилишда оила ва маҳалла мавқеининг ошиб бориши

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий борада муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан ҳокимиятнинг бўғинлари ўртасидаги ваколатларини чеклашга, марказий органларнинг маҳаллий бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларининг характерига боғлиқ. Бошқарув аппаратининг кўплиги бюрократизмнинг кучайишига ва иқтисодиётнинг ривожланиши тўсиқларига асос бўлади.

Шунинг учун ҳозирги кунда Ўзбекистонда Президент ташаббуси билан амалга оширилаётган маъмурий ислоҳот йўналишларидан бири давлат бошқаруви тизимида вазифаларни аниқ белгилаб олиш ва номарказлаштиришдир. Номарказлаштириш устувор йўналиш бўлиб, давлат бошқаруви вазифаларини номарказлаштириш – ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноҳукумат ташкилотларига давлат назоратининг кўплаб вазифаларини жамоатчилик назорати сифатида беришни амалга оширади, мамлакатда фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

Давлат бошқаруви вазифаларини номарказлаштириш усули ва кўламидаги фарқларга қарамасдан, у дунёдаги деярли барча мамлакатларда амалга оширилмоқда. Жамиятга иқтисодиётни бошқаришнинг демократик принципларини аллақачон жорий этган, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда номарказлаштиришдан мақсад – давлат бошқаруви тузилмасини ва унинг вазифаларини оптималлаштириш, давлат органлари ишини жамоатчилик назоратига олиш механизмини яратиш, вазифаларни ҳукуматнинг қуйи бўғинларига, ўзини ўзи бошқариш органларига, хусусий секторга бериш орқали давлат бошқаруви самарадорлигини оширишдир.

Республикада давлат бошқаруви ваколатларини чеклаш ва вазифаларни номарказлаштириш бир неча йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда.

Вазифаларнинг бир қисмини республика Марказидан жойлардаги давлат бошқаруви органларига декларация ташкил этади. Бу давлат ҳокимияти вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериш дегани. Маҳаллий ҳокимият органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла, фуқаролар йиғини) билан ўзаро муносабатлари янгича аҳамият касб этмоқда. Ўзини ўзи бошқариш органларининг анъанавий шакли бўлган ва давлат бошқаруви тизимига кирмайдиган маҳаллалар тобора кўпроқ ваколатларга эга бўлиб бормоқда.[1] Улар анъанавий вазифаларни бажариш билан бир қаторда, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда ижтимоий нафақа беришни амалга оширмоқда, шунингдек коммунал ва бошқа тўловларни йиғишда, ҳудуднинг санитария ҳолатини сақлаш ва ободончилигини таъминлашда тегишли хизмат идораларига кўмаклашмоқда.

Шундай қилиб, иқтисодиётни эркинлаштириш ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган ҳокимиятни номарказлаштириш жараёнини фаоллаштиришни талаб қилади. Айнан шу боис, мамлакатимиз Президенти мазкур маъмурий ислоҳотларнинг ташаббускори ва ғоявий раҳбари сифатида кун тартибига ўта муҳим масалани қўйди. Бу давлат томонидан берилган вазифаларни амалга ошириш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини кадрлар билан таъминлаш ва фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва ташаббускорлиги оширишдан иборатдир.

Таянч сўз ва тушунчалар:

“Демократик жамият”, “оила институти”, “Ўзбекистон оилалари”, “Оилада демократик онг, тафаккур”. “Ўзбекистон Республиканинг Конституциясида оила масалалари”, “Президент Ислом Каримов оиланинг аҳамияти ҳақида”, “Оиладаги ўзаро муносабатларда шарқона ва умуминсоний принциплар”, “Оилада фикрлар бирлиги ва плюрализм”, “Ўзбекистонда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари”, “Маҳалла – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи”, “Президент Ислом Каримов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва

[1] Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бошқаруви: ваколатларни чеклаш ва вазифаларни номарказлаштириш //Халқ сўзи, 2004 йил 1 май.

тўғрисида”, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамият сари», “Терроризмга қарши кураш, ички ишлар органларининг маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорлиги”.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШДА НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Нодавлат, нотижорат ва жамоат бирлашмаларининг демократик жамият қурилишидаги ўрни

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кенг тарқалган кўринишларидан бу жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир. Республикамизда нодавлат, нотижорат ташкилотлар шаклланмоқда ва такомиллашиб бормоқда.

БМТ меморандумида жамоат ташкилотлари давлат ва иқтисодиётдан кейинги «учинчи сектор», деб кўрсатилади. Кўпгина давлатларда (АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Голландия ва ҳ.к.) улар «нодавлат», «ноҳукумат», «мустақил», «нотижорат бирлашмалари”, деб номланади. «Ноҳукумат ташкилотлар» атамаси, – дейилади БМТ меморандумида, – унга қарама-қарши бўлган «давлат ташкилотлари» атамасининг айни тескари маъносига эга. БМТ тизимидаги ҳукумат ташкилотлари давлатлараро битимлар асосида юзага келиб, унга аъзо бўлган ҳукуматлардан ташкил топади. Нодавлат ташкилотлари эса давлатлараро битимлар асосида тузилмайди ва унга кирувчи ҳукуматлардан иборат эмас. Нодавлат ташкилотлари миллий ва халқаро миқёсда, умумий ва махсус йўналишларда ихтисослашган бўлиб, улар БМТ таркибига кирувчи тузилмалар билан маслаҳат ҳамда оператив ваколатлар асосида ўзаро ҳамкорлик қилиши мумкин. Бироқ, бу ҳол давлат нодавлат ташкилотларига мутлақо ёрдам бермаслиги керак, деган маънони англатмайди. Ҳар бир давлат ички хусусиятларидан ва тарихий тажрибасидан келиб чиқиб, дастлабки пайтда ёрдам кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон жамоат ташкилотларини ташкил этишда ана шу тажрибага таянади. Аммо жамоат ташкилотларининг давлат органлари чиқарган махсус қарор асосида ташкил этилиши – ушбу ташкилотларнинг давлат ташкилотлари, деб қарашга асос бўлолмайди. Чунки улар аслида жамоатчи-

ликка, унинг ихтиёрий ёрдамига таяниб иш юритадилар. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Жамоат бирлашмалари тўғрисида» қонунида ихтиёрий тарзда вужудга келган сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеран ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари, тузилмалари жамоат ташкилотларидир, дейилган. Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ушбу тузилмаларга кирмаслиги, уларнинг бошқача тартибда ташкил этилиши қайд этилган.

Нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий функциялари ранг-барангдир. Улар фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини рўёбга чиқаришга, уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Қонунда ҳам, расмий ҳисоботларда ҳам нодавлат ва жамоат ташкилотлари фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат ҳокимиятининг маълум бир функцияларини бажаришга йўналтирилган уюшмалар сифатида қаралади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 265 та республика, 73 та халқаро мақомга эга бўлган, жами 338 та нодавлат ва нотижорат ташкилотлар рўйхатга олинган, вилоятларда эса 2972, Республика бўйича жами 3310 та нодавлат ва жамоат ташкилотлари мавжуд[1]. Ушбу рўйхатга олинган нодавлат ва жамоат ташкилотлари ичида 16 та касаба уюшмаси, 5 та сиёсий партия, 3 та ҳаракат (дарвоқе, бошқа манбаларда ва расмий ҳисоботларда 1 та деб кўрсатилади, шу боис, муаллифнинг рақами шубҳа уйғотади), 57 та жамғарма, 45 та федерация, 25 та Марказ, 50 та ассоциация, 5 та қўмита ва 58 та бошқа бирлашмалар бор. 1993–1996 йилларда 333 та, 1997–2002 йилларда ичида эса 1167 та нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотлари рўйхатга олинган. Юқориларидагилардан кўриниб турибдики, кейинги йилларда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги анча ошган. Айниқса, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги 1999 йилги

[1]Қаранг: *Тошев Б.* Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2002. – № 4. –54-б.

қонунининг қабул қилиниши бу жараённинг янада тезлашишига ҳуқуқий асос яратди.

Нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотларининг жамиятдаги ислоҳотларга нисбатан мавқеини, давлат ҳокимияти билан алоқаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Масалан, ҳозиргача қонунда давлат ҳокимияти билан нодавлат ва жамоат ташкилотларининг бир-биридан фарқ қилувчи функциялари, хусусиятлари, ташкилий механизмлари ва алоқадорлик йўналишлари тўлиқ аниқлаб берилмаган. Нодавлат ва жамоат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш, давлат ҳокимиятининг жамоат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг давлат ҳокимияти олдидаги ўзаро масъулиятлари, бурчлари аниқ белгиланмаган. Бошқа қонунларда ҳам жамоат ташкилотларининг давлат солиқ қўмиталари билан муносабатлари, солиқ тўлаш тартиблари кўрсатилмаган. Республикамизда Солиқ кодекси қабул қилинганига қарамай, унда нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотлари ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Ушбу ташкилотларнинг хайрия ишлари солиқлардан озод этилмаган[1].

Маълум бўлмоқдаки, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилаётган семинар ва илмий-амалий конференциялар, билдирилаётган фикрлардан «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 1991 йил 15 февраль қонуни кейинги йилларда рўй берган ўзгаришларга мос келмай қолмоқда ва унинг янги таҳririни қабул қилиш зарурлигини кўрсатмоқда[2].

Нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотлари фуқароларнинг қизиқиш ва манфаатларини тўлиқ ифода эта оладиган ихтиёрий бирлашмалардир. Айнан шу нуқтаи назардан, уларга давлат ҳокимияти билан халқ ўртасидаги воситачи институт сифатида қаралади[3]. Фуқароларнинг ихтиёрий жамоатчилик бирлашмалари ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизми ҳамда услубларини аниқ белгилаб олиш муҳим масалалардан биридир. Бинобарин, улар давлат юритаётган сиё-

[1] Қаранг: Гражданское общество и неправительственные организации // Бюллетень Национального центра Республики Узбекистан по правам человека. – 1998. – № 5. – С. 6.
[2] Қаранг: *Саидов А.* Нужен новый закон об НПО // Правда Востока. – 1998. – 18 сент.
[3] Қаранг: *Тангриев Л.* Мустакиллик ва жамоат ташкилотлари. Т.: Янги аср авлоди, 2000. 18-б.

сий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда асосий воситачи ҳисобланади. Бу алоқаларни янада мустаҳкамлаш, жамоат ташкилотлари ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятидаги бир-бирини такрорлаш, айнан ўхшашлик каби ҳолатлардан қутулиш, мазкур соҳадаги ишларни мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориш учун тараққий этган давлатлардаги сингари (Россия, АҚШ, Буюк Британия) яхлит механизмни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ижтимоий-сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида давлатимиз олиб бораётган демократик ислоҳотларнинг туб мақсадлари, ушбу ислоҳотлардан келиб чиқадиган вазифалар билан чамбарчас боғлиқдир[1]. Ихтиёрий бирлашмалар фаолиятининг асл моҳияти давлат ва жамият ишларини бошқаришга фуқароларнинг кенгроқ қисмини жалб қилиш, уларда масъулиятни, ватанпарварлик туйғусини, ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини шакллантириш, кишилардаги ижтимоий-маданий кучларни ҳаракатга келтириш, уларда ижод қилиш истакларини тарбиялашдир.

Шунинг учун нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотларининг вазифаси кундалик турмушда дуч келинаётган қийинчиликларни бартараф этиш (масалан, маҳалла атрофларини тозалаш учун ҳашар уюштириш, ёлғиз кишилар аҳволидан хабардор бўлиш кабилар) бўлиб қолмай, балки шахснинг ижтимоийлашуви ва баркамол авлод бўлиб етишишига хизмат қилиш ҳамдир. Халқ ҳокимиятчилигининг мустаҳкамланишида ихтиёрий бирлашмаларнинг бажарадиган муҳим вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдан ҳам иборат. «Ҳар қандай жамиятда ҳам, – дейди Президент, – демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар – халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»[2]. «Бунга эришиш учун, – деб давом этади И. А. Каримов, – эса аввало, жамоатчилик вакилларининг сиёсий, ижтимоий савиясини ўстириш керак. Ҳар бир

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий конуни // Халқ сўзи. – 2002. – 12 апр.
[2] *Каримов И. А.* Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин // Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т. 7. – Т., 1999. – 243-б.

фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади»[1].

Ҳуқуқий маданият ҳар бир фуқарога ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш ва ўзларини тўрачилик, бюрократия, манманлик, ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилиш имконини беради. Бу борада республикамизда аҳоли ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий-маърифий институтлар, бирлашмалар тизимлари юзага келди. Улар Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, ҳуқуқий-тарғибот марказлари, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси, Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида фаолият кўрсатувчи Омбудсман, «Гендер ва тараққиёт» бюроси ваколатхоналари кабилар шулар жумласидандир.

Фуқароларнинг кўпчилиги нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотларининг фаолиятидан қониқмайди. Бироқ бу нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотлари мутлақо фаолият кўрсатмаяпти дегани эмас, балки уларнинг фаолияти давр талабларига, кишиларнинг ўсиб бораётган қизиқишлари ва манфаатларига астасекин жавоб бермоқда.

Нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотларининг ўзи янги қонунлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларга муҳтождир. Масалан, касаба уюшмалари тўплаган маблағларнинг 40 % га яқини давлат солиғи томонидан ўзлаштирилиши бунга ёрқин мисол бўлади. Жойлардаги касаба уюшмалари тўплаган маблағларнинг 60 % дан зиёди марказий идораларга ўтказилади. Айнан шунинг учун ҳам сўровномаларда касаба уюшмаларининг фаолиятини «қониқарсиз», деб баҳолади.

---

[1] *Одилкориев Х.* Конституция ва фукаролик жамияти. Т.: Шарк, 2002. 200-б.

Нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотлари давлат ҳокимиятига «ёрдамчи», «югурдак», деган эски қарашлар ҳамон давом этмоқда. Маҳаллий ҳокимиятнинг уларни функцияларига тааллуқли бўлмаган ишларга жалб этаётгани, фуқароларнинг оддий ҳуқуқлари бузилаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Демак, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтирмай туриб, демократик ислоҳотларда самараларга эришиб бўлмайди.

Ҳуқуқий маданиятнинг тараққиёти шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳажмининг кенгайиши, уларнинг ҳимояланганлик даражасининг қўринишидир. Ҳуқуқий тараққиёт марказида шахс, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, олий қадрият – «барча нарсаларнинг мезони бўлган инсон»нинг мақомини мустаҳкамлашга қаратилган барча ҳуқуқий воситалар, механизмлар ва институтлар туради. Ушбу институтлар – нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотларидир. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданиятнинг асосий моҳияти нодавлат уюшмалари ва жамоат ташкилотларини «кенг халқ оммасининг ҳуқуқий нормаларини яратиш ҳамда амалга ошириш жараёнларига жалб этиш, давлат ва фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари билан боғлиқлиги ҳамда ўзаро масъуллигини таъминлашдир»[1]. Демак, ҳуқуқий маданият давлатнинг фуқаролар олдидаги ва фуқароларнинг давлат, жамият олдидаги масъуллиги ҳамдир. Халқ ҳокимиятчилиги ҳам, аслида, ушбу принцип асосида қурилади ва амал қилади. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш принципи шуни тақозо этмоқда.

Умуминсоний принциплар ва меъёрларни, бутун дунёда чуқур илдиз отган демократик қадриятларни ўрганмай ва улардан фойдаланмай туриб, демократик институтларни шакллантириш, фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш мумкин эмас.

Инсоният минг йиллар мобайнида ишлаб чиққан демократик қадриятларни тўла-тўкис ўзлаштириб олиш жамиятда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шартидир. Умумий тарзда демократия деганда, ҳамманинг манфаатлари йўлидаги кўпчиликни ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади.

Батафсил таҳлил қилинганда эса, демократия – халқнинг ўз эркинлиги, мустақиллигига қарашлари, ҳар бир шахснинг ҳуқуқларини чеклашлар ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш шакли эканлиги аён бўлади.

Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи учта мезон бор. Булар – халқнинг қарорлар қабул қилиниши жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорларининг халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир.

Иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий макон тегишлича босқичма-босқич таъминланиб борилмас экан, инсоннинг барча ҳуқуқлари – давлат ишларини юритишда қатнашиши, эътиқод эркинлиги ва шу кабилар қуруқ гап бўлиб қолаверади. Аниқ йўлга қўйилган қонун тизими бўлмас экан, демократия ҳам бўлмайди. Шу билан бирга, қонунларнинг ўзини қабул қилиш, ҳукумат ва ҳамма мансабдор шахсларнинг саъй-ҳаракатлари айнан шу демократик мезонлар орқали ўтиши лозим. Бу жуда муҳим, чунки демократия ҳуқуқий давлатнинг таркибий қисмидир.

Биз мустақил ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосий мақсад ва вазифаларни белгилар эканмиз, Ўзбекистоннинг цивилизация ва тараққиётнинг юксак, ёрқин чўққиларига эришишида маданий ва тарихий мерос, халқнинг инсонпарварлик анъаналарини эгаллаган, умуминсоний қадриятлар ва меъёрларга содиқ, озод ва ҳар томонлама камол топган шахс асосий таянч бўлишини қайта-қайта таъкидлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам демократия фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир. Анъанавий маданиятимиз ва халқимизнинг хусусиятлари, унинг аҳвол-руҳияти ва ижтимоий ташкил бўлиш шароитлари Ўзбекистон Республикасида демократияни шакллантириш, фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг энг самарали омиллари бўлишини чуқур тушунамиз.

Ҳатто демократия барқарор бўлган мамлакатларда ҳам индивидуализмнинг баъзи бир салбий оқибатлари сезилмоқда. Ёшларнинг айрим қисми ўқишга, юксак касб маҳоратини эгаллашга интилиш ўрнига енгил-елпи ҳаётни излашга, савдо

қилиб, мўмай даромад орқасидан қувиб, бозор муносабатларининг ибтидоий йўлларидан фойдаланиб, мол-дунё ортиришга интилаётганлиги бежиз эмас. Бунга қарши ҳуқуқий таъсир чораларидан ташқари, бошқа тадбирларни ҳам ишлаб чиқиш зарур.

Мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлатни, фуқаролик жамиятини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришни шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда келажагимизни қуриш учун ҳамма асосларга эгамиз.

Минтақамиз ҳудудида асрлар мобайнида кўплаб цивилизацияларнинг равнақ топишига ҳисса қўшган миллий ўзига хосликлар XXI аср бошларида Ўзбекистондаги ғоят улкан ўзгаришлар ҳамда янгиланишларнинг қудратли пойдевори ва рағбатлантирувчи кучи бўлиб қолиши шубҳасиз. Модомики шундай экан, ҳамма жамоат ташкилотларининг ўз ҳаракат дастурларини ғоявий жиҳатдан давр талабларига мослашлари, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги каби конституциявий ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида, юксак сиёсий маданиятга асосланиб фаоллашувлари жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиб боришига, демократлашув жараёнларининг тезлашишига таъсир кўрсатувчи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий муаммоларни ҳал этишда фаоллик кўрсатувчи ҳақиқий демократик институтга айланадилар. Жамият орасида обрў-эътибори ошиб, жамият аъзоларининг диққат эътиборини жалб этадилар.

Жамиятда барқарорликни сақлаш зарурлиги ҳақида гап кетганда, демократик институтлар масаласига тўхталмаслик мумкин эмас. Бундай институтнинг мавжуд бўлиши демократик жамият учун шарт ва нормал ҳолдир.

Демократик муҳолифатнинг мавжуд бўлиш шартлари қуйидагилар:

– ташкилий жиҳатдан расмийлашган бўлиши;

– конституция ва қонун нормаларини ҳурмат қилиши;

– тегишли юридик мақомга эга бўлиши;

– давлат қурилишининг муқобил лойиҳаларига эга бўлиши;

– ўз ҳаракатлари билан мамлакатдаги давлат ва ижтимоий тузумнинг қатъи, барқарор ҳолати учун масъул бўлиши лозим.

Жамоат бирлашмалари ва халқ ҳаракатлари демократик жараёнларнинг ривожланиши ва қарор топишда, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиб боришида катта рол ўйнамоқда. Улар давлат ва жамоат бошқаруви масалаларини ҳал этишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Касаба, ёшлар, аёллар, фахрийлар, спорт, театр ва бошқаларнинг ижобий фаолиятлари алоҳида таъкидланса арзийди.

Жамоат ташкилотлари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий барқарорлигини сақлашда, миллий маънавиятнинг тикланиши ва ривожланишида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Давлатимизда халқимизнинг турмуш тажрибасига, аҳолининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принциплари қарор топмоқда. Мамлакатимизда миллати, дини ва тилидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминланадиган демократик ривожланиш, фуқаролик жамиятини қуриш, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этиш каби мақсадларни амалга ошириш йўли изчил давом этмоқда.

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллик шарофати билан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва халқаро муносабатларда ўз йўли ва сиёсатига эга бўлди. Ўзбекистон Республикасининг барча соҳаларда эришган ютуқларини нафақат Ўзбекистон халқи, балки дунёнинг кўпчилик мамлакатлари ҳам эътироф этмоқда ва ҳис қилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган асосий барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатларидан бири демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдир.

Кўппартиявийлик – демократик жамият барпо этишнинг муҳим шарти

Ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан боришимизда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши ва унинг жамиятимиз барча жабҳаларида кенг фаолият олиб боришга ҳаракат қилаётганлигини таъкидлаш муҳим. Чунки кучли фуқаролик жамияти сари дадил қадамлар билан борар эканмиз, бу йўлни кўппартиявийлик тизимисиз тасаввур этиш қийин. Жамиятда партияларнинг асосий мақсади жамиятни ривожлантириш. Сиёсий партияларни вужудга келтиришдан асосий мақсад соғлом рақобатни вужудга келтириш. Бироқ, партиялар пировард ниятларидан четга чиқиб кетмасликлари зарур. Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ Президент мухолифат тўғрисида қуйидаги фикрни айтиб ўтган эди: «Назаримда, муҳолифат амалий тусда бўлиши керак. Шу жиҳатдан қараганда, республикамизда рўйхатга олинган партиялар ва ҳаракатлар ишлаб турибди, улар самарали ишламоқда. Муҳолифлик умуман ҳокимият устида турган кишига нисбатан эмас, балки у амалга ошираётган, рўёбга чиқариш учун курашаётган ишга, ғояларга нисбатан бўлиши керак. Агар кимда муқобил ғоя бор экан, агар у бирор масаланинг бошқа тўғри ечими борлигини исботлаб беролса, мен буни албатта, қабул қиламан».[1]

Агар жаҳоннинг ривожланган давлатларида кўппартиявийлик тизими қай тарзда шаклланган ёки ташкил топган деган савол пайдо бўлса, қуйидагича жавоб бериш мумкин: дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан Америка Қўшма Штатларида асосий 2 та, Буюк Британияда асосий 7 та, Францияда асосий 7 та, Германияда ҳам асосий 7 та, Японияда 4 та, Россияда асосий 6 та ва Италияда 10 та сиёсий партия фаолият олиб боради. Демак, юқоридагига асосланиб айтиш мумкинки, муқобилликка асосланган партияларнинг бўлиши жамият тараққиётининг муҳим бир омилидир. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг мавжудлиги объектив заруриятдир.

Бизга яхши маълумки, шўролар даврида партия якка ҳукмронлиги мавжуд ва у мамлакат ҳаётининг барча тармоқларига суқилар эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг монопартия гегемонлиги “чок-чокидан сўкилиб кетди” ва

[1]*Каримов И. А.* Ҳар кандай мухолиф билан баҳслашмоққа тайёрман // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. – 364-бет.

кўппартиявийликка кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолияти Асосий қомусимиз ҳисобланган Конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган[1].

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VII сессиясида (1996 йил 26 декабрда) қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда “сиёсий партия” тушунчаси, уни тузиш, партия низоми, рўйхатга олиш тартиби, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва мулки ҳақида батафсил маълумотлар берилган[2]. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мустақилликнинг меваси сифатида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Миллий тикланиш социал демократик партияси, Адолат социал демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси[3] ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партиялари[4] фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ демократик партияси 1991 йил 1 ноябрда ташкил топган. Партиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш;

– Ўзбекистон халқлари ўртасида тинчлик ва тотувликни таъминлаш;

– фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва ҳ.к.

Ўзбекистон халқ демократик партиясининг (ЎХДП) олий органи қурултой 5 йилда бир марта чақирилади. ЎХДП парламент партиясидир. Ўзларининг аъзоларини Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар вақтида номзод этиб кўрсатадилар. Партиянинг 400 мингдан ортиқ аъзоси бор.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг матбуот нашрлари: «Ўзбекистон овози» (кундалик), «Голос Узбекистана» (ҳафталик) газеталари ва «Мулоқот» журнали.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., 2003.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги қонуни //Ўзбекистоннинг янги қонунлари. –Т., 1997. – №15. –5–15-бетлар. –Т., 1997.

[3] 2000 йилнинг 15 апрелида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик ва Ватан тараққиёти партияларининг қўшма қурултойида бу партияларнинг бирлашганлиги расман эълон қилинди. Бирлашишнинг асосий сабаби ҳар иккала партияларнинг мақсад ва дастурининг муштараклиги эди.

[4] Бу сиёсий партияларнинг ташкил топиши, аъзоларининг сони ва бошка маълумотлар учун қаранг: Политические партии и движения в Узбекистане. –Т., 1999.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси 1995 йил 18 февралда ташкил топган. Партиянинг асосий мақсади қуйидагича:

– Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқларнинг манфаатларига мос келадиган адолатли жамият қуришда фаол иштирок этиш.

– партия фаолияти ўзини ўзи бошқариш, ошкоралик, қонунийлик, хайриҳоҳлик принципларига асосланади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 30 мингдан ортиқ аъзоси бор. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг матбуот нашри «Адолат» ижтимоий-сиёсий ҳафталик газетасидир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси (МТДП) 1995 йил 3 июнда тузилган бўлиб, партиянинг бош мақсади қуйидагилар:

– миллий манфаатлар заминидаги янги ўзбек давлатининг асосларини яратиш;

– миллий мерос ва анъаналарни рўёбга чиқариш;

– миллий тикланиш йўлида жамиятдаги барча сиёсий кучлар билан ҳамкорлик қилиш.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг 6 мингдан зиёд аъзоси бор. Унинг матбуот нашри «Миллий тикланиш» ҳафталик газетасидир.

Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партияси 1998 йил декабрда ташкилтопган. Партиянинг асосий мақсади Ўзбекистон ёшларини ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятининг шакллантиришдек юксак вазифани бажаришда бирлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг матбуот нашри «Фидокорлар» газетасидир.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси 2004 йилда тузилган. Унинг асосий мақсади Ўзбекистондаги барча тадбиркор-ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлашдир.

Ўзбекистон либерал демократик партиясининг матбуот нашри «XXI аср» газетасидир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг II бобида сиёсий партиялар ҳақида алоҳида тўхталган[1]. Демак, кўппартиявийлик тизими фуқаролик жамиятини барпо этишда асосий таянчлардан ҳисобланади. Демократиянинг ривожланиши учун кафолатлардан биридир.

Дарҳақиқат, Олий Мажлис депутатлигига 1994 йил декабр ойидаги сайловларда фақат икки партиядан, яъни Ўзбекистон Халқ демократик ва "Ватан тараққиёти" партияларидан номзодлар кўрсатишган бўлса, 2004 йилдаги 2-чақириқ Олий Мажлис депутатлигига сайловда номзодлар 5 та партиядан ва ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилгани алоҳида таъкидлаш муҳимдир.

Президент: «Жамиятда барқарорликни сақлаш зарурлиги ҳақида гапирар эканмиз, сиёсий институт сифатидаги муҳолифат масаласини тилга олмаслик мумкин эмас. Бундай институтнинг мавжуд бўлиши демократик жамият учун шарт бўлган ва нормал ҳолдир», – деб кўрсатади[2].

Ҳозирги вақтда Республикамизда кўппартиявийлик фаолияти ривожланмоқда. 1999 йил 5 декабрдаги Олий Мажлис ва маҳаллий органлар кенгашлари депутатлигига ва 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайловлар демократик принципларга асосланиб кўппартиявийлик тарзида амалга оширилди. Сайловлар натижаси фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини, ўз халқининг тақдири ва келажагига бефарқ эмаслигини кўрсатди. Сайловлар фуқароларнинг ҳокимият органларини шакллантиришда қанчалик фаол иштирок этаётганлигини кўрсатди. Халқимиз сайловларда ички ва ташқи ғанимларга қарши курашда ким томонида эканлигини яна бир бор исботлаб берди.

Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари, давлат ҳам ўз вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бормоқда. Бу борада

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., 1997. –174-б.
[2] Ўша жойда. – 175-б.

нодавлат ташкилотларининг мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этмоқда[1].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелдаги XIV сессиясида Президент Ислом Каримов: “Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар – партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ.

Бу гап, аввало, партиялар масаласига тааллуқли. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидан муносиб ўрин ололмаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Айтиш керакки, бу танқид ўринлидир. Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳокимият тизимларидан, аввало ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи, бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир этсин.

Бунинг учун аввало, партия етакчилар ҳам, уларнинг тарафдорлари ҳам нима учун ва нимага қарши курашаётганларини аниқ-равшан тасаввур этишлари зарур. Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши, ғоя ва қарашларнинг рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта, бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида олиб борилиши керак”, - деб таъкидлади[2].

Президент Ислом Каримовнинг яна Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида сиёсий партияларнинг олдида турган долзарб вазифалар ҳақида қуйидагиларга тўхталиб ўтди: «Иккинчидан – сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш.

Шу муносабат билан партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка

---

[1] *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т., 2000.
[2] *Каримов И. А.* Ўзбекистонда XXI асрга интилмоқда //Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7 – Т., 1999. – 410-б.

интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак. Дастури ва йўналишидан қатъи назар, шак-шубҳасиз, барча партияларимиз мана шундай йўлни босиб ўтиши муҳим аҳамиятга эга»[1].

Эндиликда мамлакатни демократлаштириш, давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш масаласи олдинги ўринга чиқар экан, сиёсий ва ижтимоий фаолликсиз илгари силжиш юз бермайди. Жамоат ташкилотлари ижтимоий фаолликни таъминлашда партияларнинг омма орасидаги таъсирчанлигини ошириб бориши шарт бўлиб қолади.

Сиёсий партиялар халқ билан ҳокимият ўртасида “асосий боғловчи бўғин” бўлган демократик институтларга айланиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари ҳаракатларининг амалга ошиши учун етарли даражада шарт-шароитлар, ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, уларнинг тўла демократик принципларга асосланиб фаолият кўрсатишлари учун етарли омиллар мавжуд. Жамоат ташкилотларининг олий мақсади мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлигини сақлаган ҳолда, жамиятни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаш ва олий босқичга кўтаришдан иборат.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА АДОЛАТ ПРИНЦИПЛАРИ

Мустақиллик шароитида «Адолат» ва «тенглик» тушунчаларининг янгича талқини

Адолат масаласи доимо инсониятнинг диққат марказида бўлиб келган. Бу тушунча сиёсатшунослик фанининг бош тушунчаси. Аммо адолат, аввало, маънавий қадриятдир. У аслида маънавиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ифодасидир. Бунга буюк аждодларимизнинг кўп асрлик мероси гувоҳ. Албатта, ижтимоий ҳаётда адолат-

[1] Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., 2005. –39-40- бетлар.

нинг қай даражада барқарор бўлиши башарият маънавий такомилининг турли даврларида, турли минтақаларда турлича омилларга боғлиқ бўлган. Масалан, ибтидоий жамоа одами ўз уруғи ва қабиласи доирасида фикрлаган бўлса, қадимги Юнонистонда бу тушунча бир хил, ўрта аср христиан дунёсида бошқачароқ, ислом минтақасида ўзгача талқин этилган.

Адолат тимсоли анъанага кўра, икки паллали тарозу шаклида тасаввур қилиниб келинган. Қазоватда – икки томон даъволашганда, балки қатъи хукм чиқариш учун ноилож тарозунинг бир палласига тош қўйишга тўғри келар. Аммо бугунги кун воқелигида ижтимоий адолат мезони унчалик жўн эмаслигини тушуниб етмоғимиз зарур. Миллий маънавиятимизнинг минг йиллик тажрибаси, ҳаёт мантиқи, башарият фикри етишган илғор принциплар бизни шунга ундамоқда.

Ҳақиқий бозор иқтисодий адолатдир. Чунки унда ҳеч ким бировга ўз қарашларини зўрлик билан сингдира олмайди. Буржуа синфининг диктатураси (мутлақ истибдоди) ҳақиқий бозор эмас, балки иқтисодий зўравонликдир. «Ёввойи бозор» («дикий капитализм») мутлақо орзу қиладиган нарса эмас. У ҳам инсоният учун бир синов босқичидир.

Яна рақобат (конкуренция) масаласи. Агар рақобат фақат “кураш” маъносида тушунилса, фақат рақибни молиявий синдириш йўлларини излаш сифатида талқин этилса, натижада ҳамма – тадбиркор ҳам, харидор ҳам, жамият ҳам ютқазади. Агар рақобатни ўзгалардан сифатлироқ, ўзгалар молидан арзонроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга интилиш, бунинг учун янги технологиялар, унумли иш усулларига таяниш деб тушунилса, бу, албатта, охир натижада инсон манфаатига хизмат қилади. Биз бозор маънавияти деганда, биринчи навбатда, инсонлар кўнглида инсоф ва диёнатни қайта уйғотиш заруратини англаймиз.

Инсоф ва диёнат, ҳалоллик, харидорга муносабатда самимийлик (юмшоқ муомала, ҳалимлик), харидор кўнглини топишга интилиш, унинг эҳтиёжларини тушуниш – тадбиркор сармоясига Оллоҳнинг баракатини ёғдирувчи маънавий фазилатлар.

Харидор ҳаққига хиёнат, товламачилик – ҳеч қачон бозорга аралашган одамга омад келтирган эмас. Буни бизнинг аждодларимиз яхши билганлар.

Чинакам демократик ҳуқуқий давлат бўлиши учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар тантана қилмоғи шарт. Ижтимоий-сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, унда халқнинг ҳукмрон иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ифодасини топади. Такомиллашган, мукаммал, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини тўлалигича қамраб олувчи, замон руҳини ўзига сингдира олган халқ манфаатларини, адолат нуқтаи назаридан туриб ҳимоя қила оладиган қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши адолатли ҳаётимизни таъминлаб беради.

«Ҳар қандай қонуннинг, ҳаракат соҳасидан қатъи назар, ишлаб чиқилаётган ва муҳокама этилаётган пайтда инсоннинг асосий, бузилмас ҳуқуқларига қанчалик мос келишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ана шу принципларга оғишмай риоя этган ҳолдагина биз чин маънодаги ҳуқуқий адолатпарвар давлат қуришга эриша оламиз»[1]. Ўзбекистон Республикасининг олий мақсадларидан бири фуқаролик жамиятини қуришдир. Ана шу мақсад йўлида қабул қилинган Ўзбекистон Ресупбликасининг Конституцияси фуқаролик жамияти яратилиши учун тўла иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий асослари, шарт-шароитлар яратилишига имкон берувчи қоидалардан иборат.

Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чикишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамлар ҳуқуқ ва эркинликларининг камситилишига йўл қўймайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт[1].

Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини камраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш, аҳолининг давлат ҳимоясига

---

[1] *Каримов И. А.* Янги йўл қурмай туриб, эскисини бузманг.–Т., 1992. – 38–39-б.
[1] *Каримов И. А.*.Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. –Т., 1992. – 23-б.

муҳтож бўлган қатламларини ҳимоя қилиш давлатнинг инсонпарвар, демократик, адолатли эканлигидан далолат беради.

Жаҳон халқларининг тарихи, иқтисоди, сиёсати, фалсафаси, маданияти шуни кўрсатадики, ёвузлик, порахўрлик, ўғрилик, товламачиликнинг миллати, насл-насаби йўқ. Уларнинг оқибатларини жуда кўп давлатлар, юксак тараққий топган мамлакатлар ҳам ўз ўтмиши, бугунги ҳаётида кўриб-сезиб турибди.

Биз мустақиликка эришган илк кунимиздан бошлаб, ўз миллий давлатчилигимизни тиклашга киришган, ўша пайтданоқ ният ва муддаоларимизни бутун дунёга очиқ-ойдин маълум қилганмиз: мақсадимиз аниқ – Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш – бош вазифамиз. Бу жамиятда халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилиши – асосий қоида. Ана шу принцип ва йўл-йўриқларни ҳаётимизнинг мазмун-мундаражасига айлантириш учун интиляпмиз. Энг муҳим гап шуки, бошлаган барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта – адолатли жамият барпо этиш.

Асрлар давомида кишилар адолат учун курашганлар, мислсиз қурбонлар берилган.

Адолат ҳақида жуда чиройли ва жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап ҳаётда адолатни ўрната олишда. Раҳбар адолати, элу юртига етакчилик қилишдек масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда бекиёс аҳамиятга эга. Халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.

Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан тортиб, Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қозию қуззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси «қўйю кўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, ҳаром қўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборат», деб таърифланган.

Дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми, ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолаверса, одам ўзи қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочади? Агар одам охиратдан қўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди.

Биз Янги, озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, адолат принципини устувор принцип сифатида эътироф этамиз. Ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан ортга қайтаролмайди.

Бугун мамлакат мураккаб давр – ўтиш даврини кечираётганда, эски маъмурий буйруқбозлик, мансабдорларнинг чексиз ҳукмронлиги замонидан янги озод жамият, эркин иқтисод, демократик тузум сари қадам қўяётган бир пайтда, бундай қусурларнинг юзага қалқиб чикиши ҳам табиий ҳол. Янада соддароқ айтганда, эски тизим қонунлари ўз кучини йўқотиб, янги тизим, янгича ҳаёт кечириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмуш соҳаларини бошқаришнинг янги қонунлари ҳали тўла кучга кирмагани, энг муҳими, одамларимизнининг тафаккурида ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй бераётгани, уларнинг янги тизим қоидаларини қийинчилик билан идрок этаётгани ва қабул қилаётгани ҳам шу каби салбий ҳолатларни кучайтирмоқда.

Адолатли, демократик жамият қурмоқчи эканмиз, бир ҳақиқатни асло ёддан чиқармайлик: тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда, пешқадам зиёлилар, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг намояндалари, масъул хизматчиларнинг ғайрати, жасорати, ақл-заковати билан рўёбга чиқадиган мураккаб ишдир.

Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, бурчи ва масъулиятини пухта билмас, уни ҳаётий

эҳтиёж сифатида англамас экан, ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзлар, саъй-ҳаракатлар бесамар кетаверади.

Бугун одамларнинг дунёқараши, онгу тафаққурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди. Агар биз замон билан ҳамнафас яшамоқчи бўлсак, дунёдаги бошқа халқлар, бошқа миллатлардан кам бўлмасликни, асксинча, улар билан тенг, эркин, ҳамкор бўлиб умр кечиришни истасак, фарзандларимизнинг бахту камолини кўрмоқчи бўлсак, ҳаётимизда адолат, фаровонлик, маънавий собитлик қарор топишини хоҳласак, йўлимизда дуч келиб, улуғ ва эзгу ишларимизга халал бераётган турли иллатлардан халос бўлишимиз, уларга қарши қатъият, сабот-матонат, жасорат билан кураш олиб боришимиз шарт. Биз орзу қилаётган фаровон, озод ва обод ҳаётга эришишнинг асосий шарти – унинг қонун-қоидаларига, талабларига бўйсуниб, риоя қилиб яшаш.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати: унинг мақсадлари, ривожланиши, босқичлари

Демография соҳасидаги реал аҳволни аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда, бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдидан амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатлашнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олиб, «инқилобий сакрашлар»сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар мамлакатнинг ривожланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этди. Ушбу қоидаларнинг амалга оширилиб бориши республикада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорликни, фуқаролар тотувлигини, миллатлар ўртасидаги

ҳамжиҳатлигини таъминлаш, энг муҳими, бозор муносабатларининг қарор топиб боришида иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг Президенти И. А. Каримов иқтисодий ислоҳотларнинг илмий концепцияси ва амалий режасини ишлаб чиқар экан, ҳақиқий инсонпарварлик позициясида туриб иш юритди. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларнинг марказида инсон манфаатлари ётиши зарурлигини асосий мақсад қилиб қўйди.

«Ички сиёсатининг негизи – инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни ривожлантириш кучли механизмига эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир, – деб таъкидлайди И. А. Каримов[1]. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳамма принциплари ва барча қоидалари ижтимоий вазифаларни ҳал этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги қатъи кафолатларни вужудга келтиришга қаратилган. «Бозор иқтисодиётини барпо этиш бирдан-бир мақсад эмас, – деб ёзади Ислом Каримов, – барча ислоҳотлар – иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат»[2]. Демак, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди бир вақтнинг ўзида ҳам бозор, ҳам ижтимоий муносабатлардир.

У иқтисодий ривожланишда бозор механизмининг самарали бўлишини назарда тутса, ижтимоий соҳада аҳоли турмушини юқори даражада таъминлашни кўзда тутади. Ижтимоийлик фақат шу билан чекланмайди, бу ерда инсон фаолияти, унинг омилкорлиги, ташаббускорлиги, умуман, маънавий имкониятларини рўёбга чиқариш омилларини яратиш асосида табиат томонидан инсонга берилган барча имкониятни, қобилиятни тўлиқ намоён этилиши ҳам, асосий масала эканлиги ҳисобга олиниши зарур. Бунинг учун мамлакатда соғлом муҳитни, фуқароларга ҳар томонлама шарт-шароитларни яратиш, сиёсий эркинлик бериш орқали мақсадга эришишни лозим эди. Шунинг учун ҳам бешта тамойилнинг биринчиси –

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т., 1992. – 43-б.
[2] Ўша ерда. – 45-б.

иқтисодиётнинг сиёсатдан устун ва ҳар қандай мафкурадан холи бўлиши узоқ йиллар тоталитар жамиятда яшаган халқ учун ўта муҳим, долзарб масала эди.

Чунки фуқаролар онгига сингиб кетган мафкуравий чеклашлар, тўсиқлардан чиқиш зарур эди. Уларни иқтисодий, сиёсий эркинлик берилганлигига ишонтириш ва ўз манфаатилари ва жамият манфаати учун хизмат қилиш зарурлигини тушуниб олишга имконият яратиш лозим эди. Фақат ана шундай сиёсат юритиш орқали халқни тоталитар тузумнинг мафкуравий ботқоғидан суғуриб олиш ва иқтисодий эркинлик кўникмасини пайдо қилиш мумкинлиги эътиборга олинди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти инфраструктурасини яратишнинг комплекс режаси беш принципда ўз аксини топар экан, унда ижтимоий ҳаётнинг энг майда элементлари ҳам ҳисобга олинди.

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини танлашда аҳолининг энг камбағал, муҳтож табақаларига иқтисодий мадад бериш орқали фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ислоҳотларни муваффаққиятли амалга оширишнинг кафолати эканлиги ҳисобга олинди.

Ижтимоий ҳимоя чораларини кўришга Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиб боришидаги вақтинчалик чора, деб қаралмасдан, доимий, узлуксиз бўлиши кўзда тутилган. «Бозор томон ҳаракат қилинган сари, ижтимоий сиёсатнинг устувор жиҳатлари, аҳолига ижтимоий мадад бериш ва уни ҳимоя қилиш чоралари ҳам ўзгариб боради. Ислоҳотларнинг турли босқичларига ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос қоидалари мос келади».

Бозор муносабатларини вужудга келтиришнинг дастлабки босқичларида «нархларнинг эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражасининг ортиб бориши муносабати билан даромадларининг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг устун йўналишларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу йўналиш аҳолининг истисносиз барча табақаларини қамраб олади ва ислоҳотларнинг биринчи босқичи давомида кенг миқёсда қўлланилади»[1].

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. –Т., 1993. –77-бет.

Аҳолининг энг кам даромадли табақалари – ногиронларга, нафақадорларга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ўқувчи-ёшларга, яъни энг қийин аҳволга тушиб қолган одамларга амалий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож одамлар давлат назаридан четда қолмаслиги, одамларнинг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида бир қатор жамоат ва хайрия ташкилотларини ташкил этиш кўзда тутилган. Нодавлат ташкилотлари ва хайрия ташкилотларининг тузилиши ўзига хос миллий анъаналарнинг давом этаётгани, яъни ўзбек халқининг қадимдан меҳр-шафқатли, муҳтож инсонга доимо ёрдам кўрсатиб келганлигининг намунаси дейиш мумкин.

«Наврўз», «Маҳалла», «Соғлом авлод» ва бошқа қатор жамғармалар ташкил топиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда давлат томонидан берилаётган моддий ёрдамга қўшимча равишда улар аҳолининг муҳтож қатламларини ҳимоялашда намунали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Мамлакатимизда иш ҳақи ҳам ижтимоий ҳимоя воситаларининг бири сифатида интенсив ошириб борилмоқда. «Иш ҳақини ошириш билан бирга, барча тоифадаги мактабларнинг муаллимлари, болалар уйлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар тарбиячилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-муаллимлари ва илмий ходимлари, ижодий ва тиббий ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларга қўшимча моддий неъматлар – квартира ҳақи ва коммунал тўловлар соҳасида имтиёзлар берилди, якка тартибда уй-жой қуриб олиш учун ер участкалари биринчи навбатда ажратиладиган бўлди ва ҳоказо»[2].

Давлатимизда талаба ва ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилиши ёш бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида эътиборга лойиқ ишдир. Мамлакатимиз ёшларнинг ишдан ажралган ҳолда ўқиб, билим олишлари учун зарур моддий шарт-шароит яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Олий ўқув юртлари талабларининг, аспирантларнинг, ҳунар-техника коллежлари ўқувчиларининг, стипендияларининг бир неча маротаба оширилиши ва уларнинг жамоат транспортларидан фойдаланишлари учун алоҳида имтиёзлар берилиши,

[2] *Каримов И. А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., 1995. –126–127-бетлар.

узоқдан марказий шаҳарларга келиб таълим олаётган талабаларга йилига икки маротаба имтиёзли йўл ҳақи тўловларининг жорий этилиши, ётоқхоналар билан таъминлашда, ётоқхона ҳақини тўлаш имтиёзининг берилиши – буларни ҳаммаси энг ривожланган мамлакатларда ҳам йўқлигини ҳисобга олсак, давлат томонидан ижтимоий ҳимоянинг қанчалик юксак даражада амалга оширилаётганлиги таҳсинга лойиқ.

«Биз, – деб ёзади юртбошимиз, – ижтимоий ҳимоялашнинг асосиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечиб, Шарқда минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимизни танлаб олдик. Шунга биноан 1994 йилда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги илғор тизими шакллантирилди. Бу эса ижтимоий ислоҳотлар соҳасидаги иқтисодий ўзгартиришлар биринчи босқичининг энг муҳим якуни бўлди.

Ҳозирги тизимнинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатимизнинг келажаги ҳисобланмиш болалар ва кам даромадли оилалар бу ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар бўлиб қолади. Энди ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали етказиб берилмоқда. Шу тариқа ижтимоий кўмак беришнинг ҳозирги тизимида оила асосий мавқега эга бўлиб қолади. Бундай ёндашув умуминсоний қоидаларга, миллий анъаналарга ва руҳиятга мос келади, фуқаролар жамиятининг ижтимоий ташкилоти тизимида оила эгаллайдиган ўринга мувофиқ келади»[1].

Ижтимоий ҳимоянинг янги тартибига кўра, фарзанд туғилганда, бир йўла бериладиган тўловларни сақлаб қолиш билан бирга, бу нафақанинг миқдори ҳам кўпайтирилди. Оналарнинг болага қарашлари учун белгиланган декрет муддати узайтирилди. Энг муҳими, бу нафақадан ишловчи оналар ҳам, ишламайдиган оналар ҳам баҳраманд бўладиган бўлди. Болаларга бериладиган тўловлар тизими такомиллаштирилди. Болаларига бериладиган йигирмадан зиёд турли нафақалар ўрнига 1994 йилнинг сентябридан бошлаб, барча болали оилалар учун ягона нафақа жорий этилди.

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., 1995. –131–132-бетлар.

«Шуни таъкидлаш зарурки, – деди Ислом Каримов, – 16 ёшгача болалари бўлган оилалар учун нафақалар ота-онасининг ва умуман, оиласининг даромадлари миқдоридан қатъи назар, барча оилаларга тўлана бошланади. Бошқача айтганда, 16 ёшгача бўлган болалар турли дастлабки омиллар ва сабаблардан қатъи назар, тўғридан-тўғри давлат ёрдами бериладиган объектга айланиб бормоқда»[2].

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоянинг самарали янги-янги тизимлари жорий этилмоқда. Сўнгги пайтларда аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига берилади-ган нафақаларнинг янги тизими жорий этилди.

Фуқаролик жамиятининг моҳиятидан келиб чиқиб ҳамда миллий руҳият ва тарихий анъаналаримизни давом эттириб, маҳалла қўмиталари орқали ижтимоий жиҳатдан энг ночор оилаларни аниқлаш ва уларга муайян моддий ёрдам бериш шакли жорий этилди. Чунки маҳалланинг ҳар бир аъзосининг ижтимоий аҳволи маҳалла аъзоларига маълум. Ижтимоий ҳимоя ўз эгасини тўғри топишининг энг муҳим тизими маҳалла бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг ички сиёсатидаги иж-тимоий ҳимоянинг устуворликка эгалиги Президент Ислом Каримов илгари сурган сермазмун илмий концепцияга асослангандир.

Гап ижтимоий ҳимоя тизимининг устуворлиги ҳақида борар экан, бунда энг аввало, бозор иқтисодиётини барпо этиш биз учун бирдан-бир мақсад эмаслиги на-зарда тутилади. Ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсади Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросининг миллати, дини ва маслагидан қатъи назар, шахс сифатида намоён бўлиши, ўз қобилияти, истеъдодини намойиш этиш, ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий бойроқ қилиш имкониятига эга бўладиган зарур шарт-шароитларни яра-тишдан иборатдир.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШИ ВА ХАЛҚАРО НУФУЗИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЧЕТ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ҲАР ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРИ ВА ҲАМКОРЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

[2] Ўша ерда. –133-б.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг асосий тамойиллари, ҳуқуқий асосларининг шаклланиши

XX асрнинг охирларига келиб, халқаро сиёсий вазият тубдан ўзгарди. Бу аввало, АҚШ билан мувозанатни узоқ вақт ушлаб туришга ҳаракат қилиб келган собиқ Совет Иттифоқининг тарқалиб кетиши, икки қутбли дунё ўрнига бир қутбли дунёнинг пайдо бўлишида намоён бўлди. Жаҳонда бир қанча янги мустақил давлатлар, жумладан Ўзбекистон вужудга келди. Эндиликда улар жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топиши, тараққиёт йўлини белгилаб олиши зарур бўлди.

Мустақил давлатлар ўз фаолиятида халқаро миқёсдаги қуйидаги муаммолар билан тўқнашаяпти:

– демократик принципларни қарор топтириш аҳолининг сиёсий онги етарли даражада юқори бўлмаганлиги учун машаққатли кечаётганлиги;

– бир қанча минтақаларда миллатчилик, маҳаллийчилик асосидаги ихтилофларнинг давом этаётганлиги;

– диний ва сиёсий экстремизм халқаро миқёсда авж олаётганлиги;

– давлатлар иқтисодий ва ижтимоий ҳолатининг турли даражада эканлиги қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқараётгани;

Ушбу муаммоларни бир давлат миқёсида ҳал этиш амримаҳол. Уларнинг ечимини топишда юқори мавқега эга бўлган халқаро ташкилотлар, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тараққий топган давлатларнинг роли катта.

Юқоридаги жараёнларни инобатга олиб, Ўзбекистон раҳбарияти республиканинг келажагини белгилайдиган яккаю ягона йўл – бу жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув деб ҳисоблаб келмоқда: «Мамлакатимизда ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган фаровон демократик давлат барпо этишда олий мақсадга эришмоғимиз учун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда *интеграциялашувини таъминлаш зарур*», – деб таъкидлайди Президент И. Каримов[1].

---

[1] *Каримов И. А.* Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимиз. Т 8. – Т., 2000. –346-б.

Мустақилликка эришиш Ўзбекистонга жаҳон ҳамжамиятининг ютуқларидан баҳраманд бўлиш учун қулай имкониятлар яратди. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувидан мақсади:

– республиканинг сиёсий барқарорлигига четдан бўладиган таҳдидларнинг олдини олиш;

– республика иқтисодини юксалтиришга хизмат қиладиган илғор техника, технология ва инвестицияларни олиб келиш;

– республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтириш;

– республика аҳолисининг чет эл билан боғлиқ бўлган диний, миллий, маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун имкон яратиш;

– ва ниҳоят, Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, «… биз давлатимиз ва жамиятимиз келажагини ўз чегараларимиз, ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Бу келажакни биз тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамиятнинг бошқариш усулларини, инсон эркинлиги ва ҳурфикрликни тафаккуримизга, ўз ҳаётимизга жорий қилишда кўрамиз»[1].

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши шартларини И. А. Каримов мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида белгилаб берди[2]. Бу қоидалар қуйидагилар:

– ўзининг миллий давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;

– одамлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда умумбашарий қадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашиш;

– инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, ҳужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни тан олиш;

---

[1] *Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т 9. – Т., 2001. –190-б.
[2] *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. Т 1. – Т., 1996. –36–38-бет.

– республиканинг ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қуриш;

– мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик принципини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилиш;

– Ўзбекистон ички миллий қонунларида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиш;

– Ўзбекистон тўла ишонч принциплари асосида ҳамда икки томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилиш.

Санаб ўтилган қоидалар Ўзбекистон учун буткул янгилик эмас, уларнинг кўпчилиги узоқ вақт халқаро муносабатларда синовдан ўтган. Гап уларни Ўзбекистон ташқи сиёсатида қўллаш устида юритилаяпти, чунки тартибни меҳмон эмас, мезбон ўрнатади. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга доимий аъзо бўлиб кирмоқчи экан, олдиндан ўрнатилган тартибни тан олиши ва унга бўйсуниши керак. Лекин бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундаки, Ўзбекистон миллий давлат манфаатларининг устуворлигини ёдда тутади ва мустақил давлат қиёфасини йўқотмасликка ҳаракат қилади.

Буни И. А. Каримов алоҳида қатъиятлик билан таъкидлайди: «…Агар, – дейди у, – интеграция мамлакатимизнинг озодлиги, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини чеклаб қўйса ёки қандайдир мафкуравий мажбуриятлар билан боғланса, у ҳолда четдан олиб келинадиган интеграция биз учун номақбул»[1].

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга кириб боришининг ҳуқуқий асослари қуйидаги қонунларда белгилаб берилган: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (хусусан IV боб, 17-модда); «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий принциплари тўғрисида»; «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»; «Мудофаа тўғрисида»; «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида» ва бошқа ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. –298-б.

қонунлар ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланган икки томонлама ҳамда кўп томонлама шартномалар ва битимларда қайд қилинган мажбуриятлар.

Агар келтирилган ҳужжатлар мазмун жиҳатидан таҳлил қилинадиган бўлса, уларда халқаро муносабатларда синовдан ўтган ва қарор топган қоидалар мужассам топган. Булар: ўзаро тенглик, ўзаро манфаатдорлик, ички ишларга аралашмаслик, таҳдид қилмаслик ва ҳоказо. Бу қоидаларнинг устувор деб қабул қилиниши ва расмий қонунлаштирилиши Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга кириб боришини осонлаштиради. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг мустақиллигини 170дан зиёд нуфузли, етакчи давлатлар тан олди. 120 та мамлакат билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилган.

Ўзбекистон БМТ, ЁҲҲТ каби 40 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотларга аъзодир.

Ўзбекистонда 88 та хорижий давлат элчихона ва ваколатхоналари очилган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та нодавлат ташкилотлар ваколатхоналари ишлаб турибди[1].

Бу далиллар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Шундай қилиб, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кириб боришдан манфаатдор ва ушбу борада барча чораларни кўраяпти.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб борар экан, ўзининг ташқи сиёсатида аниқ мақсадларни қўйиб, унинг асосий йўналишларини белгилаб олди. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири – бу БМТ раҳнамолиги остида Марказий Осиё минтақасида тинчликни, сиёсий барқарорликни таъминлашга ғамхўрлик қилишдир. Чунки ҳар қандай ислоҳотнинг, тараққиётнинг негизида тинчлик ва барқарорлик ётади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси бор имкониятлари, салоҳиятидан фойдаланиб, ушбу омилларнинг қарор топиши учун ҳаракат қилаяпти. Президент БМТнинг бу борадаги роли

[1] Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро шартномалар. – Т., 2004. –4-б.

ҳақида шундай дейди: «Биз ўзимизнинг бундай обрўли халқаро ташкилот ишидаги иштироқимизни Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, тинчлик ва тотувликни таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш имконияти деб биламиз. ...фақат БМТгина хавфсизликни сақлаш ва таъминлашга хизмат қиладиган – олдини олишга қаратилган дипломатиядан тортиб, то тинчлик ўрнатишга қаратилган операцияларда қатнашишгача бўлган воситаларнинг ҳаммасига эга»[1]. Мазкур имкониятни назарда тутиб, Президент И. А. Каримов ўзининг БМТ Бош Ассамблеясининг 48 (1993 йил сентябрь) ва 50 (1995 йил октябрь) – сессияларида сўзлаган нутқларида бир қанча аниқ таклифлар билан чиқди. Уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича баён қилиш мумкин: Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан БМТнинг семинарини чақириш; Марказий Осиёни ядросиз минтақа деб эълон қилиш; БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида вужудга келиб турган халқаро низоларни таҳлил қилиш ва бунинг учун махсус гуруҳ ташкил қилиш; Марказий Осиёда наркобизнесга қарши биргаликда кураш олиб бориш учун БМТнинг минтақавий комиссиясини ташкил этиш; Орол бўйича БМТнинг махсус қомиссиясини тузиш ва бошқалар[2].

Ана шу таклифларнинг натижаси ўларок Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда Марказий Осиёда минтақавий Хавфсизлик муаммоларига бағишланган семинар муваффақиятли ўтди. Унда 20 та халқаро ташкилот ва жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакати, шу жумладан АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия, Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа давлатларнинг дипломатия ҳамда ҳукумат вакиллари иштирок этишдилар[3]. Семинрада учта муҳим муаммо: Марказий Осиёда мустаҳкам хавфсизлик тизимини яратиш; иқтисодий ҳамкорлик ва инфратузилмали коммуникациялар; иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш муҳокама қилинди ва муайян таклифлар ишлаб чиқилди.

---

[1] *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т 6. – Т., 1998. –242–243-б.
[2] *Каримов И. А.* Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т 2. – Т., 1996. –47–57-б; Бунёдкорлик йўлидан. Т 4. – Т., 1996. – 56–59-бет.
[3] *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т 6. – Т., 1998. –243-б.

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг таклифларини амалга ошириш йўлида 1997 йил 15 сентябрда БМТнинг раҳнамолигида Тошкентда «Марказий Осиё – ядро қуролидан холи минтақа» мавзусида халқаро конференция чақирилди. Конференцияни тайёрлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа 50 дан ортиқ давлат ва халқаро тузилмаларнинг вакиллари қатнашдилар. Ушбу анжуманга баҳо бериб, Президент И. А. Каримов шундай деган эди: «Мазкур конференция – Марказий Осиё давлатларининг ташқи хавф ва тазйиқларга қарши туриш борасидаги якдиллик билан қилаётган саъй-ҳаракатларининг дастлабки натижасидир. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббуси – Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик, барқарорликни ҳамда бу минтақада истиқомат қилаётган кишиларнинг тинчлигини таъминлаш, …минтақани барқарор ривожлантириш ва гуллаб-яшнатиш борасидаги манфаат ва мақсадлари муштараклигининг яна бир кўринишидир»[1].

Европада муҳим мавқега эга бўлган ташкилотлардан бири – бу Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ)дир. Ўзбекистоннинг бу ташкилот билан ҳам ўзаро ҳамкорлиги тобора кенгайиб бормоқда. Бу ташкилотнинг раҳбарлари Ўзбекистонга мунтазам ташриф буюрмоқдалар. 1996 йил Лиссабон Саммитида Ўзбекистон раҳбарларининг иштироки ЕХҲТ билан музокараларни ривожлантиришда асосий воқеа бўлди.

Ўзбекистон мазкур анжуманда хавфсизлик масаласида ўз қарашларини баён этиш ҳуқуқига эга бўлди. Республикамиз делегациясининг ЕХҲТнинг Марказий Осиёдаги фаолиятини кучайтириш тўғрисидаги даъвати яхши қабул қилинди ва у Лиссабон декларациясида ҳужжатлаштирилди. У минтақада тинчликни сақлаш, можароларнинг олдини олиш йўлидаги амалий қадам бўлди. Лиссабон учрашувлари хавфсизлик моделининг жаҳон бўйича бўлинмаслиги ва таъсир доираси тенглиги тўғрисидаги асосий қоидани Ўзбекистон қўллаб-қувватлашини билдирди.

[1] Ўша ерда. –353-б.

Лиссабон учрашувларида можаролар юз бераётган регионларга қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш тўғрисидаги Ўзбекистоннинг таклифлари қабул қилинди[1].

Бугунги кунда ҳеч қайси давлат жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда иқтисодий, ижтимоий соҳада илдам одимлар билан ривожланиш мумкин эмас. Боз устига Ўзбекистон Собиқ Иттифоқ даврида жаҳон тараққиётидан четда қолиб, унинг ютуқларидан баҳраманд бўла олмади. Мустақиллик туфайли анна шу ички биқиқликдан ҳалос бўлди. Энди давлатимиз ўзининг ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида тараққий этган Fарб ва Шарқ мамлакатлари ҳамда халқаро молия ташкилотлари билан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришни танлади.

Республика раҳбарияти мамлакатга инвестицияларини кириб келиши учун ҳуқуқий кафолатлар яратилмоқда. Ушбу масала Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида муҳокама қилинди ва қатор қонунлар қабул этилди. Жумладан, «Чет эл инвестициялари» ва «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги қонунлар инвесторлар учун қўл келди. «ЎЗДэу» автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш, «Зарафшон Ньюмонт» ва шу каби корхоналарнинг самарали фаолияти ана шундай кафолатнинг натижасидир. Бу жараёнлар Республиканинг умумий иқтисодий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатаяпти.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг иккинчи йўналиши халқаро ташкилотларнинг илм-фан, маданият, маънавият соҳаларини ривожлантиришдаги имкониятларидан фойдаланишдир. Бу борада БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ЮНЕСКОга алоҳида эътибор берилган.

ЮНЕСКО БМТнинг фан, маданият, таълим ва ахборот соҳаларига ихтисослашган ташкилотидир. У универсал халқаро институт бўлиб, бугунги кунда фан маданият ва таълимнинг миллий тизимларини бирлаштириб турадиган чинакам кўприк вазифасини бажармоқда. Айни вақтда уларни жаҳон интеллектуал тараққиёти тажрибаси билан бойитмоқда, бутун инсониятнинг бой маънавий меро-

[1]*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т 6. – Т., 1998. –245–246-б.

сидан халқларни баҳраманд этмоқда. Бу ташкилотга 186 та давлат аъзо бўлиб, ҳар йили 200 га яқин тадбирлар ўтказилади.

1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилинди. Ўтган давр ичида ЮНЕСКО раҳнамолигида бир қанча улкан тадбирлар ўтказилди. Жумладан:

– 1994 йил октябрда Парижда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги нишонланди;

– Хива ва Бухоро шаҳарлари жаҳон маданий қадриятлар рўйхатига киритилди. Уларда 411 та объект бор;

– «Ипак йўли – мулоқот йўли» деб номланган йирик илмий тадқиқот Марказий Осиёга алоҳида аҳамият бериб амалга оширилаяпти;

– Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди;

– Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги Парижда кенг миқёсда нишонланди;

– «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» номли олти жилдли асар тайёрланаяпти ва нашр қилинаяпти. Унинг тўрт жилди босиб чиқди;

– Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти очилди;

– давлат таълими сиёсатидаги ислоҳотлар масаласида 215 минг АҚШ доллари миқдорида ишлар бажарилаяпти. Уларнинг натижаларини амалиётга тадбиқ қилишга Осиё Тараққиёт банки томонидан 40 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш режалаштирилган ва у амалга оширилаяпти;

– ЮНЕСКО халифа Усмон даврида тўпланган Қуръон ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик илмий тадқиқот институти Шарқ қўлёзмалари коллекциясини «Жаҳон хотираси» регистрига киритди ва ҳоказо.

Юқоридагиларга қўшимча сифатида айтиш мумкинки, Шарқда маданий алоқаларга жуда кенг ўрин берилган. Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон халқларининг Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Араб мамлакатларининг маданиятига қизикиши катта. Бу эҳтиёжларни қондириш ҳам ташқи сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири.

Санаб ўтилган йўналишлар Ўзбекистоннинг серқирра ташқи сиёсатининг барча жиҳатларини акс эттирмайди. Республика аҳолисининг миллий, маданий, диний ва бошқа эҳтиёжлари борки, уларни ҳам ташқи сиёсий фаолият ўз ичига қамраб олиши лозим.

Ўзбекистоннинг олиб бораётган оқилона ташқи сиёсати унинг жаҳонда обрў-эътиборини юксалтирмоқда. Бу қуйидагиларда, яъни:

– юртимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислоҳотларини амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ижобий ўзгаришларда, уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида мужассам бўлмоқда;

– бу – давлатимизнинг жаҳон аҳлига яхши маълум бўлган, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларнинг амалий самарасида ўз ифодасини топмоқда;

– ва ниҳоят, бу – мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсатининг натижаси сифатида намоён бўлмоқда»[1].

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати давлат мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга, демократик ва фуқаровий жамиятни барпо қилишга, умумбашарий қадриятларга эришишга қаратилган.

Ўзбекистонда демократик жамият барпо қилишда халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўрни

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олдида жамиятни демократлаштириш борасидаги ўта долзарб вазифалар турибди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан эндигина кутилган республиканинг бу соҳада, агар қайта қуриш даврида илгари сурилган баъзи бир, ҳали пишиб етилмаган ғоялар ҳисобга олинмаса, етарли тажрибаси деярли йўқ эди. Шу сабабли Ўзбекистон демократик нормалар ва инсон ҳуқуқларини ўзида акс эттирган халқаро ҳужжатларга таяниши мумкин эди.

[1] *Каримов И. А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамалакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир. –Т., 2005. –57-б.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда БМТ, 1992 йил 30 январда ЕХҲТнинг тўлақонли аъзолигига қабул қилинган.

Бугунги кунда Ўзбекистон 90 дан ортиқ халқаро шартнома – демократик нормалар ва конвенцияларга, шу жумладан инсон ҳуқуқлари бўйича 38 та турли конвенцияларга қўшилди. БМТ ажратиб берган 22 та асосий битим ва конвенциялардан Ўзбекистон 19 тасини ратификация қилди. Уларга биринчи навбатда, энг нуфузли халқаро ташкилотлардан бўлган БМТ ва ЕХҲТнинг қуйидаги ҳужжатлари киради:

– Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми;

– Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси;

– Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт;

– Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт;

– Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг якунловчи ҳужжати (Хельсинки, 1975);

– ЕХҲТ иштирок этувчи давлатлар вакиллари Мадрид учрашувининг якуний ҳужжати (Мадрид, 1983 йил 6 сентябр);

– ЕХҲТ нинг инсоний мезонлари бўйича конференция Копенгаген Кенгашининг ҳужжати (Копенгаген, 1990 йил 20 июнь);

– 1992 йилги Хельсинки ҳужжати – ўзгаришлар даврининг даъвати (Хельсинки, 1992 йил 10 июнь);

– Истамбул учрашуви Декларацияси (Истамбул, 1999 йил 19 ноябрь) ва бошқалар.

Ўзбекистон келтирилган ва шу каби ҳужжатларнинг 60 дан ортиғини тан олди ва бу жараён давом этмоқда[1].

Халқаро ташкилотлар Ўзбекистонга демократик жараёнларни жорий этишда ёрдам бермоқдалар. БМТ тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Конрайднинг далолат беришича, БМТ Ўзбекистон ҳукуматига Инсон ҳуқуқлари Миллий Марказини мустаҳкамлашга, «Адвокатура»ни ривожлантиришга, Юридик ёрдам жамиятини ташкил этиб, ахборот билан таъминлашга

[1] Қаранг: Доклад о человеческом равитии. Пр ООН. Центр экономических исследований. – Т., 1998.– 87-б.

кўмаклашиб келмоқда[1]. Шунингдек, ЕХҲТнинг Тошкентдаги Маркази раҳбари Ахмет Эрозаннинг гувоҳлик беришича: «Узоқ йиллар давомида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Тошкендаги Маркази ана шу мажбуриятларни бажариш борасида (жамиятни демократлаштиришда) Ўзбекистонга кўмаклашиб келмоқда. Бундай кўмакнинг шакл – шамойиллари турлича бўлиб, хусусан, тренинглар ва конференциялар, декларация, миллий миқёсдаги мўъжаз лойиҳаларни рўбга чиқаришни қўллаб-қувватлаш кабилардан иборат»[2].

Масалан, 1996 йил сентябрда Тошкентда ЕХҲТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси (ДИИҲБ)нинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар» мавзусидаги халқаро семинар-кенгашида Марказий Осиё, Европа, Америка каби 21 та мамлакат экспертларининг, шунингдек 29 та халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Улар Марказий ва Шарқий Европада Омбудсман институтини, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ривожлантириш, қонунчилик тизимларини такомиллаштириш ҳамда халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги роли масалсини кўриб чиқдилар.

ЕХҲТ ДИИҲБнинг ташаббуси билан «Оммавий ахборот воситалари – демократлаштириш шароитида» мавзусида халқаро семинарлар бўлиб ўтди[3]. Буларнинг барчаси тинчлик ўрнатувчи ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ушбу нуфузли ташкилот билан яқин ва самарали муносабатлар ўрнатилганлигидан далолат беради.

Жамиятни бошқаришда жаҳон стандартларига ўтиш муаммолари Президент И. А. Каримовнинг ривожланган давлатлар раҳбарлари билан учрашуви чоғида ва бошқа доираларда ҳам муҳокама қилинади, чора-тадбирлар белгиланиб, Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётига татбиқ қилинди. Буни инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази раҳбари, профессор А. Саидов қуйидагича таъкидлайди: «Бош Қомусимиз – Конституциямизда ўз аксини топган халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва меъёрлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси каби инсон ҳуқуқларига

[1] Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар. – Т., 2004. IV б.
[2] Қаранг: Ўша ерда. – VII б.
[3] *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т 6. – Т., 1998. –246–247-б.

оид энг муҳим халқаро ҳужжатлар, шунингдек Хельсинки якунловчи акти, Париж ва Мадрид хартияларининг бу борадаги принципиал қоидаларини ўзига сингдирган. Бундай мужассамлик Конституциямизнинг «Ташқи сиёсат» бобида, «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» ҳамда «Жамият ва шахс» бўлимларида, «Сайлов тизими», «Ўзбекистон Республикасининг Суд ҳокимияти», «Мудофаа ва Хавфсизлик» бобларида айниқса, ёрқин намоён бўлади»[1]. Юқоридаги фикрни тасдиқлаш ва Конституциямизга қиёслаш учун БМТнинг «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактнинг 17-моддасини келтирамиз:

«1. Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашиш, унинг уй-жой дахлсизлигига ёки ёзишмалари, сирлари дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиш мумкин эмас.

2. Ҳар бир инсон худди шундай тажовуздан ёки қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга»[2].

Бизнингча, шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳуқуқларининг ушбу нормаларига ўхшаш моддаларини келтиришга ҳожат бўлмаса керак, чунки улар мазмунан мос.

Ўзбекистонда демократик жараёнларни ривожлантиришда бирқанча халқаро жамоат ташкилотлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари ҳам ўз ҳиссасини қўшаяпти.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг демократияни ривожлантиришда жаҳон ҳамжамиятининг бой тажрибасидан унумли фойдаланишига тўла асос бор. Бу тажрибани қўллаш аҳоли менталитетини инобатга олиб амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг халқаро терроризм, экстремизмга қарши курашда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги

[1] Қаранг: Инсон ҳукуклари бўйича Халқаро шартномалар. – Т., 2004. – Х б.
[2] Ўша ерда. –43-б.

Терроризм, террор – кўрқитиш, ваҳимага солиш йўли билан амалга оширилади-диган сиёсат ва тақтиқадир. Бугунги кунда терроризм бутун жаҳон ҳамжамиятининг хавотирга солиб турибди. Президент таъкидлашича: «Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Фарқ шундаки, эндиликда «совуқ уруш» асоратлари, ҳуружлари ўрнига тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик ва экстремизм, тажовузкор миллатчилик ва сепаратизм жаҳон саҳнасига чиқмоқда»[1]. Афсуски, XXI аср бошларига келиб, бу машъум ҳодиса авж олса олаяптики, ўз ниҳоясига етмаяпти. Бунга Америка, Россия, Ўзбекистон, Покистон, Испания каби давлатларда машъум оқибатларни келтириб чиқарган террористик ҳаракатлар мисол бўла олади.

XXI асрдаги терроризм ўзига хос хусусиятларга эга. Улар:

– терроризм бир давлат доирасидан чиқиб, халқаро ҳамжамиятга таҳдид солаяпти;

– терроризм яширинча қурол-яроғ савдоси билан узвий боғланиб кетди;

– терроризм наркобизнес билан биргалашиб кетди;

– терроризм аксарият ҳолларда ўзига диний экстремизм ғояларини қурол қилиб олди.

Террорчилар қандай кўринишда ҳаракат қилмасинлар, биринчи навбатда, сиёсий мақсадларни кўзлайдилар, яъни ҳокимиятни қўлга олиш ёки расмий ҳокимиятни ўз манфаатлари йўлида хизмат қилишга мажбурлаш.

Бундай ҳаракатлар бевосита алоҳида мамлакатнинг миллий хавфсизлигига, сўнгра минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдид солади, давлат ҳокимияти ва бошқарув ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг меъёрдаги иш фаолиятини издан чиқаради. Террорчилик ҳаракатлари натижасида сиёсий ва жамият арбоблари, оддий инсонларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки, шунингдек мамлакатдаги тинчлик, осойишталик, барқарорлик жиддий зарар кўради.

---

[1] *Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т 9. – Т., 2001. –105-б.

Террорчиликнинг салбий оқибатлари Ўзбекистонда «Ҳизб-ут-таҳрир» ҳаракатининг фаолиятида – республикамизга бостириб киришлар, Тошкент ва Бухородаги портлашлар, Андижондаги воқеаларда яққол кўринди. Қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилди, давлатга моддий зарар келтирилди, аҳолининг тинчлиги бузилди ва ҳоказо.

Ўзбекистон нима учун халқаро терроризмга қарши курашни ўзининг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди? Президент И.А. Каримовнинг таъбири билан айтганда: «Бугунги кунда бизнинг минтақамиз шу ҳудудда жойлашган мамлакатларни демократик, ҳуқуқий, дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган турли хил экстремистик кучлар ва марказларнинг бу ердаги хавфсизликка раҳна солиш учун кўз тиккан жойи бўлиб қолмоқда.

Бу ёвуз кучлар диний экстремизм ва халқаро террорчиликни минтақамизга ёйишга уринаётгани шундан далолат беради»[1].

Ўзбекистон 2001 йил 11 сентябрда АҚШда, шунингдек Россияда турли портлашлар бошланмасдан анча илгари терроризмга қарши курашиш масаласида халқаро Марказ тузишни бир неча марта таклиф қилди. Аммо бу таклиф кечикиб амалга оширилди. Президент И. А. Каримов ана шу Марказнинг вазифалари ҳақида ҳам ўзининг аниқ фикрини билдирди. Хусусан, унинг фикрича: «Марказнинг асосий вазифаси – терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларига қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим»[2].

Ўзбекистон терроризм, минтақавий можаролар, диний экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ тарқатиш билан боғлиқ жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солиб турган муаммоларни ҳал қилиш бўйича нафақат бирқанча таклифлар билан чиқди, балки амалий чора-тадбирларни ҳам кўрди.

Булар:

---

[1] *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т 8. – Т., 2000. –347-б.
[2] Ўша ерда. – 85-б.

– жаҳондаги энг нуфузли ташкилотлардан БМТ, Ислом Ташкилоти, шунингдек АҚШ, Россия, Хитой каби етакчи давлатларнинг эътиборини юқоридаги муаммоларга қаратиб келди (БМТ – 1993 й., 2000 йил сентябрь, ЕХҲТ – 1996 й., 1999 йил – терроризмга қарши кураш билан боғлиқ уюшмаларга аъзо бўлиб, уларнинг фаолиятида самарали қатнашди); Шанхай Ташкилоти ва бошқалар;

– турли халқаро анжуманларда қатнашиб, терроризмга қарши фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни баён қилди;

– АҚШ ва бошқа давлатларнинг терроризмга қарши амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлади ва амалий ёрдам берди (Афғонистон ва Ироқдаги тадбирлар) ва ҳоказо.

Шу ўринда Афғонистондаги террорчилик Марказини тугатиш билан боғлиқ ҳодисаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон шу ўринда АҚШ билан ҳамкорлик қилар экан, ўзи учун мураккаб бўлган қарорни қабул қилди, яъни коалиционон кучларнинг самолётларини жойлаштириш учун ўз ҳудудидаги аэродромни ажратди. Бу ҳодисани турлича баҳолаш мумкин. Агар фактларга мурожаат қилинса, толибонлар Ўзбекистон чегараларига етиб келганларида, ҳеч қайси давлат ёрдам бермаганлигига гувоҳ бўлинди. «Фақат Америка Қўшма Штатлари бошчилигидаги антитеррор коалициясининг тузилиши, - деб таъкидлайди Президент И. А. Каримов, – толибонларнинг тор-мор этилиши, террорчиларнинг полигон ва базаларининг яксон қилиниши ана шу даҳшатли таҳдидни бизнинг сарҳадларимиздан олиб ташлади…»[1].

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон нафақат ҳар қандай кўринишдаги терроризмни қоралайди, балки жаҳон ҳамжамиятининг унга қарши курашишини қўллаб-қувватлайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб борар экан, у ерда ўрнатилган тартибни тан олади ва ҳурмат қилади. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари унинг авваламбор, миллий манфаатлари ва хавфсизлиги, тараққиётини таъминлаш мақсадидан келиб чиқади.

---

[1] *Каримов И. А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т., 2003, – 238-б.

Ўзбекистон демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаровлик жамиятини барпо қилар экан, жаҳон ҳамжамиятида қарор топган ва ўзини оқлаган принципларга таянади.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Давлат қурилиши ва жамият бошқаруви соҳасидаги асосий вазифалар

Ушбу соҳадаги энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларни Президент И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида Парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш эканлигини таъкидлади.

Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун қуйидаги тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириш лозим эди:

– Президент ўз ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси Сенатга ва ҳукуматга декларация, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қуйи – Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколот ва ҳуқуқларини Кенгайтириш;

– Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг ролини ва масъулиятини кучайтириш;

– суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ва ҳоказо.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида Икки палатали парламентни барпо этиш ҳақида дастлаб 2001 йил 6 декабрда референдум декларация ҳақида қарор қабул қилинганлиги шу муносабат билан 2002 йил 27 январда икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциясида белгиланган ваколатларини ўзгартириш тўғрисида умумхалқ референдум

ўтказилганлигини ва халқимиз яқдиллик билан бу қарорни қўллаб қувватлагани маълум.

Шунингдек, 2002 йил 4–5 апрелда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ VIII сессиясида «Референдум якунлари ва давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ҳам аҳамият касб этди.

Дунёнинг етакчи ва ривожланган АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Италия сингари 75 та давлати икки палатали парламент тизимига ўтгани, Ўзбекистон Республикаси бу тизимдаги 76-давлати бўлгани, бундан ташқари, ўнлаб бошқа давлатларда икки палатали парламент тузишга тайёргарлик кўрилаётгани, бу жараённинг натижаси ўлароқ, ҳозирги даврда жаҳонда асосан икки палатали парламент тузиш анъанаси таркиб топаётгани ва бу ҳолни кўплаб катта ва кичик давлатларда кузатиш мумкин.

Шунингдек, ҳуқуқий давлат қуриш ва демократияни мустаҳкамлашда икки палатали парламентнинг ролини кучайтиришга бағишлаб Парижда ўтказилган дунё Сенаторларининг махсус форумида ҳам икки палатали парламентнинг жамият сиёсий ҳаёти учун афзалликлари, яъни қонунчилик жараёнида икки палатали парламентнинг популизм, лоббизм ва конъюктурадан қутқарадиган қўшимча фильтр вазифасини ўташи ҳақидаги фикрлар билдирилди.

Мустақилликнинг ўтган ўн беш йилида Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда катта ютуқларга эришди, халқимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси сезиларли даражада ошди, янги демократик институтлар фаолияти кучайди.

Президент И. А. Каримов мамлакатни модернизация қилиш борасида «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий принципига эътиборни кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги кўплаб мамлакатлар сингари «ўтиш даври» босқичидан ўтмоқда. Шунинг учун ҳам модернизация масаласи мамлакатимиз учун муҳимдир.

«Модернизация» сўзи французча «модерн» сўзидан олинган бўлиб, энг янги, замонавий деган маъноларни англатади. Модернизация назарияси дастлаб АҚШда, Европада эса XX асрнинг 50–60 йилларида шакллана бошлади.

Ўтиш даврининг ҳозирги босқичида жамиятимиз ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, маънавий, ижтимоий ва бошқа соҳаларида янгиланиш жараёнлари юз бермоқда. Ўзбекистонда модернизация пировард натижада постиндустриализация (яъни поймодернизация) учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериши керак.

Ўзбекистонда модернизацияни «юқори»дан туриб амалга ошириш жамиятда ижтимоий-маданий ихтилофни кучайтирарди. Ғарбий Европада муҳолиф ижтимоий табақалар, тараққиёт тарафдорлари ва модернизацияга қарши кучлар битта маданиятга мансуб бўлса, Ўзбекистонда модернизаторлар халқдан ажралиб қолган эди. Марказ бошқача фикрлайдиган одамлар, модернистларнинг пайдо бўлишини ёқтирмасди. Шунинг учун ҳам Сталин қатағонлари ўзбек халқининг ўз жамиятини, эскирган сиёсий тизимни янгилашга интилган минглаб оташин фарзандларининг ёстиғини қуритди.

Янгиланиш стратегияси истиқболга йўналтирилган бўлиши, жаҳон фани ва техникаси, ижтимоий-маданий тараққиёти ва сиёсий тузилмаларининг бугунги кунини эмас, балки эртанги кунини эътиборга олиши керак. Замонавий маҳсулотларнинг ҳеч бўлмаса, бир неча турини ишлаб чиқариш бўйича фан-техника тараққиётининг етакчи маррасида турган мамлакатгина яхлит ва ўзаро боғланган дунё шароитида ўз халқининг муносиб турмуш даражасини таъминлай олади. Шу маънода автомобилсозлик, самолётсозлик, аниқ электроника, ахборот ва коммуникация тизимларининг Ўзбекистонда амалга жорий этилиши ва ривожлантирилиши бундай талабларга берилган жавобдир.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини модернизация қилишда давлат муҳим ўрин тутиши керак. Бу хусусий тадбиркорлик Ўзбекистонда эндигина оёққа тураётгани, республика иқтисодини тубдан янгилашда давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши лозимлиги билан изоҳланади.

Давлат шахсий ва жамоавий ташаббусни қўллаб-қувватлаб, сиёсий барқарорлик ва мустаҳкам тартибни кафолатлаши керак, зотан, сиёсий барқарорлик

ва тартиб таъминланмаса, ҳеч қандай модернизацияни амалга ошириб бўлмайди. Мустақиллик қўлга киритилганидан кейин Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда модернизация жараёнининг муҳим шартларидан бўлган сиёсий барқарорлик ва тартиб ҳукм сурмоқда.

Давлат модернизация ва постмодернизациянинг асосий йўналишлари бўйича кенг қамровли илмий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдан бошлаб соҳавий бошқариш тартибидан функционал раҳбарлик тизимига ўтиши билан ҳукуматнинг иқтисодиётга методик уйғунлаштирувчи таъсирининг самарадорлиги кескин ортди. Иқтисодиётнинг турли йўналишлари бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ҳамда ҳаётга жорий этиб келинмоқда.

Модернизация ҳам жаҳон ижтимоий тафаккурининг ютуқлари, ҳам миллий маданият анъаналари асосига қурилиши, халқнинг ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончига таяниши керак. Модернизация одамлар онгида тадбиркорликни ва оқилона хўжалик юритишни ривожлантириш учун муҳим бурилиш ясаши лозим. Аммо аждодларимизнинг маънавий меросидан фойдаланмасдан, бундай бурилишни ясаш мумкин эмас.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш

Ҳокимиятнинг учинчи тармоғи – суд-ҳуқуқ тузимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш бўйича янги концепция жорий этилмоқда.

Хусусан, мустақиллик даврида Олий Мажлис томонидан 15 та кодекс, 415 та қонун муҳокама ва қабул қилинди.

Маълумки, мустақилликка эришилган вақтдан бошлаб, жиноят учун тайинланадиган ўлим жазоси босқичма-босқич камайтириб борилди. Масалан, 1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 13моддасида ўлим жазоси тайинлаш

белгиланган бўлса, 2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ҳамда 2005 йил 8 августда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида» ги фармонлари амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг энг муҳим вазифаси – инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб этиш ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш сари йўл тутилди. Шунингдек, хотин-қизлар, вояга етмаганлар ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан олий жазо турининг қўлланилмаслиги қонунларимизда инсонпарварлик ва одиллик принциплари устувор эканлигидан далолат беради.

Судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилганлигининг қонунан мустаҳкамлангани, бу эса ишларни кўриб чиқиш сифатининг ошишини таъминлаётгани, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари яратилаётгани ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий узвийликда бораётганлигидан далолат беради. Буни Конституциянинг 14-моддасидаги «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» деб белгиланган қоиданинг амалдаги исботи дейиш мумкин.

Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартибининг жорий этилиши суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Кассация инстанцияси ислоҳ қилинди: фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирларида, ўз ҳуқуқларини мазкур инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Суд жараёнида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилга ҳамда айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари бир ярим йилдан 9 ойгача, алоҳида ҳолларда эса 1

йилгача қисқартирилди. Шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди.

Қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайишини таъминлайди.

Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштиришнинг далили сифатида фуқароларни қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнгги 4 йилнинг ўзида икки баравардан кўпроққа қисқарди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, энг аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини оширади. Шу билан бирга, бу шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига ҳам тўла мос келади.

Айни вақтда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судлар ваколатига декларация Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят ижроия кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилганидан; бу соҳадаги хорижий тажриба ўрганилганидан; судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмлари ишлаб чиқилганидан; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими кадрларини тегишлича тайёрлаш ҳамда бошқа тайёргарлик тадбирлари ўтказилганидан кейин изчиллик билан амалга оширилиши лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимларида ҳам ислоҳотлар ўтказилмоқда, айниқса милиция таянч

пунктларининг кўпқиррали фаолияти ички ишлар идоралари ходимлари олдига янги вазифалар қўймоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги навбатдаги долзарб вазифалар

Мустақиллик йилларида бозор муносабатларига ўтиш йўлидан ишонч билан борилди, унинг назарий асослари ва мезонлари аниқланиб, босқичли ислоҳотлар амалга оширилди. Президентимиз «ўзбек модели»нинг принциплари ҳақида БМТнинг минбаридан туриб гапирди. Бу иқтисодий ислоҳотлар назарияси ва амалиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Президент И. Каримовнинг ушбу соҳадаги назарий фикрларида: «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари», «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» асарларида, шунингдек 2005 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма йиғилишида қилган маърузасиида асослаб берилган. Кенг жамоатчилик эътиборини тортган ва эътироф этилган мазкур фундаментал тадқиқотлар мамлакатимизда олиб борилаётган жараёнларни жиддий таҳлил қилиш, давлатнинг иқтисодий, сиёсий келажагини аниқ-равшан тасаввур этиш ва ислоҳотлар эволюциясини кузатиш имконини беради.

Мустақиллик йилларида иқтисодий соҳада қуйидаги муҳим натижаларга эришилди:

– 2001 йил якуни бўйича республика ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда 1991 йил даражасини босиб ўтди;

– 1997 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришнинг ўсиши 4% дан зиёдни ташкил этаяпти;

– республиканинг ғалла, ёқилғи-мой мустақиллигига эришилди;

– республика иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш 2003 йилда 1997 йилга нисбатан сал кам 40 баравар ўсди.

2004 йилнинг якунлари янада салмоқлироқ натижаларга олиб келди. Буни И. А. Каримовнинг нутқида келтирилган рақамлардан ҳам билиш мумкин. Ўтган йили биринчи маротаба ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 7,7 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариши 9,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 10,1 фоизга ўсди. 5 миллион тонна бошоқли дон ҳосили, 3,5 миллион тонна пахта етиштирилди. Тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 52 фоизга ўсди Республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш кескин, яъни 1,5 баравар кўпайди. Энг асосийси, аҳолининг реал даромади бир йилда 15 фоизга кўтарилди ва бошқа бир қанча ижобий натижаларга эришилди.

Қабул қилинган қонунларнинг халқаро стандартларга мослигига, бозор иқтисодиёти инфраструктурасини шакллантириш ва такомиллаштиришга, энг асосийси, давлатнинг иқтисодий фаолиятига аралашувини камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, ўтиш даврида, Президент И. А. Каримов таъкидлашича, «давлат бошқаруви органларининг вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилиб, эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос, ўз умрини яшаб бўлган ортиқча бўғин ва вазифалар, биринчи галда, тақсимлаш функциялари кескин тарзда қисқартирилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ чегаралаб қўйилди».

Айниқса, юқори иқтисодий натижаларга эришилгани, бюджет кўрсаткичлари муваффақиятли бажарилгани, иқтисодий ислоҳотлар жадаллаштирилгани, жумладан кенг кўламли хусусийлаштириш ишларининг амалга оширилаётгани, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги Ширкатлари тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этаётгани мустақиллик шарофати натижасидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Њзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Љораљалпоћистон Республикасининг Конституцияси. Нукус, 1993.
3. Инсон ќуљуљлари (Универсал халљаро хужжатлар тњплами). – Т., 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги “Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги љонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996. № 9.

5. Ҳзбекистон Республикаси 1996 йил 26 декабрдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги ҳонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997. № 2.
6. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги "Оммавий ахборотлар воситалари тўғрисида"ги ҳонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1998. № 1.
7. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисидаги ҳонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997. № 4-5.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997. № 4-5.
9. Ҳзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги ҳонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. № 9.
10. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий принциплари тўғрисида"ги ҳонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. № 2.
11. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги "Реклама тўғрисида"ги ҳонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1999. №1.
12. Ҳзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Фуқароларнинг ҳзини ҳзи бошқариш органлари тҳғрисида»ги (янги таҳрири) ҳонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1999. № 5.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ҳонуни, 1993. 2 сентябр. 1997 йил 30 августда, 1998 йил 25 декабрда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993. № 9, 320-м.; 1997. № 9, 241-м.; 1999. № 1, 20-м.
14. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги ҳонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1999. № 5.
15. Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ҳонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. № 9–10, 165-м.
16. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги ҳонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. № 1–2, 10-м.
17. Ҳзбекитон Республикасининг «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тҳғрисидаги ҳонуни»га шарҳлар. – Т., 2002.
18. Ҳзбекистон Республикасининг "Референдум якунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида"ги ҳонуни //Халқ сўзи, 2002.
19. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2004.

20. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2004.
21. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиҷ хизмати тўҳрисида”ги 1997 йил 29 августдаги ҷонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997. № 9.

Ҳзбекистон Республикаси Президенти фармони ва ҷарорлари

1. Ҳзбекистон Республикаси 1998 йил 23 апрелдаги Президентининг «Фуҷароларнинг ҳзини ҳзи бошҷариш органларини ҷҳллаб-ҷувватлаш тҳҳрисидаги» Фармони.
2. Ҳзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳзбекистон иҷтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аќамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тҳҳрисида»ги 2003 йил 24 январдаги Фармони.
3. Ҳзбекистон Республикаси Вазирлар Маќкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги «Республика «маќалла хайрия жамҳармаси» фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тҳҳрисидаги» ҷарори.

Ҳзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиҷлол, иҷтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т., 1996.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан ҷолсин. Т. 2. – Т., 1996.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоќ каби муҷаддасдир. Т. 3. – Т., 1996.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йҳлидан. Т. 4. – Т., 1996.
5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т., 1997.
6. Каримов И. А. Ќавфсизлик ва барҷарор тараҷҷиёт йҳлида. Т. 6. – Т., 1998.
7. Каримов И. А. Биз келажагимизни ҳз ҷҳлимиз билан ҷурамиз. Т. 7. – Т., 1999.
8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ќаёт – пировард маҷсадимиз. Т. 8. – Т., 2000.
9. Каримов И. А. Ватан равнаҷи учун ќар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т., 2001.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок керак. Т. 10. – Т., 2002.
11. Каримов И. А. Биз танлаган йҳл – демократик тараҷҷиёт ва маърифий дунё билан ќамкорлик йҳли. Т. 11, – Т., 2003.
12. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ҳз куч-ҷудратимизга, ќамжиќатлигимиз ва ҷатъий иродамизга боҷлиҷ. Т. 12, – Т., 2004.
13. Каримов И.А. Ҳзбек халҷи ќеч ҷачон, ќеч кимга ҷарам бҳлмайди. Т.13. – Т., 2005. –448-б.
14. Каримов И.А. Инсон ќуҷуҷ ва эркинликлари олий ҷадрият. Т. 14. – Т., 2006.
15. Каримов И. А. Тинч осойишта ќаётни ҷадрлаш ва мустаќкамлаш, мамлакатимизни ќар томонлама равнаҷ топтириш – барчамизнинг асосий вазифамиз //Халҷ сўзи. 14 окт. 2006.
16. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир //Халқ сўзи. 8 дек. 2006.

Љањшимча адабиёт

1. Авесто. – Т., 2001.
2. Алпомиш. – Т., 1998.
3. *Альмеев Р.В., Касымов Ф.К.* В плену иллюзий. Религиозный экстремизм – угроза миру и стабильности. – Т., 2004.
4. *Арифжанов Э.Љ.* Маънавий љадриятлар ва уларнинг жамиятни бошљаришдаги аќамияти. Маънавий љадриятлар ва уларнинг тарбиявий аќамияти. Монография параграфи //Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003 й.
5. *Бердиљулов С.Н.* Ички ишлар органлари кадрлари ќуљуљий маданиятини ва мафкурасини юксалтириш муаммолари // Ёнђиндан саљлаш олий мактабидаги конференция материаллари. – Т., 2000.
6. *Гударзи А.*Хизб ут-Тахрир ал-ислами: мифы и реальность. –Т., 2005.
7. *Данияров П.* К демократии по пути стабильного партнерства //Народное слово. 2006. 10 янв.
8. *Данияров П.* Защищает Омбудсман //Народное слово. 2006. 4 марта.
9. *Джумаев Р.* Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. – Т.,1996.
10. *Жан Бешлер.* Демократия. Аналитический очерк. –М., 2004.
11. *Имомназаров М., Эшмуќаммедова М.* Миллий маънавиятимиз асослари. – Т., 2001.
12. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараљљиётининг пойдевори. – Т., 1997.
13. *Кадыров Р.* Право человека на жизни превыше всего //Народное слово. 2006. 6 июля.
14. *Кадыров Р.* Важный этап судебно-правовых реформ //Фуљаролик жамияти. 2006 г. №1, с.78-80.
15. *Ким А.* «Экспорт демократии» по амеркански //Народное слово. 2005. 25 окт.
16. *Левитин Л., Карлайл С.* Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т., 1996.
17. *Левитин Л.И.* Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Ислама Каримова. –М., 2001.
18. *Маќмудов Т.* Мустаљиллик ва маънавият. – Т., 2001.
19. *Мамадалиев Ш. О.* Халљ ќокимияти: назария ва амалиёт. – Т., 2003.
20. Маънавият юлдузлари. – Т., 1999.
21. *Мустафаев Б.* Сила справедливости //Народное слово. 2006. 25 мая.
22. *Навоий А.* Маќбуб-ул-љулуб. – Т., 1996.
23. *Нудненко Л.А.* Теория демократии. –М., 2001.
24. *Одилљориев Ќ.* Конституция ва фуљаролик жамияти. – Т., 2002.
25. *Одилљориев Ќ. – Т., Ђойибназаров Ш. Ђ.* Сиёсий маданият. – Т., 2004.
26. О подписании Договора о создании зоны, свободной от ядерного оружия в Центральной Азии //Народное слово. 2006. 12 сент.
27. *Отахонов Ф.* реформирование – либерализации судебно-правовой системы: этапы осущетсвления //Фуљаролик жамияти. 2006. №1.

28.Парламентаризм: Хорижий давлатлар тажрибаси. – Т., 2002.
29.*Рустамбаев М.* Самоуправление граждан – институт народовластия //Народное слово. 2006. 3 мая.
30.*Рафиков Г.* и др. Теория и практика строительства демократического общества в Узбекистане. – Т., 2001.
31.*Улуђбек М.* Тњрт улус тарихи. – Т., 1998.
32.*Форобий А.* Фозил одамлар шаќри. – Т., 1993.
33.*Халилов Э.* Њзбекистон Республикасининг Љонун чиљарувчи олий органи: сохта вакилликдан ќаљиљий парламентаризмга љадар. – Т., 2001.
34.*Халилов Э.* Правовая база демократизации и обновления общества //Фуљаролик жамияти. 2006. №1. –с. 72-77.
35.*Шарифходжаев М.Ш.* Формирование открытого общества в Узбекистане. – Т., 2003.
36.*Эрназаров Р.У.* Фуљаролик жамият асосларининг маънавий ва ќуљуљий мезонлари // Конституция ва фуљаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. УзР ИИВ Академияси. – Т., Академия, 2003.
37.*Эрназаров Р.У.* Маънавий-маърифий тарбия – фуљаролик жамияти тараљљиётининг муќим стратегик маљсади // Њзбекистонда ќуљуљ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари. ЊзР ИИВ Академияси. – Т., Академия, 2004.
38.*Эркаев А.* Духовность – энергия независимости. – Т., 1998.
39.*Яќёев Љ.* Солиљља тортиш назарияси ва амалиёти. – Т., 2003.
40.Њзбекистон: демократик ќуљуљий давлат ва фуљаролик жамияти љуриш йњлида. – Т., 2003.
41.*Љиргизбоев М.* Фукаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998.
42.*Љурбонов Ш., Саидов Х., Ахмеддинов Р.* Баркамол авлод орзуси. – Т., 1999.
43.*Љуронов М.* Баркамол авлод тарбиясининг миллий модели //Халљ таълими. 2000. 1-сон.
44.*Ђойибназаров Ш.Ђ.* Миллий ђоя: озод Ватан – озод халљ маљола //Ќуљуљ-Право-Law. 2001. № 4.
45.*Ќаљлиев В.* Миллий истиљлол ђояси ва маќалла // ЊзР Мудофаа вазирлигидаги конференция материаллари, 2003.
46.*Ќаљлиев В.* Фуљаролик жамиятини эркинлаштириш масалалари // Ќуљуљ, 2002, № 2.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, инсон ҳуқуқлари кафедраси томонидан тайёрланган «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти»ўқув қўлланмасига

Т А Қ Р И З

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамаси ижтимоий комплекси раҳбарияти котибияти томонидан мақулланган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган наъмунавий Дастур асосида тайёрланган.

Қўлланма жаҳон тажрибаси, халқимиз тараққиёти тарихига кенг таянган. Ўзбекистон танлаб олган демократик, фуқаровий жамият, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг ўзига хос принцип ва қонунияитлари илмий-назари жиҳатдан асосоланишига жиддий эътибор берилиб маълум маънода ўз ечимини топган.

Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг назарий асослари, у тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан танишиш имкониятига эга бўламиз. Ўзбекистон жамияти тўғрисида, унинг ижтимоий- иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини эркинлаштириш, демократиялашиш билан боғлиқ хусусиятлар, йўналишлар ҳамда унга эришиш механизмлари тўғрисида яҳлит тасаввурга ҳам эга бўлиш мумкин. Булар Ўзбекистоннинг тутган йўли, мақсад ва йўналишларини билишга ҳамда бошқа давлатлар, мамлакатлардан фарқли жиҳатларини кўришга имконият беради.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов асарлари, Олий Мажлис сессия материаллари, ҳукумат қарорларидан кенг фойдаланилган.

Айниқса, демократик жамият барпо этишда ИИИ ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари фаолиятига жиддий эътибор берилиб уларни бу борадаги вазифалари, бурчлари, масъулиятлари аниқ қилиб кўрсатиб берилган. Шунингдек, олдимизда турган истиқболли режалар, вазифалар, муаммолар атрофлича кўрсатилган.

Ушбу ўқув қўлланма ўзининг илмий-методик ва назарий қиммати билан муҳим аҳамият касб этади. Ўқув қўлланмани нашр этилиши талаба ва тингловчилар учун яна бир муҳим ютуқдир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси Ўзбекистон халқлари тарихи
кафедра бошлиғи, тарих фанлар доктори Б.В. Хасанов

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти,инсон ҳуқуқлари кафедраси томонидан «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанидан тайёрланган ўқув қўлланмасига

Т А Қ Р И З

Мана ўн уч йилдирки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллик шароитида демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан бормоқда. Давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик принципларига қатъи амал қилинмоқда.

2005 йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари Ислом

Каримов «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзусида маъруза қилди. Ушбу маъруза мазмун-моҳияти билан тараққиётимиз муаммоларини ҳал этишда назарий-методологик ва амалий дастур бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан тайёрланган ўқув қўлланмасида Президентимиз томонидан илгари сурилган моденизация қилиш принциплари ўз аксини топган.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси томонидан тузилган «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти » фани ўқув дастури асосида тайёрланган.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ёзилган ўқув қўлланмасининг асосий эътиборли томони шундаки, мустақиллик йилларида жамиятни демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда олдимизда турган долзарб муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган.

Демак, муаллифлар жамоаси томонидан тингловчилар фойдаланиши учун жиддий иш амалга оширилган. Шунингдек ўқув қўлланмасида асосий диққат Ички ишлар идоралари фаолиятига боғлашга ҳаракат қилишганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш муҳим деб ўйлайман

Мазкур ўқув қўлланма ўқув жараёнида, ижтимоий-сиёсий ўқув тизимида ва маърифат машғулотларида фойдаланиш мумкин.

Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатияси
университети сиёсаишунослик ва тарих
кафедра мудири, тарих фанлари доктори,
профессор **Р.Фармонов**